

ИККИ ДУШМАНИ БОР ЭРКАК КИШИНИНГ

(иеръ ва қўшиклар гулдастаси)

ТОНКЕНТ - 2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Қ-12

Қаюм, Аҳад

Икки душмани бор эркак кишининг : (шеър ва қўшиқлар сўнгасини) / А.Қаюм – Т.: DIZAYN-PRESS, 2013. – 288 б.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Аҳад Қаюмнинг шеърияти мухлислари учун ўзига хос гулдаста. Уларни мутолаа қиларкансиз, кўз ўнгингизда шоир иқтидори, руҳий олами, намоён бўла боради.

Шоир бежизга китоб номини «Икки душмани бор эркак кишининг» деб номламаган. У бу шеъри билан яратилган хилқатларнинг энг забардаст вакили эркак гарданида нечонги масбулиятлар, бурчлар борлигига ишора қиласи.

Китобдан жой олган ахлоқий-руҳий, ишқий ва ижтимоий мавзудаги шеърлар Аҳад Қаюм мухлислари учун нафбатдаги армуғон бўлиши шубҳасиз.

Наширга тайёрловчи: Набижон ХОПИМОВ – Ўзбекистон Ёзувчилари ўюнимаси аъзоси

Тақризчи: Алишер НАРЗУЛЛО – Ўзбекистон Ёзувчилари ўюнимаси аъзоси

ISBN 978-9943-20-144-6

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ наприёни, 2013

СҮЗ БОШИ

Яратган Парвардигоримиз Одамни яратиш вақтида унинг жонини "Аласту" дами билан, Сўз билан, Мусиқа билан яратган. Шунинг учун инсон ўзига неъмат қилиб берилиган Сўз орқали ўз кўнгил ифодасини, дарди-дунёсини қоғияга солиб айттиси келади. Ёки мусикий оҳангда кўнглини ифодалайди. Бу беш кунлик дунёнинг гам-ташвишиларидан најмурда бўлган кўнгилнииг "ҳасрати" - Шеърдир. Албатта, кўнгилнииг ўз табиати, багу роги, қасру айвони, биёбони кўкламзор гулистанни, тақиртоб саҳроси бўлади. Унинг маъзаралари эса шоирлар томонидан турли кайфиyatда куйланади.

Аҳад Қаюм серқирра ижодкор. У шоир ва актёр сифатида әлимизга танилиб улгурган замондош ёшлардан биридир. Унинг бир қанча шеърлари таниқли хонандалар томонидан кўшик қилиб ижро этилиб, дилларни хушнуд этмоқда. Бир шоир айтганидек, ҳаёт деб аталмиш Буюк Устоз кимгadir қанд берса, кимгadir панд беради. Унинг синовларига бегубор кўнглини авайлаб кўтариб юрган ёшларнинг ҳаммаси ҳам чидай олмайди. Айнан шу тенгдошлирига далада бўлиш учун Аҳад Қаюм уларнинг помидан барча дардларни тўкиб солади. Ҳа бу хиссий дардларнинг (инсоний изтиробларнииг) аксарияти азалдан турли шаклда турлашиб, тусланиб қоғозларга тушиб келмокда. Шоир эса ана шу қоғияли дардларни, оддий турмуш ташвишидек кўрингани билан аслида тоғлар ҳам кўтаролмайдиган ички кесинмаларни ўзига хос равишда қоғозга туширган, холос. Аслинда спиртика, шеър шу эмасми?!

Ёшлиарнинг қалби бегубор, баҳор булугидек ўзгарувчан, инжаки инжисинкларга, ёнгасосийси, муҳаббатга тўлғин бўлали. Аҳад Қаюмининг ўзи ҳам ёш, қалби ишқ билан тўла бўлган

ни учун балоғат бекатидаги ёшларни яхши түшүнади. Гүё-ки очик дафтардай, уларнинг қалбини кўриб тургани учун тенгдошлари ҳиссий дардини ўз дардидай қофозга тўкиб солади. Бу соҳир қаламдан тонг қолаётгани, шеърларининг ҳар сатрида ўз дардини кўраётган ёшлар оммавий равишда шоирнинг мухлисига айланмоқда. Шу кунларда Аҳад Қаюмнинг ижоди "шира бойлаб" жуда кўп китоб чоп эттирмоқда. У китобдан китобга ўтгани сари фикрлари янада теранлашиб камолга етмоқда.

Энди икки оғиз китобхоник маданияти ҳақида гапирсак, бугунги кунда бутун дунёда китоб ўқишидай гўзал амал бироз оқсаётгандек кўринади. Лекин, Аҳадга ўхшаган ёшлар бор экан, хали кўп китоблар ўқиб, улар устида мулоҳаза юритамиз. Ҳа, бугун "нон ва томонча" билан қаноатланувчи ва шунгагина интилувчи биороботга айланган кишилар фаросатининг дастур билан ишлайдиган суъий интеллектдан фарки йўқ. Чин маънодаги ақдли инсон эса ўз ҳаётининг маъноси билан қизиқувчи, уни тонишга интилувчи кишидир. Китоб - маънавият булоғи. Маънавият ҳамма нарса орқали кишига онги-шуурига сингиб боради. Шунингдек, "маънавият" сўзини худа-бехуда қўллайвериш ҳам унинг қадрини тушириб юборади. Маънавиятни ҳар ким ҳар хил қабул қиласади. Бу эса кишиларнинг информацион феъл-атворига, маданиятига, ўзи түшунадиган қадриятига боғлиқ. Шундай экан, китобга, кўнгилга содик қолаётган Аҳад Қаюм сингари ижодкорларнинг журъатини қадрлашимиз керак. Ушбу китоб мустақил ҳаёт остонасига қадам ташлаётган (янги оила қ ураётган) шоир укамизнинг саодатли кунига ўзига хос совгадир.

Шукур ЖАББОР

СИЗДАН АЙРИЛСАМ

Хеч кимни сизчалик соғинмаганман,
Девона бұламан сиздан айрилсам.
Ахир ёлғизликка қандай чидайман,
Очилмай сұламан сиздан айрилсам.

Келинг күришайлик, ёлғизим, жоним,
Хеч хафа қылмайман, азизим борим.
Девонагинам мени, бўйнимда дорим,
Ишонинг, ўламан сиздан айрилсам.

Сизсиз бир минут ҳам, миллион йилдай,
Ёнингизга борини минг йиғилик йўлдай.
Йиглайман, кўзёшим сачрайли дўлдай,
Тоғ каби қулайман сиздан айрилсам.

Сиздан айрилсам бас, дунё маъносиз,
Ўзингиз гўзалиар ичра танҳосиз.
Дилоқар дарёсиз, дилтор павосиз,
Мен қандай куламан сиздан айрилсам.

Яна куттирасиз, яна келмайсиз,
Бир ҳафта бўляпти, мана, келмайсиз.
Билмайсиз-да жоним, мани билмайсиз,
Йиглайман,
Йиглайман сиздан айрилсам...

Ошиқ Аҳад сизга бугун дил тўкар,
Келинг, пойингизга дунё гул тўкар.
Бир кун сабр тугар, бир кун йўл тугар,
Айтинг, не қуламан сиздан айрилсам.

Хеч кимни сизчалик соғинмаганман,
Девона бұламан сиздан айрилсам.
Ахир ёлғизликка қандай чидайман,
Очилмай сұламан сиздан айрилсам.

ИБОДАТТА ҚАЙТАР МЕНИ!

Нафсу кибр, дил ҳасраттод ҳидоятта қайтар мени,
Үзинг мени қутқар, Оллох, ибодатта қайтар мени.
Шайтон тинмай йўқлаган чоғ дилда ўчса умидчироқ,
Имоним дарз кетса, чўлоқ лиёнатга қайтар мени.

Ўзга юртни Ватан лесам, жондўстларим лушман десам,
Асли кимлигим унутсам, садоқатга қайтар мени.
Тингламай қўнгил арзини, өсламай дўстлар қарзини,
Унутсам вафо дарсими, оқибатта қайтар мени.

Ботиб қолсам жаҳолатта, тия ёрк бериб ҳақиқатга,
Учрамайин фалокатта, атолатта қайтар мени.
Йиглайман минг пунаймоңда, умрим ўтмасин армонда,
Файридинлик бу ёмон-да, саодатта қайтар мени.

Ўзга бир инсонга айлансанам, ёлғон лунёга бойлансам,
Бедаво дардга чалисанам, нафоатта қайтар мени.
Арzonларга сотиб жонини, ёлғон билан булгаб қонни,
Тан олмасам дин имонини, заковатта қайтар мени.

Қочмасам ҳаром-хариндан, дилхонам этмай саришта,
Уйимдан қочса фарингга, бароқатта қайтар мени.
Бевафо деб ёниб кўйсам, сенинг ишқинг ёлғон йўйсам,
Севгига ишонмай қўйсам, муҳаббатта қайтар мени.

Ранжитиб қўйсам отамини, ҳолин сўролмай онамнинг,
Ўйламай қўйсам боламини, саховатта қайтар мени.
Яхшиларнинг кўзин чўқиб, бўлар-бўлмас ёлгон тўқиб,
Қадлим керсам элдан чиқиб, жамиятта қайтар мени.

Берилиб кетсанам гийбатта, ҳурмат қайтармай ҳурматига,
Бошим қўшишам ҳар турбатта, орияига қайтар мени.
Ҳасадеиз нафас олмасам, билганимдан ҳеч қолмасам,
Илмимга амал қўлмасам, маърифатта қайтар мени.

Гоҳ учсанам аёл макрига, вақт гонмай сенинг зикринига,
Муҳтоҷман сенинг меҳринига, ҳаловатта қайтар мени.
Кўлла ё Раб, бандам лепини, онниқ қалбимни тушунгин,
Аҳадни сен қутуттиргин, нижоатта қайтар мени.

Гар унутсам асли наслим, сендан ўзга йўқдир дўстим,
Ношукрлик бўлса қасбим, қаноатта қайтар мени.
Канда қилсан намоз-рўзам, тонар бўлсан "Қуръон"дан ҳам,
Сени ҳам тан олмай қўйсан, сен тоатта қайтар мени.

Артайин мени дилдан зангни, қиёматта кутиб боғни,
Аҳадидай ожиз бандангни, ҳақиқатга қайтар мени.
Нафсу кибр, лил ҳасратдоғ, ҳидоятга қайтар мени.
Ўзинг мени кутқар, Оллоҳ, **ИБОДАТ**га қайтар мени.

МЕХР ТИЛАДИМ

Мен сиз билан дўсту биродар,
Насиб этса, қиёмат қадар.
Омон бўлинг, кўрмангиз қадар,
Оқибату имон сўрадим,
Қалбингиздан меҳр тиладим.

Бу дунёга келганмиз нечун,
Бир яхши ёд қолдирмоқ учун.
Вафо қилмас бу фоний очун,
Йўлингизга интиқ қарадим,
Қалбингиздан меҳр тиладим.

Бу кун шундай ёруғ кун экан,
Дарду гамдан дариг кун экан.
Баҳт улашар улуғ кун экан,
Мен бу кунни йилга уладим,
Қалбингиздан меҳр тиладим.

Яхшиликтан мен толмайман ҳеч,
Аҳад ҳамроҳ сизга эрта-кеч.
Садоқат – бу шундай соҳир куч,
Мен шу кучдан сеҳр тиладим,
Қалбингиздан меҳр тиладим.

САНЬЯТИМ

Ноласи оламни қучган санъатим,
Элнинг дарду гами кўчган санъатим.
Қўнгил осмонида учган санъатим,
Дунё баҳрида юз очган санъатим,
Дилларга ўз меҳрин сочган санъатим!

Санъатим, кимларни қилолдинг буюк,
Санъатим, ўзингсан эл ичра суюк.
Санъатим, фигонинг бунча ҳам қуюк,
Дилларга ўз меҳрин сочган санъатим,
Ноласи оламни қучган санъатим!

Сен билан қалбимнинг овози туташ,
Ундаги оққушлар нарвози туташ.
Юрак чалётган тор, сози туташ,
Энг соғ чашмадан сув ичган санъатим,
Дунё баҳрида юз очган санъатим!

Гоҳ миллат оҳининг бир саси бўлдинг,
Армонидан сўйлар нафаси бўлдинг.
Сенга интилганнинг ҳаваси бўлдинг,
Мудом яхшиликка шошган санъатим,
Дилларга ўз меҳрин сочган санъатим!

Санъатим, сенинг сас садоинг менман,
Санъатим, йўлингда адоинг менман.
Санъатим, санъатга филоинг менман,
Ноласи оламни қучган санъатим!
Эннинг дарду гами кўчган санъатим!

ЭРТАГА НЕ БЎЛАР

Бунда на яшаб, на ўлиб бўлмайди,
Керак пайт ҳақиқат голиб бўлмайди.
Кўз очиб юмгуңча ўтар бугун ҳам,
Эртага не бўлар, билиб бўлмайди...

ДИЙДОР ГАНИМАТ

Бугун сени эслаб йўқлади кимдир,
 Кўнгил зиёрати, энг олий неъмат.
 Лаҳзада, нафасдек ўтади умр,
 Дийдор ганиматдир, дийдор ганимат.

Шоҳнавда авайлар мудом япроқни,
 Заминга нур сочар қуёш беминнат.
 Ҳар фасл сезгайман қалбда титроқни,
 Дийдор ганиматдир, дийдор ганимат.

Ёшларнинг эртанги ҳаётин ўйлаб,
 Кексалар бежизга қилмас насиҳат.
 Сўзларин тинглаймиз эҳтиром айлаб,
 Дийдор ганиматдир, дийдор ганимат.

Тун чоги киприклар қучиб бир-бирин,
 Хумордан чиққунча қилдилар суҳбат.
 Тонгача излашиди нигоҳим сирин,
 Дийдор ганиматдир, дийдор ганимат.

Ҳеч ким дохил эмас мангулик учун,
 Ҳатто, ташангдаги жон ҳам омонат.
 Шубҳасиз, барчаси ўтгайдир бир кун,
 Дийдор ганиматдир, дийдор ганимат.

2007

МЕНИ ЙИГЛАВ СОФИНМА

Мени йиглаб согинма,
 Мени согинсанг, йиела.
 Исимим айтмай уйғонма,
 Исимими айтиб ухла.

Бўлмасам ҳам ёнингда,
 Бўлай лейман ёдингда...

ОҚ КҮНГИЛЛАР...

Ёмонликнинг хунобида оҳ, Күнгиллар!
Ёрсизликнинг тирдобида воҳ, Күнгиллар!
Ёлгизлиқнинг азобида тоқ күнгиллар,
Ёвузликнинг гуноҳида оқ күнгиллар.

Оқ күнгиллар, зулматдаги нурга ўхшар,
Оқ күнгиллар, осемондаги хурга ўхшар.
Оқ күнгиллар, ерда ётган дурга ўхшар,
Оқ күнгиллар, очилмаган сирга ўхшар.
Хиёнатнинг макридан тоҳ дод күнгиллар,
Бу дунёдан алоҳида оқ күнгиллар.

Имонига, виждонига содик улар,
Жаннатларнинг энг тўрига лойиқ улар.
Севгилисин жамолига етмоқ учун,
Жонидан ҳам кечадиган ошиқ улар.

Юраклари яшинган бир боғ күнгиллар,
Яратганинг паноҳида оқ күнгиллар.
Боғбони йўқ гулга ўхшар оқ күнгиллар,
Карвони йўқ йўлга ўхшар оқ күнгиллар.
Макони йўқ сизга ўхшар оқ күнгиллар,
Яхшиларнинг саногида оқ күнгиллар,
Фаришталар ардоғида оқ күнгиллар.

Хиёнатнинг макридан тоҳ дод күнгиллар,
Юраклари яшинган бир боғ күнгиллар.
Бу дунёдан алоҳида оқ күнгиллар,
Яратганинг паноҳида оқ күнгиллар.
Яхшиларнинг саногида оқ күнгиллар,
Фаришталар ардоғида оқ күнгиллар!!!

ҲЕЧ КИМСА КҮРМАСИН ФАРЗАНД ДОГИНИ

Ниҳолсиз қолдирма умр богини,
Тингла бу дунёнинг кўнгил охини,
Қаровсиз етимлар бир кунин кўргай,
Ҳеч кимса кўрмасин фарзанд догини.

Эркак ёлгиз қолса иложин қилиб,
Юрагин алдайди қўксини тилиб,
Умр ўтказса-да тиш тирноқ қилиб,
Ҳеч кимса кўрмасин фарзанд догини.

Гоҳи тетик бўлсин, гоҳи хастаҳол,
Қирқта жони майли, бўлса-да увол,
Йўқотган баҳтини қайтарар аёл,
Ҳеч кимса кўрмасин фарзанд догини.

Дўсти йўқ Худодан мадад сўрайди,
Камбагал бойлигу давлат сўрайди,
Ҳар ким боласига омад сўрайди,
Ҳеч кимса кўрмасин фарзанд догини.

Онанинг бир кунлик азоби ҳаққи,
Яратган бизларга раҳм этар балки,
Дунёдан қимматлир бир гўлак нархи,
Ҳеч кимса кўрмасин фарзанд догини.

Аҳал кўнгилларга зиё сўрайди,
Ҳар қандайни дардга даво сўрайди,
Барча беморларга шифо сўрайди,
Ҳеч кимса кўрмасин фарзанд догини.

2009

ОЛЛОХ БИЗНИ ҚҰЛЛАГАЙДИР

Яхшиликка камар боғланг,
Эл яхшини сийлагайдир.
Савоб билан дилни чоғланг,
Оллоҳ бизни құллагайдир.

Гоҳо қисмат кетар әгри,
Кимлар ҳалол, кимлар ўғри,
Гар йўлимиз бўлса тўғри,
Оллоҳ бизни құллагайдир.

Биз тақдирнинг садосимиз,
Муҳаббатнинг алосимиз,
Бир кўнгилнинг гадосимиз,
Оллоҳ бизни құллагайдир.

Яхши отга керак тақа,
Сайрашга шайланса бақа.
Тавба деб, ушласак ёқа,
Оллоҳ бизни құллагайдир.

Ким бойликка ўч бўлади,
Бир гавғога дуч бўлади,
Имон дилга куч беради,
Оллоҳ бизни құллагайдир.

Ким пул учун лўстин сотар,
Бир умр гафлатга ботар,
Ўзига қўй, эй биродар,
Оллоҳ бизни құллагайдир.

Биз ҳаммага ишонамиз,
Чунки ёруғ пешонамиз,
Соғ бўлса ота-онамиз,
Оллоҳ бизни құллагайдир.

Ким ортингдан иғво қилар,
Эрта жойи дўзах бўлар,
Марднинг мудом баҳти кулар,
Оллоҳ бизни қўллагайдир.

Озор бериб чумолига,
Қолманг дейман уволига,
Кулмасак гарип холига,
Оллоҳ бизни қўллагайдир.

Осмондан кўп ҳолва кутма,
Мунофиқ йўлини тутма,
Ҳасис олдида паст кетма,
Оллоҳ бизни қўллагайдир.

Омон бўлса Аҳад шоир,
Ҳар яхшини куйлагайдир,
Етар бу ниятга охир,
Оллоҳ уни қўллагайдир.

ОРЗУ

Отам, онам билан танишганида,
Тақдирин бирга ҳал қилишганида,
Ният қилганида гар ўғил кўрсак,
Шоир қиласиз деб келишганида.

Камида Навоий бўлардим бугун,
Доғда қолдирардим балким Пушкинни,
Мен майдонга чиқсан – адабиёт, фан,
Дунё тан олмасди мендек ҳеч кимни.

ЁЛГИЗЛИК ЯХШИДИР, ЁЛГИЗЛИК ЯХШИ...

Бевафо қўйнида хушдамдан кўра,
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.
Бедаво бир дўсти ҳамдамдан кўра,
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.

Асал деб заҳардан тутганда бўса,
Йўлларингни тўssa, баҳтингни кесса.
Макри шайтонўзар санамдан кўра,
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.

Ёнингда осмонга кўтарар жуда,
Ортингдан иғвою гийбатни урса.
Турқи лаганбардор одамдан кўра,
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.

Не-не манман леган ўша зотларни,
Аёл булгаб қўиди азиз отларин.
Фоҳиша-ла боғсан қадамдан кўра,
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.

Бугун дастурхонда дўстлек ошинг еб,
Эртага майдонда кетар бошинг еб.
Байрамнинг ортидан мотамдан кўра,
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.

Аҳал бир кун яшаб кулагандан хандон,
Эртага жонингни йиртса пушаймон.
Эрта келалиган аламдан кўра,
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.

ОДДИЙ ФАЛСАФА

Доно шонир кутиб-кутиб пайтини,
Битар экан энг сара шоҳ байтини.
Оқил одам, отилмайди мансабга,
Меҳнат қилиб кутар ўз нафбатини.

ТЕЛЕФОНДАГИ СУҲБАТДАН:

— Васлингизни туннларимда согинганим рост,
Сизсиз жоним, бу ерларда кўнглим тўлмайди.
Кўринингданда сирлашармиз ошиқларга хос,
Телефонда ҳамма гапни айтиб бўлмайди.

Сизга атаб шеър ёзганман, ҳеч ким билмайли,
Гуллар терлим, боргунимча асло сўлмайди.
Сўз бердимми, энди сўздан қайтиб бўлмайди,
Телефонда ҳамма гапни айтиб бўлмайди.

Билмам, менидан иени бунча истайверасиз,
Севаман леб айтинг, дея қистайверасиз.
Мухаббатим исботлагум, мана, кўрасиз,
Телефонда ҳамма гапни айтиб бўлмайди.

Заррача ҳам ёлғон йўқдек сизнинг сўзларла,
Зигирча ҳам риё йўқдир бизнинг сўзларда.
Ҳеч кимда йўқ ибо бўлсин сиздек қизларла,
Телефонда ҳамма гапни айтиб бўлмайди.

Сизни менга, мени сизга учратиб қисмат,
Бир мудлатга айрилиққа танилади фақат.
Кутинг, жоним, кутинг, эркам, Аҳадни фақат,
Телефонда ҳамма гапни айтиб бўлмайди.

ИШҚ СУРАТИ

Ҳар лақиқа сенни ўйлайман,
Балки кўпроқ ундан ўн марта.
Юрагимни ёмон қийнайман,
Кўргим келар қайта ва қайта.

Севаман биллурлай чехрангни,
Кўзларимдан кетмайсан сира.
Таъқиб қилар олмос нигоҳинг,
Ишқ сурати мавҳум хотира...

2012

ТАНИШ РАҚАМЛАР

Йүқсан, дийдорингни құмсайвераман,
Телефондан нажот излайвераман.

Тұрт девор ичидә ғажилса руҳим —
Таниш рақамларни эслайвераман.

Таниш құнгироқлардан шаҳар чайқалар,
Микрофон титрайди товуш ўзгарар.
Исмингни тақрорлар галактикалар,
Таниш рақамларни эслайвераман.

Пошнам қирқиради, инграйди туфлим,

Костюмим тұгмасыз, иситмас шарфим.

Гоҳо унутаман исми шарифим,

Таниш рақамларни эслайвераман.

Бемаъни қизлардан, bemanya ҳатлар,
Журналлар, радио, бескорчи гаплар.
Чарчатса газета ё сериаллар,
Таниш рақамларни эслайвераман,
Таниш рақамларни эслайвераман.

Қаққайған тұрт девор тұрттала безбет,

Мени қувонтирмас чет әліга билет.

Хайратта солмайды шөв-шув, интернет,

Таниш рақамларни эслайвераман.

Рақамлаб ташлаган, мосина, пуллар,
Хұжжатда рақамлар, рақамли құлфлар.
Күзимга бомбадай күринар пультлар,
Таниш рақамларни эслайвераман.

Чарчатса техника, сигмай оламга,

Йиғлаб хуморланғим келса онамга.

Бир ўзим қамалиб яна хонамга,

Таниш рақамларни эслайвераман,

Таниш рақамларни эслайвераман.

2009

ТЕЛЕФОНГА ЮГУРАР ҚҰЛІМ

Телефонга югурап құлім,
Сенсизликка чидолмаяпман.
Тушун, ахир, ёлғизлик ўлим,
Согинчларни ҳайдолмаяпман.

Телефонга югурап құлім,
Келишингни кутолмаяпман.
Таниш рақам, тақрорлар тилим,
Дил захрини ютолмаяпман.

Сени севдим, дунёдан кечиб,
Сени севдим, аламлар қучиб.
Сени севдим, қасамлар ичиб,
Нега ортга қайтолмаяпман.

"СМС"лар ёзасан кел, леб,
Бир умрга ёнимда қол, леб.
О, севгилім дарлларим ол, леб,
Күйешларим артолмаяпман.

Телефонга югурап құлім.
Танам титрар терға ботганча.
Үйқум келмайди, тонг отганча,
Ачинарли бу хаста ҳолим.

Хеч кимга дард айтольмаяпман,
Нималандир безовта күнглім.
Гумонларни ҳайдолмаяпман,
Телефонга югурап құлім...

САВОҚ!

Ҳар бир ишида ярашади асталик,
Шопқалоқтык көлтиради хасталик.
Элдан аввал чанг күттармоқ нодондан,
Ном чиқармоқ санаалмайди усталик.

ХИЁНАТНИ КЕЧИРМАЙМАН...

Севгилим, ёлғонларнинги,

Юрагимдан ўчирмайман.

Кечирсам ҳам бор айбингни,

Хиёнатни кечирмайман.

Кет, дейману оғринаман,

Кел, дейману соғинаман.

Ёлғизликнинг дөғидаман,

Хиёнатни кечирмайман.

Кечирмайман, кечирмайман,

Сен ўзгага кўзинг сузсанг.

Кечирмайман, кечирмайман,

Ўз ваъдангни ўзинг бузсанг.

Юрагимга хапжар озор,

Муҳаббатга қўнглим мозор.

Дунё ишқа гирром бозор,

Хиёнатни кечирмайман.

Юпун дайдиб, ёлғиз қақшаб,

Йиглаб ёш болага ўхшаб.

Бу дунёдан совиб яшаб,

Хиёнатни кечирмайман.

Мен Аҳадман, ўз дилимга,

Нафс оғусин ичирмайман.

Тузоқ қўйма сен йўлимга,

Хиёнатни кечирмайман.

Кет, дейману соғинаман,

Кел, дейману оғринаман.

Ёлғизликнинг дөғидаман,

Хиёнатни кечирмайман.

ЗАМОНАВИЙ ШИОР!

(ҳазил)

Яшаш керак, нул тоиниши керак,

Кўнгил топиб, йўл тоинини керак,

Ҳаммасига улгуришин учун,

Ярим қарич тил тоинини керак.

УНИ БОШҚА УЧРАТМАДИМ

Аввал севги изҳор этди у,
Йўлларимни ҳар кун кутди у.
Сўнг дилимни гашлаб кетди у,
Уни бошқа учратмадим...

Дард билан қўришдим, у кетгач,
Бахт билан қўришдим, у кетгач.
Ҳоли не кечдийкин дилим ғаш,
Уни бошқа учратмадим...

Учратмадим севгини ҳам,
Юрагимни эзмоқда ғам.
Армон менга бўлди ҳамдам,
Уни бошқа учратмадим...

Ранжиганим билан барибир,
Севардим-да мен уни ахир,
Бир дарл дилни эзар муттасил,
Уни бошқа учратмадим...

Пенжонада йўқ экан висол,
Бахтигани топ, эй соҳибжамол.
Олисларга обқочар хаёл,
Уни бошқа учратмадим...

2010

ЙИГЛАСАНГ...

Севсанг-у, севгилинг сени ҳам севса,
Ўзгага боқмайин бир сени леса.
Йигласанг, қўшилиб сен билан йиглаб,
Кулганда ҳам фақат, сен кулсанг, кулса.

СЕНИ ЭРТАГА ҲАМ КҮРАРМИКИНМАН?

Бугун ёнимдасан, аммо эртага,
Сени ўйлаб хаёл сурармикинман.
Құрқаман, айрилиқ түшмай ўртага,
Сени эртага ҳам күрармикинман?

Бир бор сүйиб, бир бор күйганим учун,
Қалбимда шунчалар шубхаю тугун.
Гарчи сен баҳтингдаң бўлсанг ҳам мамнун,
Сени эртага ҳам күрармикинман?

Нетай, ёнингда ҳам согинаман-да,
Сўйкалаверишни қилмайман қанда.
Дунё кунда минг бор ўзгарётганда,
Сени эртага ҳам күрармикинман?

Қучоғингда бир бор кулмайин туриб,
Нафасим тўхтамай, ўлмайин туриб.
Яrim қўнглим баҳтдан гўлмайин туриб,
Сени эртага ҳам күрармикинман?

Биламан, севасан, яхши қўрасан,
Мени авайлайсан, мендан кўра сан.
Дилдан армонларни бир-бир терасан,
Сени эртага ҳам күрармикинман?

Насиб этса, кўргум, әй кўзи ахтар,
Нигоҳингдан юлдуз терармикинман?
Эртага қиёмат бўлмаса агар,
Сени эртага ҳам күрармикинман?

2010

СЕВМАЙМАН, ДЕБ ҚАНДАЙ АЙТАМАН

Сен күзимга қолдинг термулиб,
Мен жимгина ортга қайтаман.
Кун санайсан сен мени кутиб,
Севмайман, деб қандай айтаман.

Йил ўтказиб кутдинг нидолар,
Йўлларимда бўлдинг адолар.
Балки мендан ўтди хатолар,
Севмайман, деб қандай айтаман.

Байтларимни ёдлаб борасан,
Ва кўнглиингта яқин оласан.
Нега бунча ўйга толасан?
Севмайман, деб қандай айтаман.

Унут мени, ёй қаламқошим,
Энди ортиқ етмас бардошим.
Саробларга бахти талошим,
Севмайман, деб қандай айтаман.

Сен дўстликни ишқقا йўйибсан,
Ёлгон ҳисга ёниб-куйибсан.
Менга билмай қўнгил қўйибсан,
Севмайман, деб қандай айтаман.

Бахтингни тои, сўнги тилагим,
Сезмасанг ҳам майли, керагим.
Тушлар потинч тегар юрагим,
Севмайман, деб қандай айтаман.

СЕВМАГАНМАН СИЗНИ ҲЕЧ ҚАЧОН

Сиз ўйлайсиз, ранжитлим уни,
Энди менсиз унга тор жағон.
Әнг ёмона билмайсиз шуни,
Севмаганман сизни ҳеч қағон.

Хафа бұлманғ, күлонманғ сира,
Сүзларимдан бұлманғиз ҳайрон.
Яна дилни этмайлик хира,
Севмаганман сизни ҳеч қағон.

Мен шунчаки сизға ачиниб,
Қайта-қайта сүйладим ёлғон.
Кимга фойда буни яшириб,
Севмаганман сизни ҳеч қағон.

Ич-ичимдан бир бэзовта рух,
Мени таъқиб етіпти ёмон.
Сигмас энди юракта андух,
Севмаганман сизни ҳеч қағон.

Менға буни айтмоқтік оғир,
Дил тоңмоқда ўзидан ҳар он.
Нима қиласай, күнгілім йўқ, ахир,
Севмаганман сизни ҳеч қағон.

Энди бунинг имкони йўқдир,
Баъзан дейман: бас, Аҳад, ҳайқир!!!
Умид яна бениншоғ ўқдир.
Васл насиб отмади тақдир...
Севолмайман сизни ҳеч қағон...

2008

ЯНА СЕВАРМИКИНМАН...

Қанчалик истасам, багрим очишини,
Шунчалик истайман сендан қочишини.
Илюжи бормиқиң сендан кешишини,
Яна севармиқинман...

Уұратармикапман, сендан тұзалроқ,
Бугун ҳеч кимим йүқ сендан афзалроқ.
Сени унугтарман, аммо бир сүроқ,
Яна севармиқинман...

Билмайман, билишини истамайман ҳам,
Билганим юракқа зиддек ботар ғам.
Бор-ей леб, мен бугун сендан кечворсам,
Яна севармиқинман...

Тилемнинг устида күндаланғ тикаи,
Ҳасратим ҳеч кимга айта олмайман.
Аросат, ҳижрондан ёмонпроқ әкан,
Яна севармиқинман...

Бир тошта иккі бор қоқылған одам,
Қайтиб үнделмайди үзипи ҳеч ҳам.
Бир умр битмайды иккита ярам,
Яна севармиқинман...

2009

БОШҚАСИН СЕВМАСМИКИН?!

Қалбимдеги мұхаббат, бир қызға атағандыр,
Шу очиқ иккі күзим, бир унға қадалгандыр.
Юрагимни юлсанғыз, кечмагайман ундан ман,
Бошқасин севмасмикин, күрқаянман шундан ман.

СЕНСИЗ...

Айрилиққа ошнаман,
Висолингга ташнаман,
Күзёшлари чашмаман,
Сенсиз...

Хижрон – ажал шарпаси,
Армон – уйку күрпаси,
Ёлгон – ҳаёт зарбаси,
Сенсиз...

Дил титрайди жонсарак,
Келмайди сендан дарап,
Менга омад не керак,
Сенсиз...

Күзгуга боққим келмас,
Күчага чиққим келмас,
Бедормаш, уйқум келмас,
Сенсиз...

Күнглим кемасиз денгиз,
Юрак осмонсиз юлдуз,
Қандай яшайман ёлгиз,
Сенсиз...

Нигоҳдаринг күзтумор,
Қалбингда яшиар баҳор,
Менинг қалбим құммозор,
Сенсиз...

Хонамдаги буюмлар,
Чанғга боттан кийимлар,
Менга құшилиб йинлар,
Сенсиз...

Сенсиз, алам улфатим,
Ёлғизлитим кулфатим,
Хаёл нурсиз зулматим,
Сенсиз...

Пуллар сочилиб ётар,
Қалбим очилиб ётар,
Қоним ичилиб ётар,
Сенсиз...

Дилда нафратим соңсиз,
Гүё томирим қонсиз,
Юрак йиглайды унсиз,
Сенсиз...

Хижрон – ажал шарпаси,
Армон – уйқу күрпаси,
Ёлғон – ҳаёт зарбаси,
Сенсиз...

2010

НИМА ҚИЛАЙ, АХИР, УНИ СЕВАМАН

Үзимни ўнглашга күч тополмадим,
Дардим тузалмайди шуны сезаман.
Қанчалик уринмай унуголмадим,
Нима қилай, ахир, уни севаман.

Қанийди ёнига бора олсайдим,
Қалбинг кимда, дея сўраёлсайдим.
Кимтадир кўнглимини ёра олсайдим,
Нима қилай, ахир, уни севаман.

Бўғзимда тиқилиб бир дарл бўгилаар,
Йўқ, ундан кечмайман, не бўлса, бў гар.
Йўлдан қайтармоқча уринманг, дўстлаар,
Нима қилай, ахир, уни севаман.

Гурури осмондай бир йигит эдим,
Муҳаббат олида бугун тоз чўқдим.
Шу йўлда боримни, жонимни бердим,
Нима қилай, ахир, уни севаман.

Оламлар ичилга оламлар гуллар,
Кўксимда армонлар, аламлар гуллар.
Эсингни йинг, дея баъзилар кулар,
Нима қилай, ахир, уни севаман.

Сен кимга тўқис баҳт бердинг, эй дунё,
Мудом ошиқ йўлини тўслинг, эй дунё.
Тунунгни, Аҳалдай дўстинг, эй дунё,
Нима қилай, ахир, уни севаман.

2009

ЎЗГАНИНГ ёРИГА КҮНГИЛ ҚҮЙИБМАН

Севгим учради, леб ёниб-күйибман,
Исмин ҳам сўрайман, уни сўйибман,
Шартта бориб дилим очибман билмай,
Ўзганинг ёрига кўнгил қўйибман.

Ҳа, чўгнинг остила олов ошиқлик,
АЗобу қийноққа гаров ошиқлик,
Ақл ва кўнгилга синов ошиқлик,
Ўзганинг ёрига кўнгил қўйибман.

Мени шайтон йўлдан урлими ёки,
Юракка нимадир бўллими ёки,
Ўйлаб ҳам қўрмабман буни ҳаттоқи,
Ўзганинг ёрига кўнгил қўйибман.

Нима бу куфрми, зиноми, дўстлар,
Бу дунё аламдан биноми, дўстлар,
Нима қиласиз, леб тану жон бўзлар,
Ўзганинг ёрига кўнгил қўйибман.

Эй ҳаёт, наҳотки алашдим яна,
Ичимда шовқинлар тинмайди мана,
Хиёнат, диёнат бошқа масала,
Ўзганинг ёрига кўнгил қўйибман.

Иккита боласин қўрдиму шу он,
Тилларим айланмай тош қотди бирдан,
Мен қайдан билибман буни Художон,
Ўзганинг ёрига кўнгил қўйибман.

Мен ким Аҳад Қаюм, шоирман, дердим,
Муҳаббат бобида моҳирман, дердим,
Ошиқман, севгига лойиқман, дердим,
Ўзганинг ёрини севиб қолибман,
Севгим учради, леб ёниб қўйибман...

2009

СИЗ ФАҚАТ МЕНИКИСИЗ!

Бекорга учрашмадик,
Бу қисмат – келар тилсиз.
Тилда-ишқ, дилда ҳадик,
Сиз фақат меникисиз!

Дейсиз, ошиқларим күн,
Йўлларимда турад тўн.
Ганини камайтириңг! Хўн –
Сиз фақат меникисиз!

Меникисиз бир умр,
Дилининг талаби шудир.
Севгисиз ҳаёт йўқдир,
Сиз фақат меникисиз!

Севинингиз биламан,
Айтганим қилдираман.
Йўқ, леманг,
Ўлдираман,
Сиз фақат меникисиз!

Алишмай олтин зарга,
Бермайман ўзгаларга.
Кўнинг, мендек қайсарга,
Сиз фақат меникисиз!

Сизга боним эгганман,
Дилда ният тукканман.
Токи тирик экапман,
Сиз фақат меникисиз!

2010

БОЙЛИК ДЕБ...

Баъзилар нулни кўн йиг, дейли,
Бой бўлсанг, узоққа борасан.
Бойлик деб йўлингдан адашиб,
Кўпинча тузоққа борасан.

ЕЛГИЗГИНАМ...

Денгиз бұлсанг, соҳилингда сұзсам, дейман,
Саҳро бұлсанг, қучогингда кезсам, дейман,
Ёнингда мен борлигими сезсам, дейман,
Елғизгинам...

Айтгил менга не ситамдин күзларинг нам,
Не жафодин юрагингда бунча алам,
Осмонини тополмаган юлдузгинам,
Елғизгинам...

Нима қилай, ёнингда ҳам согинаман,
Олисларга кетиб қолсанг, оғринаман,
Бир бор боқсанг, ақлу ҳушлан айриламан,
Елғизгинам...

Сен кетганда дардим айтдым шамолларга,
Күмілдим мен, ёлғонларга, гумонларга,
Күз тикарман, олис-олис томонларга,
Елғизгинам...

Аямагин, дилдан меҳру шафқатингни,
Яширмагил, мендан күнгил сийратингни,
Аён этгил; Аҳадга ҳам ниятингни,
Елғизгинам...

2010

ХАЙХОТ

Үзи учун нелар қилмади бу зот,
Ишлатиб ақлию қанча фаросат,
Ватан учун айтгин, не қилдинг десам,
Тили ҳам айланмай қолди-ку, ҳайхот...

МУҲАББАТ ҚАДРИНИ БИЛМАГАН

Япроқнинг қадрини билмаган,
Илдизнинг қадрига етмагай,
Тупроқнинг қадрини билмаган,
Юлдузнинг қадрига етмагай.

Бошга тушса минг бир кулфатлар,
Кўнгилни қопласа зулматлар,
Чироқнинг қадрини билмаган,
Кундузнинг қадрига етмагай.

Лойқа сув, жилгадек кулмаган,
Ифлос кўйл дарёдек тўлмаган,
Жилғанинг қадрини билмаган,
Денгизнинг қадрига етмагай.

Олисда қондошдан шубҳасиз,
Ёндаги жон қўшни минг азиз,
Яқиннинг қадрини билмаган,
Олисининг қадрига етмагай.

Ота-она дуосин олмай,
Ёлғонларнинг ортидан қолмай,
Мұхаббат қадрини билмаган,
Чин дўстнинг қадрига етмагай.

Дарларимни билмасанг, айт ким,
Мени ким тушунар яқиним,
Аҳаднинг қадрини билмаган,
Бу сўзнинг қадрига етмагай.

Япроқнинг қадрини билмаган,
Илдизнинг қадрига етмагай,
Тупроқнинг қадрини билмаган,
Юлдузнинг қадрига етмагай.

БУНЧА МАЬЮССАН?

Севгилим, бу оқшом висол кечаси,
Иккимиз зор күтіган дайдор кечаси,
Күнгиллар учрашған хумор кечаси,
Бунча маъюссан?

Ёнимда бұлсанғ ҳам түе ёлгизсан,
Кемасин йүкотиб қўйған деғизсан,
Тунлари бошимда нурсан, юлдузсан,
Бунча маъюссан?

Сени бунча нима қийинаянти, айт,
Яшашиң ўрганин гамга қасдма-қасд,
Қалбинг ўртамоқда билмам қандай дард,
Бунча маъюссан?...

Кечагина, бирға бұлсайдик, дердинг,
Бирға әркаланиб юрсайдик, дердинг,
Нега бунчалик тез үзарыб қолдинг,
Бунча маъюссан?

Ёки мендан бирор хато ўтпими,
Бирор ганим сенга оғир ботдими,
Сени башқа бирор ё ранжитдими,
Бунча маъюссан?

Бунга чидоялмайман, ичин ёмон тор,
Бунча қийинаянча кел, бопнимни ёр,
Манинг айбим шима, бу нима аҳвол,
Бунча маъюссан?

СЕВАМАН!

Сўра мендан, азизим,
Жонимни ҳам бераман.
Ўзингдирсан ёлгизим,
Севаман!

Бугун дилимда титроқ,
Қалбимда минг бир сўроқ.
Сени ҳаммадан кўпроқ,
Севаман!
Қалбим очиб кўрсайдинг,
Кутганимда келсайдинг.
Ўз бағримда кулсайдинг,
Севаман!

Кўзимданам қизгониб,
Ўзимданам қизгониб.
Минг ўртаниб, минг ёниб,
Севаман!

Меникисан, сезаман,
Армонларим юваман.
Ҳасратларим қуваман,
Севаман!

Келгин, изинг излатма,
Жоним мени бўзлатма.
Икки дилни музлатма,
Севаман!

ЁДИМДА БЎЛСАНГ, БАС...

Бунчалик севмасдим ёнимда бўлсанг,
Ёдимла бўлсанг, бас, ёдимда бўлсанг.
Ҳар баҳор қабримда гуллар очилар,
Агар ўлгунимча қалбимда бўлсанг.

ҚИРҚТА ВАЪДА

Қирқ қокилинг қирқ арғамчи, ўйнар мени,
Қирқ кипригинг қирқта соқчи, қийнар мени.
Қирқта ваъданг қирқ алдамчи, синар мени,
Тузоқ ташлаб қирқ томондан пойлар мени.
Қирқ минг ошиқ ичра қачон сайлар мени,
Юрагимни чопсалар ҳам қирқ бўлакка,
Шубҳа йўқум, содиқ қолгум сен малакка!

Қирқта фолбин қирқ юлдуздан, фолим ўқиб,
Сенга бориб, қирқ китобдан ёлгон тўқиб.
Ундан кеч, деб қирқ йил мени дорга тортиб,
Дор остидан қирқ чақирим улоқтириб.
Ўлдирсалар ва танамни қирқ йил ёқиб,
Тупроғимни сочсалар ҳам сўнг фалакка,
Шубҳа йўқум. содиқ қолгум сен малакка!

Қирқта гўзал қирқ томондан чорлаганда,
Мени излаб қирқта йўлдан пойлаганда.
Сени дердим қирқта жоним бўлганида,
Оллоҳ менга қирқта умр берганида.
Кўз юмардим қирқта малак турганида,
Гардингни ҳам алишмасдим камалакка,
Шубҳа йўқум, содиқ қолгум сен малакка!

Севги ҳақда, қирқ минг шоир достон битди,
Қирқ мингга шоҳ муҳаббат, деб ўлиб кетди.
Ишқ кўзимни қирқ минг марта, боғлаб кетди,
Қирқ мингта тош ҳар оҳимдан жонга ботди.
Бир нигоҳинг қирқ минг томирим уйготди,
Ҳар лаҳзала қирқ бор буордим юракка,
Шубҳа йўқум, содиқ қолгум сен малакка!

Қирқ қокилинг нешонанига қирқ айгоқчи,
Қирқ кипригинг қўзларинда қирқта соқчи.
Қирқта ваъданг қирқ ёпончи, қирқ алдоқчи,
Нигоҳларинг жоғусини яширмоқчи.
Сени алдаб иккимизни айирмоқчи,
Ишон менга, етмоқ булсанг қирқ тилакка,
Шубҳа йўқум, содиқ қолгум сен малакка!

Шайтон келиб, қирқ хил тусда синааб кетди,
 Аёл макри қирқ туяга оғир ботди.
 Ҳар оҳимдан қирқта ошиқ чўчиб кетди,
 Одамлар бор севмай туриб қирққа етди.
 Ўн беш ёшда севгинг дилдан селдай оқди,
 Сувдек сочсанг ошиғингни чархпалакка,
 Шубҳа йўқим, содик қолгум сен малакка!

Юрагимни чопсалар ҳам қирқ бўлакка,
 Тупрогимни сочсалар ҳам сўнг фалакка.
 Гардингни ҳам алишмасдим камалакка,
 Ҳар лаҳзада қирқ бор буюрдим юракка.
 Ишон менга, етмоқ бўлсанг қирқ тилакка,
 Сувдек сочсанг Аҳадни сен чархпалакка,
 Шубҳа йўқим, содик қолгум сен малакка!

2009

ОНАМ МЕНИ ДАРД БИЛАН ТУҚҚАН

Онам мени дард билан туққан,
ДАРД билан мен эгизак эдик...
 Иккимиз ҳам ака-уқадек –
 Бир она бағрида улгайдик...

Сен ўзинигни кўрсат, ака, леб,
 У мени шаҳарга юборди.
 Ўғил бўлиб, укалик қилиб,
 Опамнииг ёнила у қолди.

Отамни ҳам ёлғиз қолдирмай,
ДАРД онамни гулдек асрайди.
 Шаҳардаги бедарл акаси,
 Онасини ҳеч ўйламайди...

Истеълодин сарғираб эрта-кеч,
 Ўзини кўрсага олмайди...

ОДАМНИНГ ЗАҲРИГА ДАВО НЕ БЎЛАР?!..

Чаён чақса, чақсан жойи кўринар,
Илон чақса, заҳри сўриб олинар,
Бошинг силаб жонинг сугуриб олса –
Одамнинг заҳрига даво не бўлар?!..

Билолмайсан кимнинг ичда қораси,
Билолмайсан юзидан инсон сарасин,
Дўстларингдан чиқса ёвнинг тўдаси,
Одамнинг заҳрига даво не бўлар?!..

Тандаги жароҳат битади бир кун,
Хатто, унтулиб кетади бир кун,
Дилдаги жароҳат қийнайди ҳар кун,
Одамнинг заҳрига даво не бўлар?!..

Ичингдаги душман буқаламундир,
Минг хилда товланар нагмаси кўпдир,
Зоти ҳам аниқмас, лайча ё итдир,
Одамнинг заҳрига даво не бўлар?!..

Луқмону Ҳаким ё Ибн Сино ҳам,
Шу саволга жимдир медицина ҳам,
Чақиб ўлдирса-я, одамни одам,
Билмадим оламга ким ёрдам берар,
Авлоди ғадамга ким ёрдам берар...

2009

ТЕСКАРИ ДУНЁ...

Кўнгли тўқ одамнинг қорни тўқ эмас,
Қорни тўқ одамнинг кўнгли тўқ эмас.
Икковидан ҳам бирдек тўйғанилар,
Қорни билан кўнгил қўйғанилар...

Ёки, кўнгли билан қорни қўйғанилар...

2012

МЕНГА ФАРҚИ ЙҮҚ

Истасангиз, ўзганинг қўлин,
Тутаверинг, менга фарқи йўқ.
Мени эмас, ўзганинг йўлин,
Кутаверинг, менга фарқи йўқ.

Ишим йўқдир, истаган пайтда,
Бирор кимни тортиб хилватда.
Севганимсиз деб қайта-қайта,
Айтаверинг, менга фарқи йўқ.

Ўзингизга қийин қиласиз,
Сабабини кейин биласиз.
Ёлғон сўйлаб нима қиласиз,
Алдайверинг, менга фарқи йўқ.

Мен ҳам битта аҳмоқ қизни деб,
Ўлиб турганим йўқ сизни деб.
Сизга одат, шунчаки айтиб,
Қайтаверинг, менга фарқи йўқ.

Фарқи йўқ-ку, ахир сизга ҳам,
Келаманми, ёки кетсам ҳам.
Қайтиб келманг, десангиз не ғам,
Ҳайдайверинг, менга фарқи йўқ.

Ўзи сизни севган мен аҳмоқ,
Сезмабман-а, шуни вақтироқ.
Яшармидим, бундан баҳтироқ,
Унутаверинг, менга фарқи йўқ...

2010

ЭХ!!!..

Хато қилсам қўриб кимдир,
Сиқилма, леб жилмайли.
Сезиб турдим ичида,
Дерди: одам бўлмайди.

БИР ТАРАФ

Аҳду паймонинг бир тараф,
Рашку гумонинг бир тараф.
Васлу имконинг бир тараф,
Дарду ҳижронинг бир тараф.

Бир тарафда гўзаллигинг,
Бир тарафда қайсарлигинг,
Тафти дийдоринг бир тараф,
Ранжу озоринг бир тараф.

Нозу фироқинг бир ёнда,
Жонга қийнофинг бир ёнда,
Ширин забонинг бир тараф,
Макру ёлгонинг бир тараф.

Бир қарасам, қўзингда ёш,
Бир қарасам, қўлингда тош,
Чашми хуморинг бир тараф,
Дилда губоринг бир тараф.

Билмайин Аҳал қадрин,
Тушунмай унинг дардин,
Бахту иқболинг бир тараф,
Сўнгги заволинг бир тараф.

2010

ОНАМ МАСЛАҲАТИ

Онамга қўнгироқ қилдим тутақиб,
Сўзларим ташвишли, нафасим алам.
Онам индамайин дардимни уқиб,
Дедилар: – Севмагин девдим-ку, болам...

АГАР ЧИН ЮРАКДАН СЕВСАНГ КИМНИДИР

Агар чин юракдан севсанг кимнидир,
Чиройли кўринар юзда доги ҳам.
Фақат унинг исмин тилинг такрорлар,
Бу дунёдан охир кетар чоғинг ҳам.

Агар чин юракдан севсанг кимнидир,
Кўзингга имайсан хатоларин ҳам.
Дейсан: гуноҳсиз бир Аллоҳ-ку, ахир,
Ҳамма ҳам адашар дунё бири кам.

Агар чин юракдан севсанг кимнидир,
Бирга бўл ҳар оғир енгилида ҳам.
Муҳаббат энг буюк синовдир, ахир,
Севгилинг қалбига йўлиқтири мағам.

Агар чин юракдан севсанг кимнидир,
Парво ҳам этмайсан миш-миш иғвога.
Ошиқларнинг йўли, сенинг йўлингдир,
Вафода ўхшайсан Тоҳир Зуҳрога.

Агар чин юракдан севсанг кимнидир,
Гўё унинг учун оласан нафас.
Ҳаётинг ҳам гўё бир унивидир,
У бўлмаса, ҳатто яшагинг келмас.

Агар чин юракдан севсанг кимнидир,
Яхшиликка ташна висол зорисан.
Дил дийдори сари фақат талиниар,
Энди абадий ишқ харидорисан.

Агар чин юракдан севсанг кимнидир,
Меҳринг одамларга бўлакча бўлар.
Бунинг нималигин Аҳад билади,
Унга дилдош яна суйғанлар билар.

2008

СЕВГИЛИМ, АЙРИЛИҚ БУНЧАЛАР ЁМОН

Томчилар занжирин узайин булат,
Ёмгирларин сочиб йиғлади осмон.
Үртада бечора муҳаббат иобуд,
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон.

Мени унут, деся зўрлама бунча,
Яримта жонимни хўрлама бунча.
Чидовдим, ҳаётда там кўриб шунча,
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон.

Эй ҳаёт, синдирма, йиқилтирма, қўй,
Мени бунча эзма сиқилтирма, қўй.
Бир бор гулламасдан тўкилтирма, қўй,
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон.

Кўксимни игнадай санчади оғриқ,
Қийналиб яшагим келмайди ортиқ,
Жаннатларда йўлим бўлсайди ёруғ,
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон.

Мени ўз багрига олганда тобут,
Бир зум қабрим узра айласанг сукут.
Мени кўрай десанг, қиёматни кут,
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон.

Биргина васлингга хумор дилимни,
Кечиргин хастаҳол bemor дилимни.
Аҳад истамовди буидай ўлимни,
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон.

Томчилар занжирин узайин, булат,
Ёмгирларин сочиб йиғлади осмон.
Үртада бечора муҳаббат иобуд,
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон.

2011

СИЗНИ ПАНОХИДА АСРАСИН ХУДО

Ишқ-ўли, армонлар қора кийдилар,
Умиллар севгига айтдилар вило,
Сувсиз иллизларим бир-бир куйдилар –
Сизни паноҳида асрасин Худо.

Ярадор арслонлек тортаман уввос,
Бақиргим келади, лек чиқмас овоз,
Ўлишга чираниб тортаман халлос –
Сизни паноҳида асрасин Худо.

Мажнунтол сочғани ювганда дарё,
Балиқлар қизганиб қиласкан гавғо,
Менинг қисматимда шу экан савдо –
Сизни паноҳида асрасин Худо.

Дунё бешафқатмас – дунё бешавқат,
Ёмонмас яхшига отишар гийбат,
Бизнинг муҳаббатга юлдузлар ҳужжат –
Сизни паноҳида асрасин Худо.

Офтобни согинар Шарқда лимонлар,
Маймунман демайди одамсимонлар,
Менга дўстларингиз сизни ёмонлар –
Сизни паноҳида асрасин Худо.

Гўёки бир игна ютиб юбориб,
Яшайман қачондир санчилиш кутиб,
Бунақа азоблар кетади ўтиб –
Сизни паноҳида асрасин Худо.

2009

КЎҲНА ҲАҚИҚАТ

Илон заҳри ё аёл макри,
Қайси бир баландроқ заҳри,
Бирин танга бири жонга қасд,
Ўлдиради йўқ зарра фарқи.

39

2008

НОДОН

Игво қилаверма, нодон,
Ҳадеб ортимдан.
Балки эрта ишинг битар,
Менинг отимдан.

41

ЯНА ҲАЁТГА ҚАЙТДИМ...

Сизни согинишнинг ўзи бир роҳат,
 Сизга термулишдан катта баҳт борми?
 Сизни унтишни ўйлаш хиёнат,
 Сизсиз яшамоқдан ортиқ дард борми?

РУХСАТ БЕРИНГ

Рухсат беринг, сизни кечирай,
 Унутай бор гуноҳигизни.
 Пойингизга бориб бош урай,
 Шундай берай жаъонгизни.

Гар юзимга оёқ қўйсангиз,
 Пойингизни ўпаман йиглаб.
 Устимдан бенарво қулсангиз,
 Яна сизни кетарман оқлаб...

Худо менга шундай буюрди,
 Рухсат беринг, айттаним қиласай.
 Билмам, сизга нима жин урди,
 Совигансиз мендан бутунлай.

Мен гурурни қўчага отдим,
 Инсонлик либосин кийганда.
 Бунақа бўлишини билмовдим,
 Ахир, билмай сизни севганда.

Рухсат беринг...
 Йўқса, ўламан...
 Азройилни атай чақириб.
 Нима қиласай сизни севаман,
 Ёнингизда, ҳатто согиниб...

Рухсат беринг, Аҳалга бугун –
 Кечирмоқлик имконин беринг...
 Кирмасангиз агар сўзимга,
 Бошқа йўлин қиласман билинг...

ДҮСТ ШУНДАЙ БҮЛАРКИ...

Дүст шундай бүларки, ёнингда туриб,
Сирингни фош этмас ишонганингда,
Еам чексант, гамингни сен билан ютиб,
Сен билан шод қулсин қувонганингда.

Дүст шундай бүларки, ранжисанг ундан,
Шубҳаю гумонга кўмилганингда,
Эшигингни ҳатлаб, кечмайди сендан,
Номингни булгамас сен тонганингда.

Кимлигини бир кун исботлайди у,
Қалбингдан ўчирап араз гинангни,
Сендан ўзмоқликни қилмайди орзу,
Буткул унутади қилган таънангни.

Дүст шундай бүларки, олислаб кетсанг,
Ойда, йилда бир бор йўқламасанг ҳам,
Ришталаринг ўзиб ҳаволаб кетсанг,
Сен учун қалбига фақат ейди гам.

Дүст шундай бүларки, синамоқ бўлиб,
Мен учун жонингни бер, лесанг агар,
Кўксидан юрагин шарт узиб олиб,
Шу заҳот ма, ол, деб қўлида тутар.

2008

ҲАММАСИ ЯХШИЙДИ...

Ҳаммаси яхшийди, дунё тинч эди,
Эй воҳ, токи СИЗни учратмагунча,
Ҳаммаси яхшийди, дунё тинч эди,
Дунё иккимизни ажратмагунча...
Буни ҳеч ким сезмади бироқ...

2009

ОҚ КАБУТАР...

Оқ кабутар, күзларимга боқ кабутар,
Оқ кабутар, юракка ўт ёқ кабутар,
Орзуларим ерда чириб кетмасидан,
Осмонингга олиб кетгин, оқ кабутар!

Одам бўлиб, одамлардек яшолмадим,
Нима қилай, бошқаларга ўхшолмадим,
Қайлардасан қанотларини ушломадим,
Осмонингга олиб кетгин, оқ кабутар!

Кабутарим, кечолмадим хаёллардан,
Дардларимга даво топдим армонлардан,
Чарчадим мен жон меҳрибон душманлардан,
Осмонингга олиб кетгин, оқ кабутар!

Ҳеч бўлмаса, елкамга бир қўниб кетгин,
Бошимдаги ташвишларим тиниб кетсин,
Юраккинам умидларга тўлиб кетсин,
Осмонингга олиб кетгин, оқ кабутар!

Эй қушгинам, Хумомисан, Ҳаққушмисан,
Тоشاҳарда тошлар каби хомушмисан,
Юлдузларга боргим келса, танишмисан,
Осмонингга олиб кетгин, оқ кабутар!

Олиб кетгин мени оппоқ булувларга,
Кўрсатмагин мени олчоқ бургутларга,
Яшай дейман жанинатдайни ҳудувларда.
Осмонингга олиб кетгин оқ кабутар!

Тўйиб кетдим қарғалару, зоғларингдан,
Булбулларинг тиндими ё боғларингдан,
Аҳаддайин юрак багри доғларингдан,
Тумшуғингга солиб кетгин, оқ кабутар!



АГАР АЁЛ ХИЁНАТ ҚИЛСА

Жой талашиб шайтонбазмда,
Дилда хато сиёсат қилса.
Эркак учун ахир, ўлим-да,
Агар аёл хиёнат қилса.

Гул умрига келтириб иснод,
Турмушини айласа барбод.
Авжи баҳор булғанар ҳаёт,
Агар аёл хиёнат қилса.

Юрак зори, дилнинг ноласи,
Икки ўтда жигарпораси.
Қандай ювар бу шармандасин,
Агар аёл хиёнат қилса.

Қайда иномус, қайдада лиёнат,
Бу не синов, бу не синоат.
Ватан учун қиласар хиёнат,
Агар аёл хиёнат қилса.

Булгаб шарму ҳаёп денгизин,
Оиласин қирқиб илдизин.
Хира айлар баҳтии юлдузин,
Агар аёл хиёнат қилса.

Дўстлар, менга отманг маломат,
Омон бўлинг, бўлинг саломат.
Аҳад шоир учун қиёмат,
Агар аёл хиёнат қилса.

2011

БИР ШОИР ТУГИЛДИ...

Дилрабо, қаршингда ҳижрон дастидан,
Қанча-қанча магрур бошлар эгилди.
Сездингми изтироб остонасида,
Бир шоир тугилди, шоир тугилди...

СИЗДЕК ДҮСТИМ БОР ЭДИ МЕНГА

Бугун дунё тор энди менга,
Кече баҳтим ёр эди менга.
Мол давлатим бўлмаган билан,
Сиздек дўстим бор эди менга.

Дарду гамлар мендан қочарди,
Дилга баҳор ифор сочарди.
Ҳар кун омад өшик очарди,
Сиздек дўстим бор эди менга.

Кузлар йироқ әдилар мендан,
Кўзлар йироқ әдилар мендан.
Нодонларнинг оғзини ювган,
Сўзлар йироқ әдилар мендан.

Ёлғизлик, о буюк изтироб,
Иккимизга ёғилган азоб.
Хотиралар юракда зардоб,
Сиздек дўстим бор эди менга.

Дилим чўккан, юрагим ўқсик,
Ҳолим маъюс, қаддим эса бук.
Ҳам дўсти, ҳам муҳаббатидан,
Жудо этлинг, Аҳадни нечук....

2008

ЙЎЛЛАР ТУЗОҚ

Аҳад Қаюм...
Бу пе аҳвол, Уйгон дарҳол,
Уйгон дарҳол.
Аҳад Қаюм,
Дунёга бок, Дунё ботқоқ,
Йўллар тузоқ.

Манзил узоқ,
Бўлгин уйтоқ,
Бўлгин уйтоқ...

УНИ УНУТМОҚЧИМАН

Дил яраси битмайды ҳеч,
Қайда сабр, қайда чидам.
Бахтим тониб, өртами кеч,
Уни унугмоқчиман.

Күксим йиртгар хотираалар,
Жароҳатим янгилатар.
Хар бир қиз уни әслатар,
Уни унугмоқчиман.

Уни унугмоқчиман,
Согинчлар ҳам зериктириди.
Бахту умид қочиб мендан,
Ёлғизликка күниктирди.

Унугмоқчиман ҳаммасин,
Бүгмайин қалбим нафасин.
Үқиб бүлдим, ишқнинг дарсисин,
Уни унугмоқчиман.

Демаңг, Аҳал телбамисан,
Дардга қафас қулбамисан.
Эй, дўст, менинг дардимни,
Севиб кўрсанг, тушинасан.

Ёнган дилим қор остида,
Ошиқ бошим дор остида.
Үлдим, номус ор остида,
Уни унугмоқчиман.

2011

МЕНИ ЁҚТИРАРДИНГ

Мени ёқтирадинг, севмасдинг лекин,
Мени куттирадинг, келмасдинг лекин,
Ёнингда турсам ҳам, кўрмасдинг лекин,
Лекин, фақат менга ишонар эдинг,
Ёнимдан кетма, леб ёлворар эдинг.

Ўшанда бир оғиз севаман, десанг,
Сен учун жонимни бераман, десанг,
Қалбингни ҳам бир бор менга ишонсанг,
Ишонсанг, дунёдан бутунлай кечиб,
Пойингда йиглардим ҳар кун тиз чўкиб.

Кинолар алдайди, китоб чалгитар,
Севмоққа юракнинг ўзи ҳам етар,
Бемаъни хаёллар дилни қаритар,
Қаритарки мудом, лекин ёритмас,
Кўнгилдан гамларни асло аритмас.

Телефон рақаминг юз бор ўчирдим,
Юз бор қасд олдим-у, юз бор кечирдим,
Аламимни қайта-қайта яширдим,
Яширдим қалбимда, ҳатто исемингни,
Юз марта ёқмоқчи бўллим расмингни.

Сен фақат қийналсанг, мени эслайсан,
Умринг ўтиб борар, буни сезмайсан,
Ҳуснингга ишониб, кўнгил хушлайсан,
Кўнгил хушлайсан-у уйғониб бирдан,
Бунга керак жавоб келар тақдирдан.

Мени ёқтирадинг, севмасдинг лекин,
Мени куттирадинг, келмасдинг лекин,
Ёнингда турсам ҳам, кўрмасдинг лекин,
Лекин, фақат менга ишонар эдинг,
Фақат мени кўрсанг, қувонар эдинг...

2009

ҲАММАДАНАМ КҮПРОҚ СЕВАМАН САНИ

Бугун күришмадик, согидим, жоним,
Шириң хаёлларга овнидим, жоним,
Айрилиқ ўгыда қоврилдим, жоним,
Севгилим, ҳаётим, борлигим менинг,
Ҳаммадан ҳам күпроқ севаман сани.

Тоңғми ё ярим тун қүнғироқ қилиб,
Согидим-да дейсан, құясан кулиб,
Битта жилмайсанғ бас, ёнимга келиб,
Севгим осмонида қанотим менинг,
Ҳаммаданам күпроқ севаман сани.

Севаман, ўламан, күяман, дейсан,
Қачон бағрингизда қуламан, дейсан,
Сизсиз мен девона бўламан, дейсан,
Қувончим, қайғумсан, фарёдим менинг,
Ҳаммаданам күпроқ севаман сани.

Агар ўлиб қолсам юрагим ушилаб,
Илтимос, йиглама, қабримин муштлаб,
Мен деб ҳазон бўйма кўзларинг ёшлиб,
Кўнгил борлигимда бисотим менинг,
Ҳаммаданам күпроқ севаман сани.

Қайтиб қўришмасак, мендан рози бўл,
Дийдор қиёматда алвидо, эй гул,
Жанинатларда бирга бўлармиз буткул,
Аҳаднинг қисмати, муродим мани,
Ҳаммаданам күпроқ севаман сани.

НИМА ҚИЛАЙ БАХТЛИ БҮЛШИНГ УЧУН

Девонагинам менинг, бечорам менинг,
Ортимдаи соямдек овворам менинг,
Дилимда дайдиган лишорам менинг,
Нима қилай баҳтли бўлишинг учун.

Жоним берай баҳтга тўлишинг учун,
Баҳтдан йиглаб, баҳтдан кулишинг учун,
Орзум осмонига олиб кетай, юр,
Нима қилай баҳтли бўлишинг учун.

Кучганда багримга тутмачанг ботди,
Мени севганингни кўзларинг сотди,
Сўра жоним, сендан, айт, нима кетти,
Нима қилай баҳтли бўлишинг учун.

Бошгинамга омон бўлинг, бас, дейсан,
Фақат сизни севганингим рост, дейсан,
Менга меҳр беринг сиз бир оз, дейсан,
Нима қилай баҳтли бўлишинг учун.

Дунёлардан кечгум ёнимда бўлсанг,
Зеболардан кечгум ёнимда бўлсанг,
Ёдимда бўлсанг, оҳ, жонимда бўлсанг,
Нима қилай баҳтли бўлишинг учун.

Тила тилагингни ошиқ Аҳалдан,
Дилда дарё тошар чин муҳаббатдан,
Мен яна сўрайман қайта-қайтадан,
Нима қилай баҳтли бўлишинг учун.

ХОЙ ҚИЗ

Хой қиз, хой қиз, хой қиз,
Осмондаги ой қиз,
Гүзаликка бой қиз,
Вой-бү!..

Уни, буни қүйинг-да,
Дийдоримға түйинг-да,
Сиз камроқ күйлиринг-да,
Вой-бү!..

Түфличангиз, эй қиз,
Тақиллатиб ўтдингиз,
Лақиллатиб бўпез,
Вой-бү!..

Ёшингиз ўн етти-да,
Кўриб кўнглим кетти-да,
Жабриз жоидан ўгти-да,
Вой-бү!..

Суратимни, эй Лайли,
Йиртиворинг-э, майли,
Унутворинг майли,
Вой-бү!..

Ўзгага термилворманг,
Чиройга бериливорманг,
Хой қиз, жа керилворманг,
Жаа... Лаб бураверманг, Вой-бү!..

Бахтингиз йўқ-да фақат,
Уйингиз қават-қават,
Тиллолар сават-сават,
Вой-бү!..

Ошиқ Аҳад ёмонми,
Сиз леб ранги сомонми,
Бутун умри сарсонми,
Вой-бү!..

ОНАМ КҮРГАНИДА ШУ КҮНЛАРИМНИ

Гоҳо ёлгизликда ўрайди савол,
Ечолмайман дилда тугунларимни.
Онамсиз татимас, ҳатто баҳт-иқбол,
Онам күрганида шу күнларимни.

Қаро күнлар бошдан ўтса ҳам анча,
Сабр қылған эди, жонга тиг санча,
Ёруг күнларимни күтганди қанча,
Онам күрганида шу күнларимни.

Онам ҳиди келар қызимни құксам,
Кім тушунар дардим, қалбимни очсам,
Олислардан елиб бағриға шошсам,
Онам күрганида шу күнларимни.

Қараб соңдаги оқ толаларимга,
Мінг ҳасрат қүнилар нолаларимга,
Онангни аспа, леб болаларимга,
Онам күрганида шу күнларимни.

Савлатинг, бўйингни кўрсам, дер эди,
Нур тўла уйингни кўрсам, дер эди,
Жон болам, тўйингни кўрсам, дер эди,
Онам күрганида шу күнларимни.

Онам орзу қилған ҳамма нарсам бор,
Кўзларим қувончдан қулар баҳтиёр,
Ҳар кун ишидан қайтсам, кутган интизор,
Онам күрганида шу күнларимни.

Гоҳо ёлгизликда ўрайди савол,
Ечолмайман дилда тугунларимни.
Онамсиз татимас, ҳатто баҳт-иқбол,
Онам күрганида шу күнларимни.

2010

... ОТА-ОНАМ УМРИДАЙ

Йўлим тўғри бўлса, отам йўлидай.
Дилим тўғри бўлса, онам дилидай.
Юзим ёруг бўлса, улар юзидай,
Умрим ёруг бўлса, улар умридай.

Юраксизлар ичра, юрак бўл деган,
Тилаксизлар ичра, тилак бўл деган.
Ҳар доим магрур бўл, эркак бўл деган,
Йўлим ёруг бўлса, отам йўлидай.

Дунёсизлар ичра, дунё изладим,
Маъносизлар ичра, маъно изладим.
Худо деб бир дўсти доно изладим,
Дилим тўғри бўлса, онам дилидай

Кўтара олганиман синовлар, гамни.
Шаробдек ичганиман кўзлаги намни.
Оллоҳим сог қилса ота-онамни,
Юзим ёруг бўлса, улар юзидай.

Оёғимдан юлиб чақинларимни,
Яшайман эъзозлаб яқинларимни.
Дунёлардан ортиқ дунёларимни,
Умрим ёруг бўлса, улар умридай.

2009

ҚИЗИҚ

Қизиқ, согинчининг ҳам ҳиди бўларкан,
Кўнгиллинг фаросат диди бўларкан.
ЮРАК билан **АҚЛ** уришиб қолса,
Ҳар оқшом **ХАЁЛ**да **СУДИ** бўларкан.

Омаднинг қулфию, коди бўларкан,
Орзу ҳавасларнинг **ОТИ** бўларкан.
Кўксимда **СЕВГИ**нинг етим боласи –
Демак, **АРМОН**нинг ҳам зоти бўларкан.

БАРЧИНОЙНИНГ РЎМОЛИ ҚАНИ?

Бугун қизлар сочин ўрмайди,
Эр-йигитлар кураш билмайди,
Сўрашга ҳам тилим бормайди,
Алпомишнинг белбоги қани?
Барчинойнинг рўмоли қани?

Қизлар киймас атлас кўйлаклар,
Қайга кетди арслон билаклар,
Шаҳар кезиб куяр юраклар,
Алпомишнинг белбоги қани?
Барчинойнинг рўмоли қани?

Бир ёним рус, бир ён Европа,
Шамолдек тез чопар бу мода,
Ўй сурман гамимга бота,
Алпомишнинг белбоги қани?
Барчинойнинг рўмоли қани?

Йўқни кўриб, йўқ-да, десангиз,
Тўқни кўриб, тўқ-да, десангиз,
Қорани ҳам оқ-ла, десангиз,
Алпомишнинг белбоги қани?
Барчинойнинг рўмоли қани?

Кумушбиби ҳаёсин излаб,
Отабеклар юрибли йиглаб,
Аҳад Қаюм қоғмоқда сўраб,
Алпомишнинг белбоги қани?
Барчинойнинг рўмоли қани?

2009

СИЗСИЗ АҲАД ХОР БЎЛМАДИ

Ялтирагай кўзмунчоқлар дур бўлмади,
Не-не қизлар изимизга зор бўлмади,
Учраганинг бошидан зар сочаверлик,
Ўзимизга омал қуни ёр бўлмади.

Не дилларни не дилларга уламадик,
Ўзимизга ҳеч нимани сўрамадик,
Қиши чогила гунча очиб тулламадик,
Изгиринида ёққан бало қор бўлмади.

Муҳаббатининг нималигин билмасдингиз,
Сийратиммас, суратимни севардингиз,
Ўзгасига вафодор ҳам бўлмадингиз,
Сизга севги хатолари ор бўлмади.

Сизсиз асло дунё менга тор бўлмади,
Сочларингиз тушларимда дор бўлмади,
Сизга ёмас, муҳаббатга ачинаман,
Сизсиз Аҳад хор бўлмади, хор бўлмади.

2009

МУҲАББАТНИНГ СЎНГИ – ЎЛИМ...

Севги ўтли, висол тотли,
Ишқ манзили, мукофотли.
Тентаккинам, кераккинам,
Сиз леб ёнар, юраккинам.

Бахтим қани, қалбим қани,
Қор остида, қадрим мани.
Билманг майли, сезманг майли,
Мен розиман, севманг майли.

Аҳад Қаюм, сенга маълум,
Муҳаббатининг сўнгти – ўлим...

ДАРДИМНИ СҮРАМАНГ

Дардимни сүраманг, дардим күп менинг,
Севги дунёсида бахтим йүқ менинг,
Дүстларим, суйганим қалбим тушунмас,
Ошиқлари ичра қалрим йүқ менинг.

Дақиқа санайман, соат санайман,
Аламларим қават-қават санайман,
Кимнингдир бағрила сен бұса тутсанг,
Мен эса юракда нафрат санайман.

Унга бошқа айтар сүзим йүқ менинг,
Алданиб күр бўллим, кўзим йүқ менинг,
Ҳеч кимга, ҳеч кимга ишонолмайман,
Ёлгизликда бошқа дўстим йүқ менинг.

Севаман, севгидан бошқа йўлим йўқ,
Севаман, севгидан бошқа сўзим йўқ,
Айрилиқ қалбими куйлирса ҳамки,
Севаман, севгина ёлгои ўлим йўқ.

Азизим, аслида дардим йўқ менинг,
Севги дунёсида бахтим кўн менинг,
Севасанми, йўқми Аҳадга фарқсиз –
Ошиқлар ичилда қалрим күп мени.

2009

ХУДО СИЗГА БЕРСИН МЕНИНГ БАХТИМНИ

Йигладим, бошимдан ўтди жудолик,
Сиз учун яна бир қилгум фидолик.
Розиман, сиз олинг менинг ҳаққимни,
Худо сизга берсии менинг бахтимни.

Ўлиб кетсин, дея қарғаманг, гулим,
Сизни йўқотганим мен учун ўлим...
На яшай оламан, на мен гўрдаман,
Қалбим сизда яшар, тирик мурдаман.

ДҮНЁ

Ёлғизлиқдан қўп сиқиламан,
Сиқиламан ёлгизлигимдан.
Келишингни орзу қиласман,
Эзиласман сенсизлигимдан.

Бир бошимга сон мингта синов,
Юрагимда шубҳаю сўров.
Холинг не, деб сўрамас бирор,
Қийналаман ожизлигимдан.

Дардни берган даво ҳам берар,
Балки бир кун баҳтим ҳам кулар.
Ўлсам, менга айт, ким куюнар,
Тун йиглайди маъюслигимдан.

Ёмон тушлар таъбири недир,
Менга ҳаёт китобин келтир.
Яшаш оғир, юрагим оғир,
Жим йиглайман ҳолсизлигимдан.

Дилимда дарл қозиқдай гўё,
Фам дарахти ўсиқдай гўё.
Тўрт томоним тўсиқдай гўё,
Нур излайман нурсизлигимдан.

Тай оламан гуноғиарим кўп,
Агар ўлсам, мени кечир, хўп.
Юрагимда ҳасратим тўн-тўп,
Сендан жуда олислигимдан.

Кўзларингта қараёлмайман,
Гулбагримда асрәёлмайман.
Сенга дардим айтаолмайман,
Боролмайман юзсизлигимдан.

Дунё!
Ҳаёт бенигни тебрат,
Сендан асло хафамас Аҳал.
Сендан битта ўтичим фақат,
Айирмагин АЗИЗЛИГИМДАН!

2011

ДҮСТАРИМГА ХОР БҮЛГАН КУНИМ...

Нетай, ўзим шоир бўлсам ҳам,
Битта сўзга зор бўлган куним.
Душманимнинг базмида ўйнаб,
Дўстларимга хор бўлган куним.

Сен қайларда юргандинг ёлғиз,
Ё бахтингни тоидингми менсиз?
Осмонимдан учди бир юлдуз,
Бевафога ёр бўлган куним.

Ким эдим-у, эпди қим бўлдим,
Севги дея, бағри хун бўлдим,
Битта гулим очилмай сўлдим,
Айрилиқдан хор бўлган куним.

Мендан баттар сен бебош чиқдинг,
Қаҳри қаттиқ бағритош чиқдинг,
Нишларингни қўксимга санчдинг,
Пойларингда янчилган куним...

Битта сўзга зор бўлган куним,
Дўстларимга хор бўлган куним...

2010

ДАРД БИРТАЛАЙ...

Васлинг дея, ўлсам ўлай.
Куя-куя, адo бўлай.
Нетай гулим, йўқdir йўлим.
Нима қилай, пима қилай...

Сен у боғла, мен бу боғда,
Дилим доғда, бахтинг тилай.
Туним алам, купим ситам,
Йиглар қалам, дард бирталай...

БАХОР

Баҳор,
Дарахтлар гулларга қўмилиб кетди,
Табиат ёмғирга чўмилиб кетди,
Ёшлар жуфт-жуфт бўлиб бўлинниб кетди,
Йўқсан.

Баҳор,
Ўзимча машҳурман, ҳамма нарсам бор,
Баҳт ҳақда қуйлайман тақрору тақрор,
Қўзёшга аралаш соғинчу дийдор,
Йўқсан.

Баҳор,
Балки бу мен учун энг сўнгги баҳор,
Дарлим тополмайди бирор шифокор,
Ўзинг айт, доридан нима фойда бор,
Йўқсан.

Баҳор,
Ёзаман, дўхтирлар ёзма, деса ҳам,
Ижод деб ақлдан озма, деса ҳам,
Тушун, ахир, бундай яшаёлмайман,
Йўқсан.

Баҳор,
О, биламан умрим тугаб боряпти,
Тушимга ҳар куни мозор кирипти,
Ҳаммасини ташлаб кетгим келяпти,
Йўқсан.

Баҳор,
Мен кетсам, онамни хурсанд қилиб юр,
Ёмғирларинг сочиб, қабрим ювиб тур,
Мени ўз багрига чорлаганда ер,
Йўқсан.

Баҳор,
Ота-онам ўйлаб, өзилар этим,
Кузнафас ҳислардан бўгилиб кетдим,
Ижодхонам менсиз қоларми етим,
Йўқсан.

Баҳор...

НЕГА ФАҚАТ БИЗНИ...

Ҳечам тушунмайман, нега одамлар,
Мұхаббатин сотиб қийматлашаркин.
Жөнім, йүқми ахир биздан бошқалар,
Нега фақат бизни гийбатлашаркин.

Ҳали умидим күп ёруг оламдан,
Сизни деб ёш бошим чиқмайди ғамдан.
Нима исташаркин сиздан ё мандан,
Нега фақат бизни гийбатлашаркин.

Одамлар ёмонмас, одатлар ёмон,
Хар түкисдан бир айб топишар осон.
Айт, гулим, қай инсон бұлар бенуқсон,
Нега фақат бизни гийбатлашаркин.

Фарзанди йүқмикин ахир уларнинг,
Үйлашса бұларди тарбияларин.
Менинг-ку етали ўзимга дардим,
Нега фақат бизни гийбатлашаркин.

Узиб, яхшиликнинг қоң ришталарин,
Қочиришиб савоб фаришталарин.
Кавлашиб, ҳарому хариш тапларин,
Нега фақат бизни гийбатлашаркин.

Аҳад Қаюм деган бир шоир чиқиб,
Юрибди-да, дерлар, ёлғон шеър тұқиб.
Мен ёзған құшиққа ўйинга тушиб,
Нега фақат бизни гийбатлашаркин.

2009

ТҮЙИНГ КУНИ СЕВИБ ҚОЛСАНГ БОШҚАНИ

Мұхаббат қасрига бир қадам қўймай,
Севишилинидан тоимасанг маъни.
Турмуш қурмоқ бўлсанг, кимницир сўймай,
Тўйинг куни севиб қолсанг бошқани.

Бу на бир аросат, бу на бир роҳат,
Не қилган бўлардинг, дустим, шу фурсат,
Қай бир йўлни танзаб кетардинг бу пайт,
Тўйинг куни севиб қолсанг бошқани.

Ким ҳам тушунарди сени буидай кун,
Қалбинг ичра минглаб саволлар тугун,
Юрагинг йиглайди ичинингда беун,
Тўйинг куни севиб қолсанг бошқани.

Шунча йил қаёқда юргандинг, севги,
Нега сал аввалроқ келмадинг, севги,
Бир бор жонга раҳм қилмадинг, севги,
Тўйинг куни севиб қолсанг бошқани.

Азага айланар ўша куни тўй,
Кўнгилни ўрайди минг шубҳаю ўй,
Турмушинг таплайвер, мұхаббатни қўй,
Тўйинг куни севиб қолсанг бошқани...

2010

ГОҲО ЯХШИЛАР ҮМРИ ҚАБРДАН БОШЛАНГАЙДИР...

Гулни узсанг бандидан, сўлди дегани эмас,
Жон узилса, яшаб ҳам бўлди дегани эмас.
Гоҳо яхшилар умри, қабрдан бошлангайдир,
Гўрга кирди дегани, ўлди дегани эмас.

МЕН КУТГАН АЁЛ

Сирлошим шамол,
Диллошим хаёл.
Қайлардасан эй,
Мен кутган аёл.

Бахтин излаган,
Қадрин излаган.
Мардин излаган,
Эй соҳибжамол,
Мен кутган аёл.

Кимга алдандинг,
Йўқми ҳамлардинг.
Дунёнинг гамиин,
Дилдан ўткардинг.

Тунларинг савол,
Изладинг висол.
Учрашмадик ҳеч,
Мен кутган аёл.

Севги қалдиргоч,
Эшикларинг оч.
Ёлгончи ёрдан,
Қоч, азизим қоч...

Гул умри увول,
Қошлиари ҳилол.
Мендан олисда,
Мен кутган аёл.

2010

ДЎСТИМГА НАСИҲАТ

Кўрқма агар тош қўрсанг,
Душманингни қўлида.
Эҳтиёт бўл, инқилиб,
Тош бўлмасин кўнглила.

СЕВГИ ЙҮҚ, ДЕБ СЕНГА КИМ АЙТДИ?

Ой нурига чүмилди оқшом,
Юлдузларнинг бўйин таратди.
Кўкка қараб интилмоқда жон,
Севги йўқ, деб сенга ким айтди?.

Кипригимда сўнгти кўзёшим,
Дард ҳам мени согиниб қайтди.
Ўнгидан келмоқда ҳар тушим,
Севги йўқ, деб сенга ким айтди?

Етмиш икки томирим уйғоқ,
Суякларим, ҳагто титрайди.
Ишонмасанг кўзларимга боқ,
Севги йўқ, деб сенга ким айтди?

Ёлгончилар ёлгонин тўқиб,
Билганидан яна қолмайди.
Соф кўнглингга ким афсун ўқиб,
Севги йўқ, деб сенга ким айтди?

Ишқнинг битта зарраси келиб,
Дунёни ишқ уйғотган найти.
Қалбингни ёлгонга тўлдириб,
Севги йўқ, деб сенга ким айтди?

Ой нурига чўмилди оқшом,
Юлдузларнинг бўйин таратди...

2010

БУХОРОДАН КЕГА ОЛДИМ-У...

Ватанфуруни эмасман гарчи,
Йўл занжирини уза олмадим.
Бухородан кета оллим-у,
Бухородан кеча олмадим.

УМРИНГ ЎТКАЗМА УВОЛ

Отанг насиҳатин ол,
Онанг насиҳатин ол.
Нопок йўлда адашиб,
Умринг ўтказма увол.

Нодон дўсту ёр билан,
Дилдаги губор билан.
Фаними бадкор билан,
Умринг ўтказма увол.

Қирқ йилда қирқ минг ҳунар,
Роҳат меҳнатдан бўлар.
Ҳалол барака унар,
Умринг ўтказма увол.

Нодонларга алданма,
Ёлгонларга алданма.
Шайтонларга алданма,
Умринг ўтказма увол.

Тўрт-беш кунлик бу дунё,
Кимдир шоҳ, кимдир гадо.
Бори алдамчи савдо,
Умринг ўтказма увол.

Умринг ўтказма увол,
Аҳал насиҳати бу.
Ҳар кимга баҳт бўлсин ёр,
Дилга инмасин қайгу.

Лабдан яшиасин кулгу,
Бу ҳаёт эмас мангу.
Ҳар кимга истагим шу,
Умринг ўтказма увол.

2016

ОТАМГА ХАТ

Сизни ўйлаб тунлар уйгонгум,
Нимадандир қалбим безовта.
Тонггача ҳам келмайди уйқум,
Сиз кирсангиз тушимга, ота.

Ёдда тутиб ҳар бир сўзингиз,
Оқлаяпман берган тузингиз.
Ҳамроҳдирсиз бунга ўзингиз,
Яхши амал ишимда, ота.

Жилға әдим, дарёдек тошдим,
Гарчи анча довонлар ошдим.
Гоҳида дўст танлашда шошдим,
Йўқ әдингиз қошимда, ота.

Фанимларим лойга ботирса,
Сўнг ортимдан ифво орттирса.
Дўст-дущмандан сизга гапирсам,
Сўз сигмайди ичимга, ота.

Ўзгартирди мени бу шаҳар,
Уйга қайтсан дейман ҳар сахар.
Оёғимга илашган хатар,
Уриляпти тишимга, ота.

Омонатдек гүё созим ҳам,
Балким тилдан тушар сўзим ҳам.
Шундай ўтса ёзу кузим ҳам,
Боролмайман қишимга, ота.

Елкамладек ота қўлингиз,
Мен тутган йўл сизнинг йўлингиз.
Муҳаббатин излар ўғлингиз,
Оқ тушса ҳам сочига, ота.

Йироқдирман бугун армондан,
Хайиқмайман энди ҳижрондан.
Ҳақ кутмадим гарчи лаврондан,
Үлганим йўқ очимдан, ота.

Гўё умрим бир бутун асар,
Алҳол якун тонса ҳам агар.
Асал тотсан туюлар заҳар,
Оғу тушган ошимга, ота.

Дунё тубин титмоқ бўламан,
Қалб кўрфазин тутмоқ бўламан.
Қаёққадир кетмоқ бўламан,
Ярашмайди ёшимга, ота.

Тан бермоқлик керак қисматга,
Балки ўзи әлтар роҳатга.
Аталган жой бордир Аҳадга,
Минг ташвиш бор бошимда, ота.

ДАРДИМДИР БАХТИМ МЕНИНГ...

Сўрашади дўстларим,
Сенда ҳам дард борми деб.
Кулади-ю қўзларим,
Йиглайди қалбим ўксиб.

Дунёнинг ташвишидан,
Ғам тўлади ичимга.
Армоним бўлган билан,
Айттолмайман ҳеч кимга.

Дард сўзини баҳт билан,
Алмаштиридим лугатда.
Бахтимдир дардим менинг,
Дард ҳам баҳтдир Аҳалга.

200

ОТАМНИНГ ДҮСТЛАРИ ОТАМДАЙ АЗИЗ

Отамга қўл берган ҳар битта инсон,
Дунёда энг яқин одамдай азиз.
Дўстга эшигимиз очиқ ҳар қачон,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.

Улар насиҳати сухбати менга,
Диляшнар энг ёруг оламдай азиз.
Анча малҳам бўлар кўмаги менга,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.

Бошимни силаган ҳар сахий кўнгил,
Менга авлиёдай, Ҳотамдай азиз.
Уларга қарасам тортаман енгил,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.

Улар бор, шу ярим кўнглим бутундир,
Қора кунларимда ҳамдамдай азиз.
Кўнглим айвонида улар устундир,
Отамнинг лўстлари отамдай азиз.

Уларнинг ортидан босган ҳар изим,
Отам босган ҳар бир қадамдай азиз.
Ўғлидай дуосин олайин ўзим,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.

Ҳар бир маъсума пок ўзбек аёли,
Менинг нуридийдам, онамдай азиз.
Мард ўзбек эркаги оғам тимсоли,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.

Отамни бир йўқлааб эшик қоққанлар,
Онам, опам, синглим акамдай азиз.
Отамнинг чирогин келиб ёққанлар,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.

‘‘Отамнинг нафаси кёлар ўлардан,
Аҳад, дейман, бахт ҳам ноламдай азиз.
Улар деб кечвортум олтину зардан,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.’’

Отамга қўл берган ҳар битта инсон,
Дунёда энг яқин одамдай азиз.
Дўстга эшигимиз очиқ ҳар қачон,
Отамнинг дўстлари отамдай азиз.

ЯШАШНИ БИЛ

Давлат билан ўлчанмайди бахт,
Савлат билан ўлчанмайди бахт,
Омад билан ўлчанмайди бахт,
Бахтим йўқ, деб қилмагин армон,
Дўстим, умринг ўтмасин ёлгон.

Дилдан йиглаб кула олсанг гар,
Кўзи очиқ юра олсанг гар,
Ўз кунингни кўра олсанг гар.
Бу дунёга қайтиб келмассан.
Яшашни бил, бахтсиз эмассан.

Кеча осмон қорайиб кетди,
Дунё менга торайиб кетди,
Сабр қилдим барчаси ўтди,
Йўқотмадим дилдан шаҳдимни,
Шукр яна топдим бахтимни.

Бахт дегани осмонда бўлмас,
Кўкда туриб кўзга кўринмас,
Иzlайверсанг, бир каминг тўлмас,
Аҳад шоир дилидаги дард,
Унинг учун, ахир, катта бахт!

2008

ҚАЧОНГАЧА БУНДАЙ ЯШАЙМИЗ?

Хаёт эртак, умр афсона,
Бунда яшар шоху девона.
Тугишганлар ёвлек бегона,
Юлдузи йүқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Хисобли дүст айрилмайди, деб,
Кун күрамиз виждонни сотиб.
Мурдалардек гафлатта ботиб,
Юлдузи йүқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Ачинмаймиз ўз жонимизга,
Қарши бориб имонимизга.
Осмон йиглар ёлғонимизга,
Юлдузи йүқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Ишончни ҳам гаровга қўйиб,
Мунофиқлик либосин кийиб.
Савоб ишдан қўлларни тийиб,
Юлдузи йүқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Аҳад, йигла, кўксингни тиела,
Ибодатга қалбингни богла.
Гуноҳларинг тўкилар шунда,
Юлдузи йүқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

2008

БЕШ ҚҰЛІНГНИ ОҒЗИНГГА ТИҚМА

Дунё торлар ўзи одамга,
Уни яна сен баттар сиқма.
Дил күзи-ла боққин оламга,
Беш құлингни оғзингің тиқма.

Нафас олғии тоза ҳаводан,
Хар түйнүкка бурнингни тиқма.
Хайрат олғин еру самодан,
Беш құлингни оғзингің тиқма.

Дунё экан ўзи түрт құплик,
Яшамоқдик сирин унугта.
Хаммада бор бу тирикчилик,
Беш құлингни оғзингің тиқма.

Болам, дейсан, жигарим, дейсан,
Гүё әртанды гамини ейсан.
Бұлди, етар, ёлғонни қўй сан,
Беш құлингни оғзингің тиқма.

Бурда ңон ҳам келсин ҳалолдан,
Харом билан оғзинг қонаатма.
Күрк, азизим, нафси уволдан,
Беш құлингни оғзингің тиқма.

Не қилсанг ҳам шу кунинг ўтар,
Худони бил, ганимдан қўрқма.
Билмайсан-ку эрта не кутар,
Беш құлингни оғзингің тиқма.

Бугунни қўй, бил охиратни,
Қулоғингің ол насиҳатни.
Тингла, дўстим, шоир Аҳадни,
Беш құлингни оғзингің тиқма.

2008

ҚАНОАТ ҚИЛ

Бахт қалити әрүр сабр,
Қаноат қил, қаноат қил.
Орттирма жонингга жабр,
Қаноат қил, қаноат қил.

Бурда нон деб, бўлма густоҳ,
Ўз нафсинг қилмасин гумроҳ.
Мол-дунё деб, чекма оҳ-воҳ,
Қаноат қил, қаноат қил.

Вафо қилмас олтин-кумуш,
Йўқчиликдан бўлма хомуш.
Дарду ғаминг эт фаромуш,
Қаноат қил, қаноат қил.

Шукрониа бўлсин ҳамдаминг,
Узоқ ёнгай умр шаминг.
Ҳеч ким кўрмас кўзда наминг,
Қаноат қил, қаноат қил.

Орқа олдингдан бўл огоҳ,
Балки йўлингда кутар чоҳ.
Ўзинг асра, де ё Оллоҳ,
Қаноат қил, қаноат қил.

Инжа руҳинг танда қафас,
Омонатдирип ҳар бир нафас.
Бу ўтиған дам қайтиб келмас,
Қаноат қил, қаноат қил.

Дилдан ҳасадни горат қил,
Яратганга итоат қил.
Ҳалол меҳнатни тоат бил,
Қаноат қил, қаноат қил.

Эй Аҳад, азал сирларин,
Синоат бил, синоат бил.
Сабр тўлдирап бир каминг,
Қаноат қил, қаноат қил.

Бахт қалити әрүр сабр,
Қаноат қил, қаноат қил.
Орттирма жонингга жабр,
Қаноат қил, қаноат қил.

2008

ЯНГИ ҲАЁТ КОШОНАСИ ҚУТЛУГ КЕЛСИН!

Дуо қилинг, ҳар яхшининг баҳти қулсин,
Эшигидан яқинлари йўқлаб турсин.
Суур тўлсин кўзларида,
Шукр бўлсин сўзларида.
Худо берган толе уйин асрай билсин,
Баҳт қасрининг остонаси қутлуғ келсин,
Янги ҳаёт кошонаси қутлуғ келсин!

Қоқилмасин ўзи чопган майдонида,
Қора булут бўлмасин ҳеч осмонида.
Ҳеч ким йўлин тўсолмасин,
Шиддатини кесолмасин.
Камида тоғ шаҳди бўлсин имконида,
Толеида ёнган чироқ тўлиқ, келсин,
Янги ҳаёт кошонаси қутлуғ келсин!

Умри талош бўлмасин ҳеч саробларга,
Дил бермасин асли ёлтон хитобларга.
Сабр сингсин қайгуларин,
Тоза тутсин туйгуларин.
Қалби кўчсии қадри асрий китобларга,
Эл олдида пешонаси ёргуғ бўлсин,
Янги ҳаёт кошонаси қутлуғ келсин!

Яхшиларнинг кўзларида бўлмасин нам,
Ўтмасинким бу дунёдан ҳеч бири кам.
Шундай фараҳ онларида,
Жон бўлайлик жонларида.
Эсласалар тоҳо Аҳад шонрни ҳам,
Оқибатли дўстнинг ўрни улуг бўлсин,
Янги ҳаёт кошонаси қутлуғ келсин!

2008

ҮЗИМДАН ҮТГАНИ...

Дардимни билдиrmай сизга қуламан,
Аммо ич-ичимдан құксим тиламан.
Сизни ҳарчанд авраб, далда берсам-да,
Үзимдан үтганин үзим биламан.

Ҳаммага жилмайиб күча ё күйда,
Табассум улашиб байрам ё түйда.
Гоҳ ёлғиз қамалиб йиглайман уйда,
Үзимдан үтганин үзим биламан.

Сенга нима етмас, деся сүрайсиз,
Күзларимга бунча мунгли қарайсиз.
Энди йиғламайман, деб берсам ҳам сүз,
Үзимдан үтганин үзим биламан.

Не қилай, құксимни тешади армон,
Висол армон бўлса, муҳаббат ёлғон.
Ҳар оқшом құксимга қулайди осмон,
Үзимдан үтганин үзим биламан.

Ахир, сизни алдаб нима қиламан,
Ёлгизликда нима бўлсан бўламан.
Сизни авраш учун ёлғонлар тўқиб,
Үзимдан үтганин үзим биламан.

ЖУДА ОЛИСДАСАН...

Жуда олисадасан, етмайди қўлим,
Жуда яқиндасан, мисоли ўлим.
Сен мени бир умр ёлғиз қолдириб,
Ташлаб ҳам кетмайсан, сезади кўнглим.

ТҮЙИБ КЕТДИМ

Багри тошлар дунёсидан,
Тўйиб кетдим, тўйиб кетдим.
Ёмонларнинг жафосидан,
Куйиб кетдим, куйиб кетдим.

Ҳар нафасим оғриқ бўлди,
Қаҳринг бунча қаттиқ бўлди.
Дарларимнинг дарёсида,
Тўлиб кетдим, тўлиб кетдим.

Кимга айтай дарларимни,
Излаб тоғган баҳтларимни.
Армонларнинг савдосига,
Кўйиб кетдим, қўйиб кетдим.

Ёлғизман энди ҳаммадан,
Қўрқаман, айт, мен нимадан.
Юрагимдан балоларни,
Олиб кетдим, олиб кетдим.

Аҳад яшамай одамдек,
Бир ёниб ўчдинг-ку шамдек.
Хатоларнинг жазосига,
Қолиб кетдим, қолиб кетдим.

2009

ХУДО УРСИН, ДЕБ ҚАРҒАМАНГ

Шикаст сб подон дастидан,
Ўйлаб гамгин гуссаларни.
Худо урсин, леб қарғаманг,
Худо урган кимсаларни.

ШУКР ОЛЛОҲИМ

Имон деган давлат бердинг,
Шукр Оллоҳим, шукр Оллоҳ.
Ижод деган савлат бердинг,
Шукр Оллоҳим, шукр Оллоҳ.

Бошим силаб баңдам, дединг,
Мудом ризқим бутун қилдинг.
Ҳалолимдан неъмат бердинг,
Шукр Оллоҳим, шукр Оллоҳ.

Ибодатим қабул бўлдӣ,
Бугун яна баҳтим кулди.
Юрагимга журъат бердинг,
Шукр Оллоҳим, шукр Оллоҳ.

Муҳаббатнинг азобини,
Ишқнинг аччиқ шаробини.
Севги деган қисмат бердинг,
Шукр Оллоҳим, шукр Оллоҳ.

Сўйлаяпман эл дардини,
Кўтарсам дейман қадрини.
Бунга ўзинг фурсат бердинг,
Шукр Оллоҳим, шукр Оллоҳ.

Аҳад деган номинг олиб,
Яшаяпман маъни ториб.
Шундай яхши одат бердинг,
Шукр Оллоҳим, шукр Оллоҳ.

2009

БУГУН, БАЛКИ...

Камми-қўпми яшадим, эй дўст,
Кўп ишларга балки улгурдим.
Ҳар кун тонгда ўйлайман ҳануз,
Бугун, балки охирги куним.

Эртага ҳам режам кўп гарчи,
Армонларим кўпи бирламчи.
Ажал ногоҳ тортади қамчи,
Бугун, балки охирги куним.

Сўзим эшит сирдошим соат,
Ёниб-ўчар ономиз омонат.
Балки эрта бўлар қиёмат,
Бугун, балки охирги куним.

Дуо қилинг мени, онажон,
Юраккинам оғрир чалажон.
Кетсам, рози бўлинг, дадажон,
Бугун, балки охирги куним.

Хафа бўлма мендан, дўстгинам,
Сени билмай ранжитган бўлсанм.
Ортимдан тош отмагин, ўлсанм,
Бугун, балки охирги куним.

Ижодим леб, бахтимдан кечдим,
Қанча йиллар заҳрини ичдим.
Бир шам каби ёндим-у ўчдим,
Бугун, балки охирги куним.

Бугун, балки охирги куним,
Согинаман сингилларимни.
Бир меҳрибон акадай бўлиб,
Ололмадим кўнгилларини.

Топидан баттар экансан, кўнглим,
Нима десанг, барига кўндим.
Севги лединг, севдим ўйламай,
Ишқ дардига энди тушундим...

Қалбим ичра минг бўйтта тилак,
Умр оқар, тилимда эртак.
Бупчаларам ҳовлиқдинг, юрак,
Бугун, балки охирги куним.

СИЗНИ ЖУДА ЯХШИ КҮРАМАН...

Хаёлимда сиз билан бирга,
Тушимда ҳам излаб юраман.
Ҳаётимдан кетдингиз нега,
Сизни жуда яхши күраман...

Күзёшларим ёғар лабимга,
Ишонмассиз балки ганимта.
Сиз кераксиз телба қалбимга,
Сизни жуда яхши күраман...

Тәлпинганда мингларча мухлис,
Күзларимда ёнали бир ҳис.
Фақат сизни севганман ёлгиз,
Сизни жуда яхши күраман...

Юлдузлар сочилиди сочимга,
Афсуслар ёғилди бошимга.
Тегаверинг, майли, гашимга,
Сизни жуда яхши күраман...

Дейсиз: Аxað, мұхаббат нима,
Ишқ бу денгиз, мұхаббат кема.
Кимлар учун бошланар севги,
Ечилганды энг сүнгги тұгма.
Бошқа кимга ҳазыл қиласман,
Сизни жуда яхши күраман...

Битта сирни очайми секин,
Мен севдимми, қайтмайман лекин.
Ұзингизга айтмайман лекин,
Сизни жуда яхши күраман...

2012

ҚАЛБИМ СИЗДА ЯШАР...

Йигладим, бошимдан ўтди жудолик,
Сиз учун яна бир қылгум фидолик.
Розиман, сиз олинг менинг ҳаққимни,
Худо сизга берсин менинг баҳтимни.

Ўлиб кетсинг, деся қарғамаңг, гулим,
Сизни йўқотганим мен учун ўлим...
На яшай оламан, на мен гўрдаман,
Қалбим сизла яшар, тирик мурдаман.

ИСМИМНИ ТАКРОРЛА...

Мен учун табассум қўлсин шу лабинг,
Мен учун баҳорлай очилсин қалбинг.
Ҳар бир нафасингнинг матъоси бўлай,
Севгилим, мен учун урсии юрагинг.

Исмимни такрорла, ҳатто тушингда,
Доим, ўзим бўлай ақлу ҳушингда.
Дунёларни излаб қалбингдан тоғдим,
Энди сен ҳам мени бир бор тушун-да.

АСЛИДА...

Кимларнинг назлида биз ҳали гўлак,
Сафсата кетидан қувиб юрибмиз.
Шундайларга бир гап айтишим керак,
Биз чўққини аниқ кўриб турибмиз.

Уларнинг фикрича, пасту баландни,
Идрок этмоққиқка етмас фаҳмимиз.
Кимнингдир ортидан йўл топғаниларга,
Аслида бизнинг ҳам келар раҳмимиз.

2012

АЛДАНГАН ҚИЗ

Энди айт-чи, кимга кераксан,
Гул умрими увол қылган қиз.
Минг түйбатчи тиілда эрмаксан,
Ёшилигини завол қылган қиз.

У йиғлади артдим ёшини,
Савол берсам, әгді бошини.
Күтаролмас ҳасрат тошини,
Алданган қиз.

Авжи баҳор очилмаган гул,
У бир дилдор, сочилмаган дил.
Ёлғиз қолса, не қылсин, ахир,
Алданган қиз.

Севди баҳтли бұламан дея,
Алданишин кутмаганди-я.
Йиғлар энди у күя-күя,
Алданган қиз.

Дайди шамол эрмаклаб ўтар,
У-чи бедор кимнидир кутар.
Ёстиқлари тошданам баттар,
Алданган қиз.

Бахти самода ёнимаган юлдуз,
Қалби нафрат тұла бир денгиз.
Гул умрими сүлдирди әссиз,
Алданган қиз.

Алданган қиз хазонға ўхшар,
Хаётдан ҳеч умилсіз яшар.
Ёлғизликдан өзилиб қақшар,
Алданган қиз.

Тингланғ, дүстлар, Ахад дардини,
Йиглаб ёзған ҳар бир сатрини.
Сен Худога сол номарларини,
Алданган қиз.

2012

(ХАЗИЛ ШЕР)

Мен ошиқман түр,
Бу пешонам шур.
Бевафо қизлар,
Хаммаси бир түр.

Дилингни олар,
Гулингни олар.
Сездирмай ҳамма,
Пулингни олар.

Күзи гүзал деб,
Сүзи гүзал деб.
Севаман, девдим,
Берди-ку фириб.

Елгон ўқ бүлар,
Вафо йүқ бүлар.
Қирқ бир түяга,
Макри юқ бүлар...

Секин ташлар түр,
Дүстим огох бүл.
Бевафо қизлар,
Хаммаси бир түр.

Хаммаси бир хил,
Нагмаси ҳар хил.
Қомати боңқа,
Омади боңқа...

Агарда севсам,
Айтиб севмасман.
Минг қасам ичдим,
Қайтиб севмасман:

Үйлансанг, дүстим,
Шарт эмас севги.
Аёллар ишқини,
Түшүпимас чунки.

Гүнтүнг булиб ер,
Қылғай сени хүр.
Бевафо қизлар,
Хаммаси бир түр.

2012

БАХТЛИ ҚИЛ, ТИНЧГИНА ЁТАЙ ҚАБРИМДА!

Күлларимни узма бүйнингдан, жоним,
Күйвөрсанг, ўламан кўйинингда, жоним,
Бир тугмача жой бер кўнилингдан, жоним,
Шу меҳр стади бутун умримга,
Бахтли қил, тинчгина ётай қабримда.

Иккала қўлларим очиқ кетмасин,
Омад осто намдан қочиб кетмасин,
Армонлар қонимни ичиб кетмасин,
Исмингни ўйиб ёз кўйган бағримга,
Бахтли қил, тинчгина ётай қабримда.

Юрак оғрийверар иситмам ошиб,
Қон тўла қўзимдан кўзёним тошиб,
Дўстларим сотсалар кўксимни тешиб,
Сен қўшилиб кўйма менинг жабримга,
Бахтли қил, тинчгина ётай қабримда.

Мени тушунмайди анов ифлослар,
Турқи хотинчалини ёркаклибослар,
Тушимда мозордан келар овозлар,
Кўрқмагин, йиглама менинг ганимга,
Бахтли қил, тинчгина ётай қабримда.

Сен дейсан, қўй Аҳал кўп ҳам сиқилма,
Дардларинг ўтида онди ёқилма,
Истагим, мендан сўнг қолсан, йиқилма,
Ўлим, даво бўлгай ҳамма дардимга,
Бахтли қил, тинчгина ётай қабримда.

Кўлларимни узма бүйнингдан, жоним...

2012

СЕНИ СЕВАМАН, ДЕНГ...

Биламан, менини бўла олмайсиз,
Биламан, қалбингиз ўзга билан банд.
Азизим, мени ҳам бир марта ўйланг,
Сени севаман, денг бир марта фақат.

Даршарим ўргимчак тўридай чигал,
Ортиқ чидолмайман қолмади тоқат.
Бир марта мендан ҳам олингиз хабар,
Сени севаман, денг бир марта фақат.

Оҳ, ахир ўн беш йил мен сизни кутдим,
Ҳар сония ҳар лақиқа йилга тенг соат.
Унугтум, бутунлай кейин унугтум,
Сени севаман, денг бир марта фақат.

Юрак ёнг сўнгти бир сасни кутмоқда,
Сўнг майли, ўлсам ҳам жон олсин роҳат.
Битта сўзни кутиб умрим ўтмоқда,
Сени севаман, денг бир марта фақат.

Билмайсиз-да менга кимлар зорлигин,
Ёлғон осмонлардан ахтарасиз баҳт.
Бир бор ўйлоғмайсиз менинг борлигим,
Сени севаман, денг бир марта фақат.

Эргага дунёнинг шуҳратин йигиб,
Бир ширин баҳт томмай ўлмасин Аҳад.
Бир марта қалбингиз оҳдарин уқиб,
Сени севаман, денг бир марта фақат.

Биламан, менини бўла олмайсиз,
Биламан, қалбингиз ўзга билан банд.
Азизим, мени ҳам бир марта ўйланг,
Сени севаман, денг бир марта фақат.

ДҮСТЛАР БОРКИ...

Дүстлар борки, пулингга дүстдир,
Дүстлар борки, дилингга дүстдир.
Дүстлар борки, душмандан баттар,
Дүстлар борки, умринг гуллатар.

Дүстлар борки, ит ундан яхши,
Дүстлар борки, күнгилнинг нақши.
Дүстлар борки, соҳтасаломдир,
Дүстлар борки, соҳибвиждондир.

Дүстлар борки, дўст легинг келмас,
Дүстлар борки, ёлғиз қолдирмас.
Дүстлар борки, заволинг истар,
Дүстлар борки, камолинг истар.

Дүстлар борки, ҳасалдан тўймас,
Дүстлар борки, мансабдан тўймас.
Дүстлар борки, хиёнатгача,
Дүстлар борки, қиёматгача.

Дүстлар борки, рақобат қиласр,
Дүстлар борки, саховат тилар.
Дүстлар борки, дил ва тил бошқа,
Дүстлар борки, кўтарар бошга.

Дүстлар борки, шунчалар ифлос,
Дүстлар борки, фариштақиёс.
Дүстлар борки, йиқилсанг, байрам,
Дүстлар борки, ҳамма таъриф кам.

Дүстлар борки, одаммас, ҳайвон,
Дүстлар борки, топмайсан нуқсон.
Дүстлар борки, Аҳад синсин, дер,
Дүстлар борки, гуллаб унсин, дер...

Дүстлар борки, эҳ шундай дўстлар,
Бири дард бири баҳт кўзлар...

2012

АЁЛНИНГ ТАШВИШИ ЭМАС БУ...

Сал эҳтиёт бўлинг, эркаклар,
Ўзингизни ўйламай нуқул.
Рўзгор тортмоқ билсангиз агар,
Аёлнинг ташвиши эмас бу.

Бир бошига минг битта савдо,
Оилам деб билмайди уйқу.
Унга дардни кўрмайлик раво,
Аёлнинг ташвиши эмас бу.

Кимлар ўзин овутиб қўяр,
Не қиласига ҳозир замон шу.
Хотин эрлик либосин кияр,
Дейди бизнинг ташвишимиз бу

Мардикорга ҳам чиқартиридик,
Елласига тог юқлаттиридик,
Баъзан тобутни кўтартиридик,
Бизнинг ташвишимиз эди у.

Шундай кетса агар бир куни,
Кулаб тушар дунё устуни,
Аҳад сизга айтади шуни,
Қараб турса ҳам бўлмайди-ку...

Сал эҳтиёт, бўлинг эркаклар,
Ўзингизни ўйламай нуқул.
Рўзгор тортмоқ, билсангиз агар,
Аёлнинг ташвиши эмас бу.

2012

СЕНИ РОСТДАН СЕВИБ ҚОЛГАНДИМ...

Сен кетдинг-у, дунё ўзгарди,
Мұхаббатта айланып дардим.
Жондан ўтди меҳрнинің қадри,
Сени ростдан севиб қолғандим...

Дил истамас сендан бошқани,
Тугатолмай бу томошани.
Жонга малжам хүш, айт-чи, қани,
Сени ростдан севиб қолғандим...

Мен шунчаки бир күнгіл қүйінб,
Бир лаңзага тафтингта түйіб.
Дилда ишқим ёлғонға йўйиб,
Сени ростдан севиб қолғандим...

Йұқсан, энди хәэллар сарсон,
Бошгинамда саволлар сарсон.
Чақмоқ чертиб, йиглайди осмон,
Сени ростдан севиб қолғандим...

Сени ростдан севиб қолғандим,
Мен яшабман алдаң үзимни.
Нигоҳингдан бұса олғандим,
Күзларипта қалдаң күзимни.

Чашмаңек соғ қалбингің зорман,
Олисдасан, қадрингің зорман.
Мұхаббатинг, меҳринің зорман,
Сени ростдан севиб қолғандим...

2012

НЕГА СЕНДАН ДАРАК ЙҮҚ...

Унуглиган йүқчилик,
Хаётим жуда ёргү.
Атрофимда күнчилик,
Аммо сендан дарак йүқ.
Етар обрў зытибор,
Хамма менга интизор.
Шукр, ҳамма нарсам бор,
Аммо сендан дарак йүқ.
Эрталабдан кечигача,
Яшайман дилни санча.
Улгайдим бугун анча,
Аммо сендан дарак йүқ.
Ташлаб кеттган дўстларим,
Узрини айтиб келди.
Хаётим яна гўзал,
Баҳорлар қайтиб келди.
Яшайман осмонда,
Бундан ширин эртак йўқ.
Оҳ, кўмсайман онда,
Аммо сендан дарак йўқ.
Осмонларга тикилиб,
Қалбими кўкли кўрлим.
Бир кун машхур бўламан,
Юлдуз бўламан, дердим.
Тогман тошлари синган,
Багримда бир бўлак йўқ.
Гулман гуничаси сўнгган,
Нега сендан дарак йўқ.
Атрофимда хур қизлар,
Тинмай севгидан сўзлар.
Кўзларим сени излар,
Аммо сендан дарак йўқ.
Шунча обрў шуҳратни,
Қара, омадқуши баҳтни.
Сенсиз булар не керак,
Тушунгин-да Аҳадни.

Атрофимда минг-минглаб,
Мухлислар турар мақтаб.
Хар күн дил сүрар йиғлаб,
Аммо сендан дарак йўқ.

Юрак ёмон ҳам санчар,
Шифохона ватаним.
Ғамматодан ўралар,
Ўлганимда кафаним.

Ҳатто, йўқлади ажал,
Ҳамроҳим бўлди оғриқ.
Тузалмайман бу сафар,
Умид деган кўйлак йўқ...

2012

СЕВГИ

Севги шундай туйгуки,
Ўз ўтингда ёнасан,
Севги шундай орзуки,
Тушингга ишонасан.

Севги шундай уйқуки,
Лаҳзала уйгонасан,
Севги шундай ёғдуки,
Хаёлга нарвонасан.

Севги шундай кулгуки,
Яйрайсан, қувонасан,
Севги шундай қайгуки,
Дунёдан бегонасан.

Севги шундай мангукки,
Оламга афсонасан,
Севги шундай қўрқувки,
Йўқотсанг, вайронасан.

Севги шундай оғуки,
Аҳад, ичсанг, қонасан,
Севги шундай чолгуки,
Висол куйин чаласан.

2008

БОШҚАСИГА ЎЙЛАНДИМ...

Юрак йиғлар, күнгил нобуд,
Севги ўлди, йўқдир тобут.
Қайтиб келгин дейман қандай,
Қандай, ахир, дейман унут.
Бошқа қизни ўйладим,
Бошқасига уйландим...

Никоҳ, турмуш бўлак, деб,
Севиб яшаш бўлак, деб.
Оила бошқа дунё,
Ишқ дунёси бўлак, деб.
Бошқа қизни ўйладим,
Бошқасига уйландим.

Бир томон рўзгор гами,
Бир томонда ишқ йиғлар.
Бечора ошиқ юрак,
Тенг иккига бўлинар.
Бошқа қизни ўйладим,
Бошқасига уйландим.

Эҳ, Лайлига Мажнунлар,
Бугун йўқолиб кетди.
Қанча Тоҳир Зухролар,
Сувларда оқиб кетди.
Бошқа қизни ўйладим,
Бошқасига уйландим.

Дунё дердим бедаво,
Ўзим чиқдим бевафо.
Ҳеч биридан кечолмай,
Аҳал ҳам бўлди адо...

СИЗГА ЎХШАГАН ҚИЗ КИМНИ СЕВАДИ?!

Сизни ҳар бир эркак севини мумкин,

Сизни ҳар бир аёл ҳурмат қиласи.

Кимлар сизга лойиқ, бўлиши мумкин,

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?

Билганингиз китоб, билганингиз уй,

Тарбия кинодан устун келади.

Сизни қизиқтиришас, **СЕВГИ**,

КҮЁВ,

ТҮЙ,

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?

Бошқа бир қизларда бўлса бу чирой,

Ўзини дунёдан устун қўяди.

Қаранг, сизга ҳавас қилас, ҳатто ой,

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?

Ўн беш йилдан бери сизни севаман,

Бошқа йигит бўлса, жинни бўлади.

Агар кўнмассангиз нима қиласман,

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?

Ўн беш йилдан бери фақат бир хил туш,

Ўн беш йилдан бери қалбим ёнади.

Айтинг, бундан ортиқ мумкинми кутиш.

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?

Бошқаларга ўхшаб кийининг сиз ҳам,

Пардоз-андоз қилинг, бўянинг сиз ҳам.

Шунчалар ҳам сино бўларми одам,

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?

Тўғри, мен жудаям хаёлпастман,

Магрур, мақтанчоқман, шеъримга мастман.

Аммо ичи қора ифлос эмасман,

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?

Нима бсрар исм, Аҳад Қаюм ким,

Сиз учун ҳар қандай шуҳратдан кечдим.

Мени севмасангиз, ахир, мен ҳеч ким,

Сизга ўхшаган қиз кимни севади?!

УЙҚУМ КЕЛМАЯПТИ

Уйқум келмаяпти, типчим йўқолган,
Чарчаган, ҳориган, безовта руҳим.
Ташвишлар юракка иш қуриволган,
Кўксимни йиртгудек ўтли андуҳим.

Ҳа, эсимла аниқ анча йил олдин,
Айрилиқнинг мунгли оқшоми эди.
Ақдимнинг олдига келиб юрагим,
Энди адашмайман, деб ваъда берди.

Шунча йил ўтибди мана оралан,
Хўш, юрак сўзила тура олдими.
Бемаъни ўйлардан бир зумга чалиғиб,
Йўлин ҳақиқатга бура олдими?..

Йўқ, ундаи қилмади bemayaни юрак,
Ақднинг сўзига кирмади номард.
Менга деди: — Аҳад севишинг керак,
Ўша қизга бориб, севаман, деб айт.

Менам қолишмайман тентак юракдан,
Яrim тун...
Мен унга қўнгироқ қилдим.
Унга айтдим: — Балки ўзинг билмассан,
Сени беш йил аввал севганман, дедим.

Ишқий сатрларим сенга аталган,
Муҳаббат ҳақдаги барча шеърларим...
Бир неча дақиқа ичида хуллас,
Айтиб улгурибман барча сирларим.

У қиз ҳам жимгина мени эшишиб,
Аҳад, сен ҳалиям гўдаксан, деди.
Тўгриси, мен унга ҳазиллашмовдим,
Айтган гапларимнинг бари рост эди...
Шу-шу кўришмадик биз анча йиллар,
Менга омад кулди, у бўлди ҳеч ким.
Қайтиб келиб деди: адашдим, кечир,
Бегим деманг, дедим энди **БЕГОЙИМ!!!**

Эҳ юрак... Юракжон... Девона юрак...
Ақднинг олдида уятда қолдинг.
Севиб бало борми актрисани,

Үзингни ортиқча ташвишга солдинг.
Үйкүм келмаяпты, тинчим йўқолған,
Юрак билан Ақл савдоси аро.
Нима дейсиз, шу тўрг кунлик дунёда,
Яшагим келмайди сенгимдан айро.

Қанийди ўҳшаса кино ва ҳаёт,
Қанийди ўҳшаса образ ва инсон.
Ҳам актёр бўлиб, ҳам одам бўлиб,
Бахтли қиласидим сизни, онажон...

Менинг дардим фақат машҳурлик эмас,
Омад эгалариг ҳамкасб ошноси,
Она ҳалқим мени ўғлим деса, бас,
Мен чин фарзандидек артай кўзёшин.

Гўёки бир ёмон тушдай бу ҳолат,
Қанийли сесканиб уйғониб кетсан.
Афсуски, бу ҳаёт, ҳа, аниқ ҳаёт,
О, қанийли лўстлар, қайта туғилсан.

Умуман кўрмасдим ҳинд фильмларин,
Юракни қилмасдим ғамларга бозор.
Ҳаётда ўз ролим яхши ўйнардим,
Танимай ўтардим ким у режиссёр...

Бу жудаям ёмон, бу жуда ёмон,
Миллионлаб муҳлисинг меҳр кутганда.
Ёнингдаги одам дардинг билмаса,
Йиглайсан, азоблар жондан ўтганда.

Жуда кўп адашдим ҳаёт йўлида,
Балки дўст танлашда адашгандирман.
Тонггача кўзёшим юзими ювар,
Лабларим кулса-да юракдан кулмам....
Ўлим эшик қоқар, кучаяр оғриқ,
Менга раҳм қилгин, жон шифохона.
Овқатнинг ўрнига дори ютганда,
Жонданам тўйдирди бу жафохона.

Үйкүм келмаяпти... уни кутяпман,
Ҳеч кимни бунча кўп кутмаган эдим.
Оқшом сен ёритгин зулматгоҳ қалбим,
Наҳотки, дунёдан уйғоқ ўтятпман...

2010

БИР ЮРАҚДА ИККИТА СЕВГИ...

Гулёшимнинг авжи баҳори,
Бир ҳис чақар, дилнинг озори;
Чин муҳаббат билмам қай бири,
Бир юракда баҳт билан қайғу,
Бир юракда иккита севги...

Биттасидан қочиб бўлмайди,
Ҳижрон заҳрин ичиб бўлмайди,
Ҳеч биридан кечиб бўлмайди,
Дил аросат, иккита туйгу,
Бир юракда иккита севги...

Икковиям баҳтимсиз, дейди,
Фақат менинг гамимни сиди,
Ўйлайвериб юрак ҳам тўйди,
Ахир, бундай яшаб бўлмас-ку,
Бир юракда иккита севги...

Ахир, кечиб кетаман қандай,
Уйланаман леб қўйганман-да,
Сал босикроқ бўлмай ўшанда,
Муҳаббатга қарабман снгил,
Бир юракда иккита севги...

Хаёлларим тўзилиб кетди,
Аҳад ўйлаб, эзилиб кетди,
Режаларим бузилиб кетди,
Тенг иккига бўлиндим чунки,
Бир юракда иккита севги...

ИККИНЧИ МУҲАББАТ...

Илк севги-ҳаяжон, илк муҳаббатдан,
Етолмай васлига юрагим куйган,
Яна севаман деб ҳеч ўйламовдим,
Иккинчи муҳаббат бошқача экан.

Яна дилда бошлиаб севги базмини,
Энди кўргандайман дунё аслини,
Ё уқиб бўлдимми ишиқнинг дарсини,
Иккинчи муҳаббат бошқача экан.

Қайтиб севмайман деб қасам ичгандим,
Бевафо макридан зўрга қочгандим,
Ёлғончи ёрлардан буткул кечгандим,
Иккинчи муҳаббат бошқача экан.

Биринчи муҳаббат ёмғирга ўхшар,
Юрагингни гашлар кўзингни ёшлар,
Янги ишқ заромад, баҳтилам тўшар,
Иккинчи муҳаббат бошқача экан.

Наҳотки, ушалди гуашларим ўнги,
Наҳотки, топилди ёқамнинг енги,
Ниҳоят топилди қалбимнинг тенги,
Эҳ, сиз нима дессангиз дентгу,
Иккинчи муҳаббат бошқача экан.

Ошиқ Аҳад Қаюм ёниб айтаро,
Энди бўлмагай ҳеч дил мотамсаро,
Энди айирмагин жуфтимдан, Худо,
Иккинчи муҳаббат бошқача экан.

Биринчи севгимдан оҳ, куйиб қолдим,
Ёмон қувилгандим ишқ саройидан,
Яна севаман, деб ҳеч ўйламовдим,
Иккинчи муҳаббат бошқача экан.

Илк севги-ҳаяжон, илк муҳаббатдан,
Етолмай васлига юрагим куйган...

ЙИЕЛАМА ДИЛ, У КЕЛМАЙДИ...

Севги нима, у қалдиргоч,
Фасли баҳор ишқ гуллайди.
Кетдинг кўзда қолдириб ёш,
Йиглама дил, у келмайди...

Юзим хазон, кўзим хазон,
Бир муҳаббат топилмайди.
Осмон бўйинг ётма арzon,
Йиглама дил, у келмайди...

Нима қилай, нима қилай,
Дардларимни, оҳ, билмайди.
Келмаса қўй, унугин, ҳай,
Йиглама дил, у келмайди...

Наҳор келди, баҳор келди,
Ишқ ёмғири тўкилмайди.
Бахт ўрнига озор келди,
Йиглама дил, у келмайди...

У келмайди, йиглама дил,
Ошиқ қаддинг букилмайди.
Юз йил кутгил, минг йил кутгил,
Йиглама дил, у келмайди...

Хижрон зулмат бу юракда,
Висол шами ёқилмайди.
Девонаманжонсаракда,
Йиглама дил, у келмайди...

Аҳад наҳот баҳт китобин,
Сарлавҳаси ёзилмайди.
Тингла, эй жон, шу хитобим,
Йиглама дил, у келмайди...

Садқайи кўзёшинг кетсин,
Баҳорда қор кутилмайди.
Унут уни, ўлиб кетсин,
Йиглама дил, у келмайди...

Севги нима, у қалдиргоч,
Фасли баҳор ишқ гуллайди.
Кетдинг кўзда қолдириб ёш,
Йиглама дил, у келмайди...

ТОПОЛМАДИМ

Учратмадим танхойимни,
Ёлгизимни тополмадим.
Зеболардан зебойимни,
Тенгсизимни тополмадим.

Хижрон ёқар дил тафтимни,
Тұлдирмоқда ишқ қафтимни.
Тополмадим ўз жуфтимни,
Юлдузимни тополмадим.

Пешонамга ёзилган ёр,
Қайда кутар мени бедор.
Түним зулмат, сочимда қор,
Кундузимни тополмадим.

Бир бор севиб, севилмасанг,
Күнгил ойнаң губори чанг.
Юрак, бунча йигламасанг,
Дилсўзимни тополмадим.

Қай йүлларда адашди ишқ,
Қай дилларда ярашди ишқ.
Сени менга талашди ишқ,
Мен ўзимни тополмадим.

Йиғлар ошиқ Аxað ёлгиз,
Умри ўтиб борар ёрсиз.
Сүлғин бир япроқман ҳолсиз,
Илдизимни тополмадим.

АЙРИЛИҚ ҚОНУНМИ ИШҚ КИТОБИДА...

Умидлар зор йиглар ишқ, нобуд – ўлди,
Қолдим, орзуларим қабристонида.
Хўрланган юрагим нафратга тўлди,
Айрилиқ қонунми ишқ китобида.

Қалбим осмонида чақмоқлар чақар,
Оғу тутдинг лабинг гул шаробида.
Кўзёшим қонларга айланиб оқар,
Айрилиқ қонунми ишқ китобида.

Кўзларингда севгим изҳори мактуб,
Ваъдалар чўкади дил зардобида.
Яшай оласанми мени унугиб,
Айрилиқ қонунми ишқ китобида.

Багримда илдизлаб кетган суратинг,
Нур эдинг соясиз, қалбим боғида.
Жонимдан қимматроқ ҳижрон сўрадинг,
Айрилиқ қонунми ишқ китобида.

Ёлғон, макр, ҳийла, барин яшириб,
Келгандинг фаришта тўр ниқобида.
Хотиралар йиглар менга қўшилиб,
Айрилиқ қонунми ишқ китобида.

Кел, бир бор бузайлик ўша қонунни,
Жудо эт Аҳадни дард азобидан.
Мендан олиб кет бу қотил қайгуни,
Айрилиқ қонунми ишқ китобида.

2012

БИЗЛАРГА НИМА ҚИПТИ...

Униси бундай лебти,
Буниси ундай дебти.
Хаммадан баҳтлимиз-ку,
Бизларга нима қипти?!

Алламбало миш-мишлар,
Дүстларимга чақмишлар.
Душманимга боқмишлар,
Бизларга нима қипти?!

Бирордан орқадамас,
Бирордан олдиндамас.
Дил тұла орзу-хавас,
Бизларга нима қипти?!

Елкамиз шақиллатиб,
Пошиамиз тақиллатиб.
Юрмасак лақиллатиб,
Бизларга нима қипти?!

Кимдир кимга шивирлар,
Фийбат ёлғон ғивирлар.
Билмам қайдан тұқырлар,
Бизларга нима қипти?!

Фалончи юрар эміш,
Түгөнчи құрап эмиш.
Қирқта ёлғон қирққамиш,
Бизларга нима қипти?!

Күпирмачай бүрттирма,
Ортдан иғво орттирма.
Күп бошимни қотирма,
Бизларга нима қипти?!

Ёлғон яшиқ нағмасин,
Йиғиштириб ҳаммасин.
Дилтешигин ямасин,
Бизларға нима қипти?!

Дилденгизда іфлөс сұз,
Аҳадга кема қипти.
Бахтлимиз, тегмасин күз,
Бизларға нима қипти?!

СЕВИБ ҚОЛГИМ КЕЛЯПТИ...

Ёнар ичимда недир,
Менга нима бўляпти?
Шу кунларда кимнидир,
Севиб қолгим келяпти.

Ташвициларим шунча кўп,
Зериктирди мени хўп.
Қалбимни бир бор сезиб,
Севиб қолгим келяпти.

Очиб қўнгил хатимни,
Синайми омадимни.
Топиб бир мос жуфтимни,
Севиб қолгим келяпти.

Тинчлик бермас армон ҳам,
Эзар тўртга томондан.
Шу кунларда ёмон ҳам,
Севиб қолгим келяпти.

Шунчаки ҳавасгамас,
Ишқ майидан бўлсам маст.
Ҳаммасидан тўйдим, бас,
Севиб қолгим келяпти.

Севгилимга дил ёргим,
Ҳар кун ёнига боргим.
Бир унга содиқ қолгим,
Севиб қолгим келяпти.

Ёнар ичимда недир,
Менга нима бўляпти?
Шу кунларда кимнидир,
Севиб қолгим келяпти.

ҚАЧОН КҮРИШАМИЗ...

Сени жуда соғиниб кетдим,
Сени сұраб йиглайди күнглим,
Соғинчларнинг захрин ичяпман,
Қачон күришамиз севгилим.

Осмондаги икки қүш мисол,
Үнгига айланған түш мисол,
Тезроқ келса биз кутган висол,
Қачон күришамиз севгилим.

Үзим излаб боргим келяпти,
Сени ёмон күргим келяпти,
Маҳкам кучиб олгим келяпти,
Қачон күришамиз, севгилим.

Кучогингда бир бор кулмайин,
Бахт күйини бир бор чалмайин,
Мен ақддан озиб қолмайин,
Қачон күришамиз, севгилим.

Бу ҳолим телбага аңдоза,
Күзларингни соғиндим роса,
Синиб қолмай бу сабр коса,
Қачон күришамиз, севгилим.

Тушун, ахир, сенсизлик ўлим,
Сен томонга бошлар ҳар йўлим,
Бирор ишга бормайди қўлим,
Қачон күришамиз, севгилим.

Сенсан Аҳад дилин қонуни,
Хаётимнинг ўзинг мазмуни,
Аввалгига ўхшаб ҳар куни,
Қачон күришамиз, севгилим.

Шартми сенга келгин, деб айтиш,
Соғинчларнинг захрини ютиш,
Жуда жонга тегди бу кутиш,
Қачон күришамиз, севгилим.

Сени жуда соғиниб кетдим,
Сени сұраб йиглайди күнглим,
Хеч бўлмаса, бир қўнғироқ қил,
Қачон күришамиз, севгилим.

МЕН КАБИ ДЕВОНА ЙҮҚ

Гўзаликда кўзгуда,
Сен каби афсона йўқ,
Телбаликда севгида,
Мен каби девона йўқ.

Йўллар ўтаётилар,
Диллар ўтаётилар.
Йиллар ўтаётилар,
Сен каби афсона йўқ,
Мен каби девона йўқ.

Йўқдур сендеқ жонона,
Оlam ичра бир дона.
Дурлар ичра дурдона,
Сен каби афсона йўқ,
Мен каби девона йўқ.

Аҳад бу қандай савдо,
Наҳот баҳтдан жон жудо.
Марҳамат қил, эй Худо,
Сен каби афсона йўқ,
Мен каби девона йўқ.

Гўзаликда кўзгуда,
Сен каби афсона йўқ.
Телбаликда севгида,
Мен каби девона йўқ.

КУЛИШНИ ИСТАСАНГ...

Кулишни истасанг, баҳт кўп дунёда,
Йиғлашни истасанг, дард кўп дунёда.
Фариблик либосин кийсанг, кўчада,
Дўстман деб қўл чўзган мард йўқ, дунёда.

Дунёдан яхшилик излаган жон кўп,
Юракка тош солсанг, кўринар фам кўп.
Дилингни кенгроқ оч, гулду гулшан кўп,
Бир меҳр излаган қалб кўп, дунёда...

2009

ОХ ЮРАК, ЮРАКЖОН...

Ҳар қадамда севги, ҳар қадамда рашк,
Ҳар нафасда күзөш, ҳар нафасда ишк,
Ёнимда йүқдирсан, келгин, күнглим гаш,
Ох, юрак, юракжон, бечора юрак,
Севмаганни севмай, унутиш керак.

Оловда кул бүлди күнгил хатларим,
Хижронга йўл бўлди енгил дардларим,
Сап-сариқ куз бўлди яшил баргларим,
Эҳ, юрак, юракжон, овора юрак,
Севмагандан севмай қутулиш керак.

Гулгунча очилмас куртак бўлмаса,
Тугунлар очилмас тилак бўлмаса,
Кўнгил бериб бўлмас юрак бўлмаса,
Вой... Юрак!
Юракжон...
Садпора юрак,
Севмаганни севмай, унутиш керак.

Бир томон йигирма биринчи аср,
Пойдеворсиз ҳужра, томи йўқ қаср,
Нима дейсан:
— Севги!!!
У, йўқ-ку ахир,
Қўй, юрак, юракжон,
Начора юрак,
Севмагандан севмай қутулиш керак.

Жонни тамом қилдим севги, севги деб,
Эй Аҳад бўлди-да, куяверма кўп,
Энди буёғига, сўзим эшит хўп,
Кел, юрак, юракжон, девона юрак,
Севмаганни севмай, ёндириш керак!!!

Ҳар қадамда севги, ҳар қадамда рашк...

СЕНСИЗЛИКДА ДЕВОНА БУ ДИЛ...

Дилим – саҳро, очилмади гул,
Исминг айтиб, қалтирайди тил,
Мажруҳ танида тинирчилар жон,
Сенсизликда девона бу дил...

Согинчлар, ҳазонлар уюми,
Шубҳалар, ёғизлик кийими,
Бошимда хавотир қуюни,
Сенсизликда девона бу дил...

Юрак – совуқ, титрап музхона,
Мен сени ҳаммадан қизгона,
Дардларингга бўлай остона,
Сенсизликда девона бу дил...

Хор бўлдим, жабрлар ўчоги,
Бешафқат, ҳижроннинг пичоғи,
Қайдадир, баҳтларнинг қуюғи,
Сенсизликда девона бу дил...

Камситмайин гар авайласа,
Атиргуллек очилар майса,
Ичимдаги вулқондек ларза,
Сенсизликда девона бу дил...

Кўзёшим яшнатиб боғларни,
Ювармикин, дилда доғларни,
Қандай ютай, тоғдай оҳларни,
Сенсизликда девона бу дил...

Дилим – саҳро, очилмади гуя,
Қарагайзорда ем бўлди булбул,
Кўзларимга сифмайди дунё,
Сенсизликда девона бу дил...

КАМБАГАЛ БОШИНИ ҚАЕРГА УРСИН?

Бой борини сочар, түю тадбирда,
Халолдан ундими, қандини урсын,
Кашшоқчилик ўлим, йўққа оғирда,
Камбагал бошини қаерга урсын?

Пул пулни қувади, дард эса гамни,
Йўқчилик сездирап рўзгорда камни,
Ўлиб кетса, билмай ҳаётдан тамни,
Камбагал бошини қаерга урсын?

Деворга урса, бош девор ҳам қулар,
Қулаган жойининг пулин ким тўлар,
Нафас олиш ҳам пул, олмаса ўлар,
Камбагал бошини қаерга урсын?

Меҳнатдан роҳатдир, балодан оғат,
Юракка санчилган қиличидир миннат,
Қарз занжирин қандай узаркин бу пайт,
Камбагал бошини қаерга урсын?

Замон, замон деманг, замона порлоқ,
Чет элдан Ватанга лой сочар аҳмоқ,
Сен одам бўлмайсан, деса бир қўрқоқ,
Камбагал бошини қаерга урсын?

Дунёни титратган йирик шаҳарда,
Баҳс кетар ялтироқ бўйинбоғларда,
Омад улашмаса бирор гузарда,
Камбагал бошини қаерга урсын?

Битта қизи бева, бири ногирон,
Ўғли-чи бекорчи, мажруҳ нотавон,
Бу дардга бормикан табибда дармон,
Камбагал бошини қаерга урсын?

Ота-она йиллаб ўстириб фарзанд,
 Қалбнимас қорнини тўйдирса фақат,
 Сўнг **ДИЛчайнар**, ҳаёт дер оҳ, бешафқат,
 Камбагал бошини қаерга урсин?

Эй Аҳад, дардманнинг раҳми Худо-да,
 Банда оч қолмасин еру самода,
 Қарздор бўлиб қолса, ҳатто **ГАДОдан**,
 Камбагал бошини қаерга урсин?

Бой борини сочар, тўю ҳашамда,
 Оҳ, қашшоқнинг бу куни қурсин,
 Енгил бўлмаса ҳеч елкаси ғамдан,
КАМБАҒАЛ бошини қаерга урсин!

СОАТ ТИНМАЙ ЧИҚИЛЛАР

Соат тинмай чиқиллар,
 Юрак тинмай дукиллар.
 Уйғотмоқда вақт мени,
 Уйғотмоқда Ҳақ мени.

Кулогим шангий бошлар,
 Ақлим ҳам гангий бошлар.
 Босар нохуш ваҳима,
 Роҳатига – дард жарима.

Ичим армонга тўлди,
 Кўзларим қонга тўлди.
 Кутмай қўйдим ўлимни,
 Ундан ювдим қўлимни...

Соатнинг ўз занги бор,
 Юракнинг ўз бонги бор.
 Иккови галма-галдан,
 Ўчин олади мандан...

2009

МАБОДО...

Мабодо мен рассом бұлсайдим агар,
Шундай бир антиқа сурат чизардим:
Тасвирда дараҳтлар шиңғон сүзлашар,
Күшларнинг нағасин унда сезардим.

Хайкалтарош уста бұлсайдим агар,
Шундай бир ҳуриқо сиймо ўядим,
Мафтун бұлмасин деб ошиқ телбавор,
Ёнига жуфтини ясаб құядим.

Ёинки бастакор ҳофиз бұлсам ҳам,
Оlamда ягона яратардим күй,
Ором өлар эди тинпекан одам.
Иядизлар қүшилиб қилармили түй...

О, дүстлар, мабодо бұлсайдим табиб,
Беморлар дардига тонардим даво,
Бугун дунё кезиб, излаб-ахтариб,
Жонимга атардим өнг тапсик ҳаво.

Афсус, энди бунин иложи йўқдир,
Табиат қилибди менда моҳирлик,
Майли, нима дердим, бу ҳукми тақдир,
Менга насиб бўлди қасби шоирлик.

Айтмангким, шонрда юмуш йўқми леб,
Бунда ҳам мен сизга қилурман ваъда,
Шундай шеър битайки, сиз уни ўқиб,
Ҳаётга талпининг дўстлар, янада...

2007

КЕРАК ЭКАН ҚОРА ҲАМ ДЕМАК

Мен аслида пима тоңдым шу,
Икки сатр ноламдан бошқа,
Юрагимга из солған қайғу,
Дил ўртаган аламдан бошқа.

Дүст сүзини таҳлил этмоққа,
Ғанимларим бердилар күмак.
Оқни оқ деб аниқ айтмоққа,
Керак экан қора ҳам демак.

"Ағсус, қадам босғанман әгри",
Бундай ҳислар күхна ва қадим.
Билмадим қай аймолим түғри,
Хатоларим кечроқ англадим.

Баъзан дейман: мен кимман ўзи,
Яшамоқдан борми мақсадим?
Заҳмат тотсан, вақт ўзи қози,
Уни ажримчи деб атадим.

Кузатсан гар зымдан мұхитни,
Айбим аниқ күринар шу он.
Мезонталаш фаросат дидни,
Танқыл этмоқ ҳаммадан осон.

Етар, юрак чиранмоқни қўй,
Ким тингларди ахир додингни.
Эрк ҳақида сурғунингча ўй,
Жоним, асра бор бисотингни.

Тушунгингда одамни сен ҳам,
Танлаб бўлмас қараб кўз қошига.
Айт, не қиласай йўқлааб келса гам,
Дүст топмасам қаламдан бошқа...

СОФИНЧ БИЗНИ СОФИИИБ ҚОЛАР

Күзимизда севги учқуни,
Нигоҳингдан дил бўса олар.
Дард ўрнига баҳт келган куни,
Софинч бизни соғиниб қолар.

Яшаб висол эртакларида,
Муҳаббатнинг этакларида.
Очилсак ишқ куртакларида,
Софинч бизни соғиниб қолар.

Энди булар топишволди деб,
Бир-бирига ёпишволди деб.
Наҳот мени уннаторди деб,
Софиич бизни соғиниб қолар.

Бир пайтлари кўксимда ухлаб,
Яшар эди дардларим тинглаб.
Энди эшик ортида йиглаб,
Софинч бизни соғиниб қолар.

Аҳад дейди сенга керакман,
Соғинчмасман, ахир, юракман.
Бошқа дўст тонолмай ҳалакман,
Софиич бизни соғиниб қолар.

Кўзимизда севги учқуни,
Нигоҳингдан дил бўса олар.
Дард ўрнига баҳт келган куни,
Софинч бизни соғиниб қолар.



У МЕНИНГ ҚАБРИМ ЭДИ...

Пойингизда хор бўлган,
Бағрингизда тор бўлган,
Мехрингизга зор бўлган,
У менинг қалбим эди.

Арzonларга сотдингиз,
Бозорларда тортдингиз,
Яна тошлар отдингиз,
У менинг қадрим эди.

Ёлгонларга алмашган,
Севаман деб алдашган,
Сизни танлаб адашган,
У менинг баҳтим эди.

Фалакларга сачради,
Ёмонлардан чарчади,
Мудом сизга учради,
У менинг дардим эди.

Юрак қонимдан тушган,
Кейин дилларни қучган,
Қўлларимдан сув ичган,
У менинг сатрим эди.

Ошиқ Аҳад кўз илган,
Аввал ҳам кўп қазилган,
Муҳаббат деб ёзилган,
У менинг қабрим эди.

Пойингизда хор бўлган,
Бағрингизда тор бўлган,
Мехрингизга зор бўлган,
У менинг қалбим эди.

ҚИЗГАЛДОҚҚА АЙЛАНСАЙДИМ...

Қизгалдоққа айлансайдим, қизгалдоққа,
Ёқармидим балким сендең қизалоққа,
Маҳкам қучиб, маҳкам қучиб аспар эдинг,
Мени ташлаб кетмас эдинг ҳеч қаёққа.

Қани энди құлларингда узук бұлсам,
Пешонанғда ялтираган ёзиқ бұлсам,
Ҳеч бұлмаса, айлансайдим бармогингга,
Кулганинғда лабларингни түсіб турсам.

Мендан күра баҳтлироқдир лаб бүёгинг,
Ҳар күн, ҳар күн сочинг силар ул тароғинг,
Мендан күра күпроқ мәхринг күзгү олган,
Мендан күра мәхринг олган тош тирногинг.

Хаёлингга айлансайдим, хаёлингга,
Үшал онда стар өлим висолингга,
Севаман деб юз бор айтинг Аҳадға деб,
Минг бор буйруқ берар әдим томогингга.

Армон экан, бу ҳам битта армон экан,
Сүйганинға столмасаң, ёмон экан...

ДУШМАН ДЕБ БИЛГАНИМ ДҮСТ БҮЛИБ ЧИҚДИ...

Олтин деб олғаним мис бұлиб чиқди,
Баҳор деб борғаним куз бұлиб чиқди,
Эккан ниҳолларим хас бұлиб чиқди,
Фалакнинг тескари боққанин қаранг,
Душман деб билганим дүст бұлиб чиқди.

Дүстимсан деганим ўгрикүз чиқди,
Фирибгар деганим түгрисүз чиқди,
Мардлыгин мақтаган беномус чиқди,
Битта қызы бурли кеча севгимдан,
Бугун рұпарамдаң қирқта қызы чиқди.

ДҮСТИМ ҲАМ СЕН, РАҚИБИМ ҲАМ СЕН...

Дардим ҳам сен, табибим ҳам сен,
Агёрим ҳам, ҳабибим ҳам сен,
Қисматимда битган тақдирим,
Дўстим ҳам сен, рақибим ҳам сен.

Яхшим ўзинг, ёмоним ўзинг,
Орзум ўзинг, армоним ўзинг,
Ўзингдурсан тўртта томоним,
Ростим ўзинг, ёлғоним ўзинг.

Сени ўйлаб аросатдаман,
Ўз-ўзимга рақобатдаман,
На уйку, на ором билайин,
На шаҳду, на маҳоратдаман.

Тенгим ҳам сен, тенгизим ҳам сен,
Шукрим ҳам сен, афсусим ҳам сен,
Йўқлик дейми, сени борликми,
Саҳром ҳам сен, денгизим ҳам сен.

Дарлим ҳам сен, табибим ҳам сен,
Агёрим ҳам, ҳабибим ҳам сен,
Қисматимда битган тақдирим,
Дўстим ҳам сен, рақибим ҳам сен.

АЛАМ БЎЛДИ

Кўзларимда дардли қунлар нам бўлди,
Хаётимда баҳтли қунлар кам бўлди,
Яrim йўлда сотиб кетди дўстларим,
Севганимдан айрилдим алам бўлди.

Дунё, шукр, оилас бор таянчим,
Яхши, ёмон қунларимда суюнчим,
Тугилдимки, кўрганим алам бўлди,
Дарёларга оқиб кетди ишончим.

ДЕВОНАМАН...

Сенинг ишқингда жонсарак,
Девонаман, девонаман.
Васлингга етолмай ҳалак,
Гирёнаман, гирёнаман.

Нозларингнинг адойиман,
Жамолингнинг шайдойиман.
Эл ичра бир савдойиман,
Афсонаман, афсонаман.

Дилимни боғлаб дилингга,
Айландим ошиқ қулингга.
Оҳларим тўкиб йўлингга,
Вайронаман, вайронаман.

Азобларинг туйиб-туйиб,
Ҳижронингда куйиб-куйиб.
Не кўрдим, айт суйиб-суйиб,
Ҳайронаман, ҳайронаман.

Ашкимни тўкиб ёнаман,
Нечун сендан бегонаман.
Хаёлингга парвонаман,
Тўлғонаман, тўлғонаман.

Аҳад сени кутар, ёрим,
Келгин жоним, интизорим.
Сен учун куйлади торим,
Ишонаман, ишонаман.

Кўзларим йўлингда, эй малак,
Девонаман, девонаман.

2008

АДО ҚИЛДИНГ

Ишқингдан сармаст жонимни,
Адо қилдинг, адо қилдинг.
Куйдириб хонумонимни,
Гадо қилдинг, гадо қилдинг.

Қай кун дилга келиб офат,
Кетди тоқат, йүқ фарогат.
Хәли васлингдек одат,
Ато қилдинг, ато қилдинг.

Жамолингни этсам орзу,
Нечүн жонга солдинг оғу.
Билсанг, эй күzlари оху,
Хато қилдинг, хато қилдинг.

Хато қилдинг, йүл тутарга,
Минг қош қоқиб ганимларга.
Чин севгингни айт кимларга,
Фидо қилдинг, фидо қилдинг.

Айтсам, ҳасратим узундир,
Шундан күйларим маҳзундир.
Парво ҳам этмай нечундир,
Видо қилдинг, видо қилдинг.

Насибаи тақдир экан,
Кимгадир гул, кимга тикан.
Ки оҳимга жабр билан,
Нидо қилдинг, нидо қилдинг.

Нетай, кўнгил йиглар бу дам,
Васли умид алам, алам.
Шундан ошиқ Аҳадни ҳам,
Жудо қилдинг, жудо қилдинг.

Ишқингдан сармаст жонимни,
Адо қилдинг, адо қилдинг.
Куйдириб хонумонимни,
Гадо қилдинг, гадо қилдинг.

БЕВАФОДУР...

„Түрк“.
Ет күйида ётар дилхуш,
Бевафодур, бевафодур.
Шохдан-шохга сакраган қүш,
Бедаводур, бедаводур.

„Түрк“.
Дон сочсанг бас, куйлар санга,
Дон бўлмаса ташла танга.
Ўйнайверар чилидирмангга,
Бенаводур, бенаводур.

„Түрк“.
Минг қошиб кўз сузади,
Авраш чорасин тузади.
Макри, шайтондан ўзади,
Беадодур, беалодур.

„Түрк“.
Танламас у бирор бир ёр,
Ҳар туслга кирмоққа тайёр.
Буқаламун унга бескор,
Беҳудодур, беҳудодур.

„Түрк“.
Нопоклик кўп аъмолида,
Тўзгир замон шамолида.
Аммо ўзин хаёнида,
Бебаҳодур, бебаҳодур...

„Түрк“.
Билгани шу фоний сафо,
Орттирас жонига жафо.
Не деб сўрсанг аҳду вафо,
Бесадодур, бессадодур.

„Түрк“.
Дарс бўлсин шу ҳаммамизга,
Дили ҳушёр ўғил-қизга.
Бундай ишни Аҳад сизга,
Бераводур, бераводур.

ДИЛИМ...

Дилим – ларё, ундан фақат сен оқасан,
 Дилим – юлдуз, унга фақат сен боқасан.
 Дилим – узук, уни фақат сен тақасан,
 Дилим – бемор, дарлин фақат сен тонасан.

Дилим – тушдири уни ўзинг йигитасан,
 Дилим – уфқидир қүйиндең келиб ботасан.
 Дилим – нурдир сен янада ёритасан,
 Дилим – хурдир, унинг жуфтни фариштасан.

Дилим – тоғдир, юксакларга қаратасан,
 Дилим – булут, ёмғирларнинг ютиласан,
 Дилим – гулдир, гулгунчанинг кафтиласан,
 Дилим – чўтдир, муҳаббатнинг тафтиласан.

Дилим – ошиқ, шому саҳар тилиласан,
 Дилим – шоир, ҳар бир ёзган сатриласан,
 Дилим – денгиз, уммонларнинг қаъриласан,
 Дилим – баҳор, сен кўкламнинг бағриласан.

Дилим – дарё, ундан фақат сен оқасан,
 Дилим – юлдуз, унга фақат сен боқасан.

АЁЛГА НЕ КЕРАК?..

Аёлга не керак меҳрлан бошқа,
 Севгидан бошқа не керак аёлга.
 Аёлнинг меҳридан жон кирап тошга,
 Аёл ўтказади измин шамолга.

Бир чимдим ўтибор, битта табассум,
 Ҳар қандай хушомад гуллардан афзал.
 Имкон тона олсанг агарда дўстим,
 Аёлнинг кўнглига қара энг аввал.

2009

АЙТОЛМАДИМ

Севишига севдим-у дүстлар, севаман деб айттолмадим,
Сен учун жонимни ҳам бераман, деб айттолмадим.

Айттолмадим ошиқлигим, мұхаббатта лойиқлигим,
Ёниб буткул күл бўлдим-у, куяман, деб айттолмадим.

Кўрсам тилим айланмасди, юрагим тез уриб тинмади,
Тушларимда сени ҳар кун қўраман, деб айттолмадим.

Тушунинг ўн беш ёшимда, бу савдо тушди бошимга,
Ҳаётимни сенсиз қандай қурғаман, деб айттолмадим.

Ёнида соғиниб туриб, олисда оғриниб туриб,
Мени ташлаб кетсанг, бир зум ўламан, деб айттолмадим.

Қайтолмадим йўлимдан ҳам, ушлолмадим қўлидан ҳам,
Менда кўнглинг борлигини биламан, деб айттолмадим.

Яширдим дилда раشكимни, пинҳона тутдим ишқимни,
Фақат бир сенинг севгингни кутаман, деб айттолмадим.

Кетиб қолдим олисларга, бир сўз демай ул дилбарга,
Мени кутсанг, албатта мен келаман, деб айттолмадим.

Сотилма совчиларингга, алданма ошиқларингга,
Уларнинг ёлғончилигин сезаман, деб айттолмадим.

Севишини билар эдим, нега бирор сўз демадим,
Ёнингда мен бутун умр қоламан, деб айттолмадим.

Ёнар Аҳад, куяр Аҳад, пушаймони қават-қават,
Дардларингни айтгин, гулим, оламан, деб айттолмадим.

Севишига севдим-у дүстлар, севаман деб айттолмадим,
Сен учун жонимни ҳам бераман, деб айттолмадим.

2009

СЕВГИ ИЗҲОРИ!

(монолог)

Бугун мафтункорсан ҳар доимгидан,
Бу мафтункор кўзлар, мафтўнкор чехранг.
Жоним, бетакрорсан ҳар доимгидан,
Бори гўзаллигинг бетакрор билсанг.

Сени кўрса агар мабодо Мажнун.
Лайлини бутунлай унутар эди.
Сени учраттганда Фарҳод ҳам дилхун,
Ширинни эсламай, сени кутарди.

Отабек Қумушнинг ҳажрида ёнмай,
Юсуф Зулайҳони эсламас эди.
Алпомиш Барчиной томонга бормай,
Сендан ўзгасини изламас эди.

Гўзаллик сиймосини ахтарган заҳот,
Ёнингга шошарди бўлганда Пушкин.
Ўзбек қизга қаранг наҳот, деб наҳот,
Қайтиб кетмас эди буюк Есенин!

Мабодо Давинчи ҳаёт бўлганда,
Қайтиб чизар эди Монализани.
Тарифинг эшилса шўрлик Ромео,
Ўйламай қўярди Жульєттасини!

Сени излай-излай ўтиб кетдилар,
Эсиз, бугун йўқ-да Навоий, Бобур!
Бир умр дунёни забт этса ҳамки,
Сенга алмашарди шубҳасиз Темур.

Ёдинг-ла яшарди Машрабу, Чўлпон,
Сен ёки тушмисан, ёки қандай дард.
Юракни очмоқлик пайтидир шу он,
Менга насиб бўлди наҳот шундай баҳт.

Сұзларимни тінгіла, ҳали ғапим бор,
Айт, мендай ошиқдан истайсан нени!
Сенсиз яшолмайман бүлгин менга ёр,
Дунёлардан ортиқ севаман сені!

Бугун мафтуңкорсан ҳар доимгидан,
Бу мафтуңкор күзлар, мафтуңкор чеңранг.
Жоним, бетакрорсан ҳар доимгидан,
Бори гүзәллігінг бетакрор, билсанг.

2009

ТАЛПИНИБ БИР-БИРИН ИСТАР КҮНГЛИМИЗ...

Талпиниб бир-бирин истар күнглимиز,
Севгилим, дунёға етар севгимиз.
Кел, дунёни бўлишайлик иккимиз,
Муҳаббатнинг ачичқ лардлари менга,
Ҳамма гўзалиги баҳтлари сенга.

Кел, эртага сочилемасдан хокимиз,
Қалбимизни тушунайлик токи биз.
Юрагимни бўлишайлик иккимиз,
Жароҳатга тўла қайтуси менга,
Туйгулари сенга, кулгуси сенга.

Бу дунёға тушмасидан юкимиз,
Бу дунёни тарқ өтармиз балки биз.
Хаётимни бўлишайлик иккимиз,
Булатлар ўраган тунлари менга,
Офтобга ранг сочган тонглари сенга.

Аҳад дейман, қўлнимизда эркимиз,
Ҳақсизмизми севмоқликка ёки биз.
Бу тақдирни бўлишайлик иккимиз,
Ҳаёт қанча шодлик атаса сенга,
Ол ҳаммаси сенга, сен эса менга.

2009

ҚАЙТАДАН ТАНИШАМИЗ...

Ҳар куни кўришамиз,
Уришиб, ярашамиз.
Агар жуда бўлмаса,
Қайтадан танишамиз.

Унугдим исмингизни,
Қайтарай расмингизни.
Беринг манзилингизни,
Қайтадан танишамиз.

Рақамингиз айтвординг,
Гуноҳимдан ўтвординг,
Ҳаммасин унугвординг,
Қайтадан танишамиз.

Тентакмиз, телбароқмиз,
Озгина эзмароқмиз.
Бир-бirimизга мосмиз,
Қайтадан танишамиз.

Жим.
Бўлди. Ганирма,
Менга бундай бақирма.
Кўй, акангни чақирма,
Қайтадан танишамиз.

Ҳеч кимнинг қолмас кўнгли,
Дўстликнинг осон йўли.
Яхшиликнинг ўнг қўли,
Қайтадан танишамиз.

Севги – бу, муҳаббат – бу,
Кўнгил – бу, синашамиз.
Ҳечам зарари йўқ-ку,
Қайтадан танишамиз.

Жиловлаб асабларни,
Тўқмаймиз газабларни.
Билмаймиз азобларни,
Қайтадан танишамиз.

Кимлар кўриб, куйдилар,
Бахтимиз бор, билдишар.
Мени Аҳад дейдилар,
Қайтадан танишамиз.

ОТА-ОНА ДУОСИ

Аллоҳ еткиса гар кам бўлмагайсан,
Тузи ҳалол касбу кордан қолмасанг.
Йўқса, бутун умр гамда яшайсан,
Ота-онанг дуосини олмасанг.

Ҳар доим дуо ол, мадад бўлгайдир,
Рисқинг бутун бўлиб баҳтинг кулгайдир.
Доим нимадандир кўнгил тўлмайди,
Ота-онанг дуосини олмасанг.

Шукр қил кам бўлса гар бисотингда,
Нимадир қолдирмоқ бўлгин орtingда.
Эгарсиз қолгайсан саман отингда,
Ота-онанг дуосини олмасанг.

Ахир билолмайсан эртанг не бўлар,
Дардмандлар тузалиб, соғ юрган ўлар.
Хаётинг фунчаси очилмай сўлар,
Ота-онанг дуосини олмасанг.

Пайт бермай камаринг боғла, эй дўстим,
Яхши иш бошласанг ҳамроҳман ўзим.
Ўткинчи гавғолар гопмагай тўзим,
Ота-онанг дуосини олмасанг.

Аҳаднинг сўзидан шубҳага борма,
Сал оғирроқ ботса, кўнглингга олма.
Олисдан баҳт излаб бескорга толма,
Ота-онанг дуосини олмасанг.

ОНАМ МЕНИ КУТА-КУТА ЗЕРИККАН...

Оллоҳим умр бер ота-онамға,
Сабр бер гоҳида тушганда ғамга.
Шундогам мен учун қанча дард ютди –
Нопоклик юқмасин дея боламга.

Эртага баҳорнинг авжи сўнса ҳам,
Дарёларнинг эрка мавжи сўнса ҳам.
Остонаси олтин қаср керакмас –
Отам омон бўлсин, sog бўлсин онам.

Қадримни қаричлаб ўлчаб юрмадим,
Бахтимни бозордан излаб юрмадим.
Огзимдаги ошни илиб кетганда,
Дўстларим олчоқ, деб сўзлаб юрмадим.

Менга қерак эмас бироннинг рисқи,
Бут бўлсин ҳар кимнинг насиба қасби.
Отамнинг қўзига бир бор тик боқсан,
Онам оқшомлари чўчиб турмасми?

Тўгриси, чарчадим ортиқча юқдан,
Дўстгамас ишимга ошиқ шерикдан.
Ҳар кун Бухорога чақирар отам,
Онам мени кута-кута зериккан...

2009

ҚАРАНГА-А-А...

Тулки боласига насиҳат бериб,
Одамлар ҳақила уқтирад әди.
Эпласанг, тулкидек айёрлик қилгин,
Одамлардек тулки бўлмагин, деди.

ОНА

Дунсдан кечдим, мана,
Ёлғизман бугуң яна,
Құлим ишіга бормайди,
Сизни соғиндим, она.

Ёмон түшлар күраман,
Ёлғон түшлар күраман,
Бирдан саншиб тураман,
Сизни соғиндим, она.

Хар шому саҳарларда,
Юрганда хатарларда,
Мусоғир шаҳарларда,
Сизни соғиндим, она.

Дүстларим овутади,
Дилимни ёритади,
Дардимни аритади,
Сизни соғиндим, она.

Сүзлар мени алдади,
Күзлар мени алдади,
Қызлар мени алдади,
Сизни соғиндим, она.

Дейман Ақад, қайт әнди,
Бухорога айт әнди,
Бүёғи қисмат әнди,
Сизни соғиндим, она.

ИККИ ЎТ ИЧИДА ЯШАШДАН ТҮЙДИМ

Ўзгалар ҳаётин обод қилай леб,
Наҳот ўз умримни мен барбод қилдим.
Юракни сичқондек хотиралар сб,
Ўртада кўнгилни бемурод қилдим.

Хўш, айт-чи, нимани мен исбот қилдим,
Турмуш сценарийси ютворди мени.
Наҳотки, эртакни ҳаёт леб билдим,
Хўш, унда ўзимнинг ҳаётим қани?

Тилларинг учида яширдинг нени,
Менга асрраганинг бўсамасми ёр?
Кўзингдаги дардни англадим энди,
Қалбим даштларида тўлди қуммозор.

Мени ким тушунди Оллоҳдан бўлак,
Оллоҳдан бўлак ким менга қўл чўзди.
Ўзим учун ҳам мен яшашим керак,
Ким меснинг ҳалитдан гўримни қазди.

Бобом тушларимга кирап, хўмрайиб,
Отангга ёрдам бер, у ёлғиз дейди.
Мен эса гуноҳкор унга мунғайиб,
Икки ўт ичидан яшаашдан тўйдим.

Калаванинг учин йўқотиб қўйдим,
Консерва банкага ўхшайди миям.
Уни смай туриб ачитиб қўйдим,
Энди академик бўламан мен ҳам.

Чунки мансабталаб фанатлар мисол,
Бўлмаган гапилярдан қоғоз тўлдиридим.
Тирсагим остида йиглайди стол,
Минглаб ручкаларни бекор синдиридим...

2009

ҮЗИМГА НАСИХАТ

Авом ўткинчидир, мухлис бевафо,
Паҫайтирма илҳом ўтини, Аҳад.
Ижодни үлдирап кераксиз мақтов,
Қамчила камтарлик отини, Аҳад.

Аҳад, сен унутма, ҳали ирмоқсан,
Тарих оқимида битта тармоқсан,
Ёшликнинг ўтида бугун қайноқсан,
Унутма Яссавий байтини, Аҳад.

Кимлардир қўл бериб бошингни силар,
Ўзин доно билиб қадаминг санар,
Эртага пайт билиб оёқдан чалар,
Яқинлатма нокас зотини, Аҳад,

Ҳали йўл олдинда, манзил олдинда,
Ҳали чин олдинда, ҳазил олдинда,
Маҳмадона бўлма фозил олдида,
Кутгин сўйламоқнинг пайтини Аҳад.

Ўтган хатоларни ўйлама ҳадеб,
Эртанги қадаминг бос энди билиб,
Бир бола қирқ йилда йигит бўлар деб,
Ўтказма ҳаётнинг тотини, Аҳад.

Меҳнатдан устунмас, пул ҳам тилло ҳам,
Бахтнинг энг баланди келар сабрдан,
Үйғониш ҳам мумкин, ҳатто қабрдан,
Эл билса яхшининг қадрини, Аҳад.

Етарлича бўлди, ҳаёт дарслари,
Гарчи юрагингда севги дарzlари,
Қайтарсанг яхшилар берган қарзларин,
Топиб икки дунё бахтини, Аҳад...

2009

БУ ҲАЁТ БИЗ УЧУН НИМА, ОДАМЛАР...

Бу ҳаёт биз учун нима, одамлар,
 Синовми, жумбоқми ёки бир ўйин?
 Билмоққа қанчалар интилсанг ағар,
 Яшамоқ шунчалар туюлар қийин.

Бу дунё биз учун нима, одамлар,
 Зўрлар бўлиб олган кураш майдонми?
 Ноҳақ отасидан ранжир ўғиллар,
 Оналар қизига қараб ҳайронми?

Бу нафас биз учун нима, одамлар,
 Демак, биз борлиқнинг бир бўлагимиз.
 Бизга не самардир ганимат дамлар,
 Осмонни ёритсин тилакларимиз.

Бу юрак биз учун нима, одамлар,
 Ҳар лаҳза бўлингай минг бир бўлакка.
 Унинг хонишини тингласак агар,
 Руҳимиз учади қушдек фалакка.

Бу ёшлик биз учун нима, одамлар,
 Ким ҳам боса олгай юрак тафтини.
 Юзимизга ажин тушса ҳам агар,
 Яна согинамиз унинг атрини.

Муҳаббат биз учун нима, одамлар,
 Минг йиллаб кутамиз висол онини.
 Буни ишқ ўтида куйганлар билар,
 Севгидан яратмиш инсон жонини.

Гўзаллик биз учун нима, одамлар;
 Ким ҳам айта олгай ошиқлик сирин.
 Гоҳо сароб мисол турар жилвагар,
 Шунча кўп англайсан тушунган саринг.

Бу умр биз учун нима, одамлар,
Бу йиллар, бу кунлар, соат, минутлар.,
Канча ёқиб қанча ўнирдик шамлар,
Кимлар бизни эслар, кимлар унутар...

Бу кўнгил биз учун нима, одамлар,
Не учун чалинар диг торларимиз.
Кимнидир кўзига туширгай намлар,
Билмайин еттирган озорларимиз.

Бу йўллар биз учун нима, одамлар,
Олга юрсанг ортга қайтиш ҳам бордир.
Унга қараганда ўйланг ҳар сафар,
Бу ҳаёт йўллари жуда ҳам тордир.

Бу тақдир биз учун нима, одамлар,
Худо ёруг қилсин пепонангизни.
Ўксинманг устма-уст тушса ҳам ғамлар,
Доимо пок тутинг имонингизни.

Тириклик биз учун нима, одамлар,
Азиз сақламоқми дўстлар номини.
Яхшилик йўлида боғласак камар,
Ўшанда сезгаймиз ҳаёт тотини.

Бу шеърим сиз учун нима, одамлар,
Балким бир шунчаки кўнгил эрмаги.
Шу ерда сўзимни қиласам мухтасар,
Аҳаднинг бир тушлек ширин эртаги...

2008

ЙЎЛИНГ БЎЛСИН

Бирор кетидан юрма,
Ўзингнинг йўлинг бўлсин.
Сен пулнинг қуди бўлма,
Пул сенинг қулнинг бўлсин.

2009

КҮНГЛИМ

Беүн огрипасан сөзмайди бирөв,
Бир чора излабон охир мен күндім.
Ахир билолмайсан ким дүсту ким ёв,
Қүй әнди ўксима, ўксима күнглим.

Мен учун бегубор, софлигингча қол,
Жабрдидам менинг, бечора мунглим.
Хасратларинг бұлса, менга айтақол,
Қүй әнди ўксима, ўксима күнглим.

Мен ёлгиз әмасман, ким айтди сенға,
Дард менга уқадир, аламдир синглим.
Армон – вафодор дүст, ишонгин унга,
Қүй әнди ўксима, ўксима күнглим.

Сенға қараб юрәк қийналиб кетди,
Багрим ёниб борар түзим бер, Тангрим.
Азобинг менинг ҳам жонимдан үтди,
Қүй әнди ўксима, ўксима, күнглим,

Күзларимни юмсам сени құраман,
Нақотки, бу сенсан түшми ё ўнгим?
Нечун йиглаяпсан ҳолинг, сұрасам,
Қүй әнди ўксима, ўксима күнглим,

Дунё ишларидан ранжима бунча,
Мен бор изтиробим ичимга күмдим.
Сен ҳали мен учун энг нозик гунча,
Қүй әнди ўксима, ўксима күнглим.

БАЪЗИЛАР

Ошу нон берсанг агар,
Ошно бўлар баъзилар,
Нонингни еб, қонингга,
Ташна бўлар баъзилар.

Бир сўз демиш фозиллар,
Гуноҳларинг ёзилар,
Тузалмайди разиллар,
Бадкор бўлар баъзилар.

Кўзинг ёғин ялайди,
Кўйсанг, молинг талайди,
Ортингдан ўт қалайди,
Маккор бўлар баъзилар.

Сенинг номингни олиб,
Қорар гийбатга солиб,
Ўзи иснодга қолиб,
Расво бўлар баъзилар.

Душманга май тутқазар,
Жон дўстига гур қазар,
Ҳаромдан қилмас ҳазар,
Шайтон бўлар баъзилар.

Зарари кўп нафидан,
Қочгин булар сафидан,
Ёмонлиги дастидан,
Ғавғо бўлар баъзилар.

Эй Аҳад, сен алқаган,
Боғида қуш учмаган,
Икки дунё пишмаган,
Савдо бўлар баъзилар.

2008

МАЙДА ТАШВИШЛАР...

Отамни қаритган ҳам шу дард эди,
Онамни ҳориттан ҳам шу дард эди,
Менинг ҳам охири жонимни еди,
Дунёдан бездирап майда ташвишлар.

Баъзан қаро этар элда номингни,
Тупроқقا қоради азиз жонингни,
Одамдек ютмайсан бурда нонингни,
Рўзгоринг тўздирап майда ташвишлар.

Ёвдек кўрингандир қозон, товогинг,
Нафсингни қайирап тешик томогинг,
Ямаб бўлгунингча йиртиқ ямогинг,
Камингни сэздирарап майда ташвишлар.

Ўзни ўтга урдик йигитчилик деб,
Чўқقا оёқ босдик тириклилик деб,
На илож, кўпчилик, шерикчилик деб,
Йўлингдан оздирап майда ташвишлар.

Ўн гулидан бири очилмай туриб,
Гўёки илдизинг кетгандай қуриб,
Бир четдан жимгина индамай туриб,
Гўрипни қазлирап майда ташвишлар.

Минг зўрлар сафила бўлсин маконинг,
Хаммасин енгаман деган замонинг,
Эй Аҳад, Бухоро бўлса маконинг,
Дунёни кездирарап майда ташвишлар.

2009

ҚАДР ТОПМАСА

Тақдирдан норизо бүлмагин ҳеч ҳам,
Сен кутган маҳалда баҳтинг чопмаса.
Үз жонин минг ўтга ташлайди одам,
Агар ўз уйида қалр тонмаса.

У пайтда ўйламас дунё ташвишин,
Турмуш савдолари өзади тишин.
Ажратолмай қолар умрин ёз-қишин,
Инсон ўз уйида қадр топмаса.

Лаҳзалар ўтса-да, бир-бирин ўзиб,
Нажотсиз тентирар хаёли тўзиб.
Яшайди ҳаётдан умидин узиб,
Инсон ўз уйида қадр топмаса.

Кимсага айтолмай юрак дардини,
Чор атрофдан излар дўстнинг мардини.
Ўртанар, поклонмай кўнгил гардини,
Инсон ўз уйида қадр топмаса.

Бошга бир иш гушса, синов дейдилар,
Ким бардош беролмай бағрини тилар.
Ўзидан ўтганин ўзи ҳам билар,
Инсон ўз уйида қадр топмаса.

Яратган жонимиз қилғанда ато,
Толеда не бўлса ёзибди, ҳатто,
Негадир дўст-ёрдан излайди хато,
Инсон ўз уйида қадр топмаса.

2007

ЯХШИЛИККА...

Сен эртани кутиб яшама,
Эрта сени кутиб яшасин.
Замон учун қадам ташлама,
Замон сенга назар ташласин.

Баланд дема чўққиларни сен,
Юрагингда олов чақнасин.
Куличингни шундай очгин кенг,
Тута олгин жаҳон саҳнасин.

Ишонмагин чўпчакларга хўн,
Қонун қилма қўнгил нағмасин.
Йўл очмагин кўппакларга кўн,
Ялтоқлиги сенга юқмасин.

Бирор гаюр йўлингдан чиқиб,
Нега жимсан, сўйлагин, деса.
Овозини шундай ўчиригин,
Тилини кес қўлингдан келса.

Чунки баъзан битта нокас деб,
Азоб тортар бутун бошли эл.
Бундайларнинг тилини кесиб,
Яхшиликка боғлаш керак бел.

ДЎСТ

Бу дунёда ўтмайдиган дам борми, дўст,
Боқий ёниб ўтмайдиган шам борми, дўст.
Курашмасанг бу ҳастда там борми, дўст,
Бахту омал бирор йўлда жам борми, дўст.
Ўксима, гар бисотингда кам борми, дўст,
Бола-чақа ташвишидек гам борми, дўст.

КИМГАДИР ГУЛ НАСИБ, КИМГАДИР ТИКАН!

Худонинг ишларин ўйламай қўйдим,
Юрагимни ортиқ қийнамай қўйдим,
Билмайин сўйдим ман, билмайин кўйдим,
Нетайин дўстларим тақдирим экан,
Кимгадир гул насиб, кимгадир тикан!

Саҳронинг ичидан гунча излабман,
Йўқ экан бекорга ёниб сўзлабман,
Муҳаббат бор дея шунча излабман,
Кимгадир саҳро ҳам бўлди-ку Ватан,
Кимгадир гул насиб, кимгадир тикан!

Пешонам шу жоним, пешонанг шудир,
Иккимизга висол бўлмади тақдир,
Гуноҳимиз нима бизларни ахир,
Тош чиқди олтин леб кавлаган жойдан,
Кимгадир гул насиб, кимгадир тикан!

Мен ўзимни ўтда ёқдим, қоракўз,
Хижрон ларёсида оқдим, қоракўз,
Ҳаёт деб саробга бокдим, қоракўз,
Тушлар таъбирини билибман қайдан,
Кимгадир гул насиб, кимгадир тикан!

2009

ЎТГАН АСРИМИЗДА...

Ўтган асримизда машҳур шоирлар,
Шеърлар ёзар эли насиҳат қилиб,
Йигирма биринчи асрда ёшлиар –
Қоғоз қоралайди васият қилиб.

Дўстлар, буни бугун кўтармас дунё,
Ҳаёт ва ўлимнинг чорраҳасида,
Ўзимизга бир оз таибех бермоқни –
Ўргансак бўларди янги асрда.

2009

НЕЧУН СЕВГАНИМГА ИШОНМАЙСАН, ЁР?

Ваъдалар занжирин осиб бўйнингга,
Муҳаббатдан олов солдим қўйнингга,
Берухсат кирибман кўнгил уйингга,
Дил изҳор айласам тақрор ва тақрор,
Нечун севганимга ишонмайсан ёр?

Туну кун атрофинг шарпадек ўраб,
Пойингга бош этлим қалбингни сўраб,
Умрим ўтса ҳамки йўлингта қараб,
Сен учун яшайман бир ғарибдек хор,
Нечун севганимга ишонмайсан, ёр?

Васлинг учун яна нима қилай, айт,
Оҳҷарим етмаса, камлик қилса байт,
Жонимни тугайми ёки бундай иайт,
Фироқинг ластида юрагим бемор,
Нечун севганимга ишонмайсан, ёр?

Озоринг багримга отилган ўқдири,
Калбим ҳам кафтимда титраган чўғдири,
Армоннинг тафтига барлошим йўқдири,
Оёғим зир титрар бўйнимдадир дор,
Нечун севганимга ишонмайсан, ёр?

Лабидан сачраса сўнгги сўзларим,
Ишқ деб очик, кетса гирён қўзларим,
Аҳаддан ёдгордир қонли излари,
Энли ортга қайтмоқ унинг учун ор,
Нечун севганимга ишонмайсан, ёр?

НИЛУФАР

Икки құзинг иккита тузоқ,
Мени овлаш учун шайланган,
Икки қошинг иккита қилич,
Қотилу жаллодга айланган.

Киприкларинг товус патидек,
Товланади мени құрганда,
Тишларингдан құзим қамашар,
Лабларингни тұсмай кулганда.

О, Нилуфар икки яногинг,
Жоним олар, қаседи дудогинг,
О, Нилуфар сочимни сила,
Үлдирса ҳам майли бармогинг.

Мисли санъат шундай туришинг,
Мингта қизга армон юришинг,
Аҳад учун биттә жилмайгин,
Дунёда йўқ сенинг қулишинг.

Севдиму, лек унуголмадим,
Йўлларингни мен кутолмадим,
Тушларимга ҳар кун кирсанг ҳам,
Севаман, деб айта олмадим.

2009

ШАҲД ЎСИБ БОРАВЕРАР

Аждодларнинг шиддатли,
Қадамлари зарбидан.
Шаҳд ўсиб бораверар,
Авлодларнинг қалбида.

ЭСЛАРМИКАНСАН?!

Кунлар, ойлар ўтиб, ўтганда йиллар,
Бир-бирин унутса юраклар диллар,
Эртага кўмилса биз юрган йўллар,
Ўшанда сен мени эслармикинсан,
Суйганим қайда деб излармикинсан.

Осмондан учса гар бир ёруг юлдуз,
Юрагинг гаш тортса кечаю кундуз,
Кимсасиз тор уйда қолганда ёлғиз,
Ўшанда сен мени эслармикинсан,
Суйганим қайда деб излармикинсан.

Болангга эртаклар сўйлаётганда,
Бахтиёр чоғларинг ўйлаётганда,
Қалбингни нимадир қийнаётганда,
Ўшанда сен мени эслармикинсан,
Суйганим қайда деб излармикинсан.

Кимдир келиб сенга тасалли берса,
Охир паймонаси тўлибди, деса,
Эшиздингми, Аҳал ўлибди, деса,
Ўшанда сен мени эслармикинсан,
Суйганим қайда деб излармикинсан.

Кунлар, ойлар ўтиб, ўтганда йиллар,
Бир-бирин унутса юраклар диллар,
Эртага кўмилса биз юрган йўллар,
Ўшанда сен мени эслармикинсан,
Суйганим қайда деб излармикинсан.

2009

ЭҢГ БИРИНЧИ СЕВГИМ ЎЗИНГ...

Эңг биринчи севгим ўзинг, баҳтим ўзинг,
Эңг биринчи фуссам ўзинг, дардим ўзинг,
Эңг биринчи меҳрим ўзинг, қадрим ўзинг,
Иккинчи бор яна кўнгил беролмадим,
Иккинчи бор ўзга ёрни севолмадим.

Сен учраган барча йўллар бугун ҳасрат,
Сен учраган ёруг лиллар бугун зулмат,
Қайтиб келмас экан, дўстлар, илк муҳаббат,
Иккинчи бор яна кўнгил беролмадим,
Иккинчи бор ўзга ёрни севолмадим.

Юзим ўша, кўзим ўша, сўзим бошқа,
Кўнглим ўша, йўлим ўша, изим бошқа,
Севгим ўша, қалбим ўша, ўзим бошқа,
Иккинчи бор яна кўнгил беролмадим,
Иккинчи бор ўзга ёрни севолмадим.

Гўзалларнинг хушомади ёқмайди ҳеч,
Кўнглим сендан бошқасига боқмайди ҳеч,
Яшаш керак десам ҳамки уқмайди ҳеч,
Иккинчи бор яна кўнгил беролмадим,
Иккинчи бор ўзга ёрни севолмадим.

Ошиқ Аҳал сендан кўнгил узолмайди,
Ўзи қурган ишқ қасрини бузолмайди,
Яна қайтиб ишқ фаслини тузолмайди,
Иккинчи бор яна кўнгил беролмадим,
Иккинчи бор ўзга ёрни севолмадим.

2009

ҚАЙТИШИНГ РОСТ-КУ...

Кимлар ишқимизни ёлғонга йўйди,
Айрилиқ жабрини осонга йўйди.
Бизни телбаларга чиқариб қўйди,
Ахир сенинг бир кун қайтишинг рост-ку,
Менга дил розларинг айтишинг рост-ку.

Йилларки қалбимда севгинг авайлаб,
Кўксимга тиф санчум кўп бор атайлаб.
Юрагимда азиз исмингни асраб,
Бедорлик азобин ютганим рост-ку,
Фақат, фақат сени кутганим рост-ку.

Майли-да, ишонсанг ишонмасанг-да,
Мен учун ёнсанг-у ё ёнмасанг-да.
Аҳдингдан ўзгани деб тонмасанг-да,
Мени тушларингда кўрганинг рост-ку,
Йўлимда интизор турганинг рост-ку.

Ўйлама, бутунлай мендан кечли деб,
Қасамларин нечун ёлғон ичди деб.
Дилдаги мухаббат ёили учди деб,
Ўз жопингни ўзинг қийладинг, рост-ку,
Алдасанг, ўзингни алладинг, рост-ку.

Қўявер, бўлмагин хәёлларингни,
Эртага асраб қўй саволларингни.
Бўли, унут ёили, заволларингни,
Қисмат ҳам бир синаб қийнади, рост-ку,
Биз билан ёрмакка ўйнади, рост-ку...

СОГИНАСАН...

Согинасан, ҳали ёмон согинасан,
Қачонгача ёлғонларта сиғинасан,
Нишонини тополмаган камоң бўлиб,
Найза каби мен томонга отиласан.

Кўникасан, менсизликка кўникасан,
Суратимдан кўз узолмай тикиласан,
Пушаймондан туплари қон ютиб-ютиб,
Тушларингда исмим айтиб чақирасан.

Чўмиласан, армоңларга чўмиласан,
Гўдак каби юлдузларга термуласан,
Гуноҳларинг азоб сочиб қайтганида,
Саволларга кўмиласан, кўмиласан.

Булутларга ёлворасан, ёлворасан,
Дардларингни шамолларда совурасан,
Ховурини босолмаган тентаккинам,
Согинасан, ҳали ёмон согинасан...

Ўз қалбинги билмам қандай ёритасан,
Тонгни кутиб юрагингни чиритасан,
Синган умид, қалаҳ каби қўлни йиртар,
Оқшомлари бармоқ тишилаб қон ютасан...

Остонангда қул бўйай деб ялинасан,
Саҳро каби хаёлтмини чангитасан,
Муҳаббатда бир сиповни сенголмадинг,
Маглуб бўлдинг бу ҳаётпинг жангидасан...

Сен эртага билмам қандай овунасан,
Ёш жонингни қизиқ қонга қовурасан,
Бир бор кўрсам бўйди өли Аҳадни деб,
Согинасан, ҳали ёмон согинасан...

КЎНГЛИНГИЗГА ОЛМАНГ ХАТОЛАРИМНИ...

Қадрингиз билмаган ёмон ўзимман,
Раңжитган ношудман, нодон ўзимман,
Ўз ҳолига ўзи ҳайрон ўзимман,
Кўнглингизга олманг хатоларимни...

Кечиринг, мен телба савдоини сиз,
Майли, беринг жоним жазоимни сиз,
Бу дунёда кимман, айтинг, сизнингсиз,
Кўнглингизга олманг хатоларимни...

Сиз хафа бўлсангиз, кулай қандайман,
Сиз йиглаган куни мен ҳам хафаман,
Мен ҳам бандаман-да, фариштамасман,
Кўнглингизга олманг хатоларимни...

Биласиз-ку дарров ёниб ўчаман,
Баъзида кимгалир заҳрим сочаман,
Ахир сиздан тониб, қандай кечаман,
Кўнглингизга олманг хатоларимни...

Мен ҳам сизни сиздан қамроқ севмасман,
Оддий ошиқ бўлсан, қози эмасман,
Мен деб йигласангиз, рози эмасман,
Кўнглингизга олманг хатоларимни...

Ҳеч нарса ўзгармас, ичсам ҳам қасам,
Ўзим қийналяпман сизга қарасам,
Нима қилай, ахир, ўзгаролмасам,
Кўнглингизга олманг хатоларимни...

Бу охиргиси деб алдагим келмас.
Юрагим бир сиздан ўзгани лемас,
Бирор бошқа йўлин қилинг-ла, хуллас,
Кўнглингизга олманг хатоларимни...

БОРИМ ШУ...

Юрагингиз занжирлаб,
Қалбимга кирма, дейсиз,
Ранжитмадим атайлаб,
Борим шу, нима дейсиз.

Шартакиман, шаддодман,
Ёлғончиликдан ётман,
Хафа қилдим наҳот – ман,
Борим шу, нима дейсиз.

Айтай бир ҳақиқатни,
Хушламам, хиёнатни,
Билмайман хушомадни,
Борим шу, нима дейсиз.

Онам шундай ўргатган,
Минг хил товланма, деган,
Шүхлик отамдан ўтган,
Борим шу, нима дейсиз.

Қизларга қарасам бас,
Юракда бошланар рақс,
Бу енгилтаклик эмас,
Борим шу, нима дейсиз.

Не бўлар бир йилдан сўнг,
Кўнмасангиз, кўча кенг,
Қуюларман тўйдан сўнг,
Борим шу, нима дейсиз.

Аҳаднинг гамин еманг,
Уни хато тушуманг,
Фақат, ўзгаринг, деманг,
Борим шу, нима дейсиз.

2009

ҲАЗИЛ-ҲАЗИЛ БИЛАН...

Ҳазил-ҳазил билан кўришиб қолдик,
Ҳазил-ҳазил билан танишиб қолдик,
Мос чиқиб қолдик-да бир-бири мизга,
Ҳазил-ҳазил билан севишиб қолдик.

Бўлди ёнди, жиддий бўламиз дедик,
Иккимиз ҳам буни эплай олмадик,
Яширмалик асло дил сиримизни,
Менимча, иккимиз хато қилмадик.

Ҳазил-ҳазил билан исмини билдим,
Ҳазил-ҳазил билан қўнгироқ қилдим,
Мени ҳам таништир онант билан деб,
Ҳазил-ҳазил билан уйига бордим.

Битта ҳазил ганим тўйга айланди,
Тақдирнинг ҳазили менга аталди,
Нима бўлганда ҳам баҳтимни топдим,
Охири ҳазилим чинга айланди.

Ҳазил-ҳазил билан онамга айтдим,
Айтдим-у шу кундан балога қолдим,
Дўстларим, Аҳадни тўгри тушунинг,
Ҳазил-ҳазил билан уйланиб олдим.

2009

ДУШМАНЛАРИМ ХУРСАНД БЎЛСИН ДЕБ

Душманларим хурсанд бўлсигин деб,
Гоҳида йиқилиб тураман.
Жондўстларим ваъдасин синааб,
Магрур бўйим эгиб тураман...

СИЗНИ СЕВАМАН

Дунёни қирқ марта дайдиб келаман,
Бир күн ённингизга қайтиб келаман.
Сиз учун ҳар қандай азобни енгиб –
Нима бўлганда ҳам сизни севаман.

Ўйламанг, ёш ўтар фасли баҳорим,
Ҳуснимни йўқотсан, йўқотсан борим.
Мендан бошқасини танлайди ёрим –
Нима бўлганда ҳам сизни севаман.

Юракдан бутунлай юлиб ёлғонни,
Ёлғон хаёллар-ла қийнаманг жонни.
Азизим, кўнгилдан ҳайданг гумонни,
Нима бўлганда ҳам сизни севаман.

Тушларимга кирган юзни севаман,
Мен учун аталган сўзни севаман.
Менсиз яшолмаган қизни севаман,
Нима бўлганда ҳам сизни севаман.

Ўпидардоқлайман изларингизни,
Гулларга тўлдургум кўзларингизни.
Аҳадга узатинг кўлларингизни,
Нима бўлганда ҳам сизни севаман.

2009

СЕВГИ ДЕБ...

Айрилигу ҳижрон нафратдан гўзал,
Бедорлик ишратдан, гафлатдан гўзал.
Севги деб ҳар лаҳза қон тунурсам ҳам,
Бу азоб минг бигта роҳатдан гўзал.

2009

ЙИГИРМА ЙИЛ ЎТСА ҲАМ...

Сен эртамизни ўйлаб,
Фам смагин, азизам.
Хозиргидек севгайман,
Йигирма йил ўтса ҳам...

Илк бор учатганимдек,
Хайрат билан қарайман.
Ўзгармаслигим аниқ,
Йигирма йил ўтса ҳам...

Ҳар кун севаман дейман,
Сенинг гамингни ейман.
Ҳеч қачон ранжитмайман,
Йигирма йил ўтса ҳам...

Ёзиб ҳам бергум тилхат,
Натариусдан печатлаб.
Қалбим – бу сертификат,
Йигирма йил ўтса ҳам...

Бузилганда қоматинг,
Кетганда ҳам омадинг.
Содик қолгай Аҳадинг,
Йигирма йил ўтса ҳам...

УЙГОНИШДАН ҚЎРҚАМАН

Ҳар тонг кўз очмай туриб,
УЙГОНИШдан қўрқаман.
Аввал туйгу кейин орзу,
Кейин қайту.
Бунга сабаб, фақат севги,
Фақат севги...

СОЧЛАРИНГ САВДОСИ...

Сочларинг савдоси ўлдирап, Раъно,
Нозларинг favгоси ўлдирап, Раъно,
Суҳбатинг мавжида маст сузар руҳим,
Сўзларинг дарёси ўлдирап, Раъно.

Ўлдиради мени қилич қоматинг,
Мендан ошиқларинг сенинг омадинг,
Сени деб гул терсам, нега олмадинг,
Шартларинг биноси ўлдирап, Раъно.

Гилослар лабингдан хижолатдадур,
Юлдузлар кўзингдан шикоятдадур,
Тану жон ортингдан итоатдадур,
Тушларим маъноси ўлдирап, Раъно.

Айтган бу сўзларим ёлғонми ё айт,
Ботир Зокировга учровдинг қай пайт,
У-ку ўлиб кетди, менгами наўбат,
Ошиқлик жазоси ўлдирап, Раъно.

Бармогинг учида жонимни олгин,
Кулгинг жараангила жонимни олгин,
Майли Азройилнинг ўрнига келгин,
Йўқса, дил садоси ўлдирап, Раъно,
Кўнгиллар вилоси ўлдирап, Раъно.

Севгинг кўймаганинг қўйдирап, Раъно,
Шартларинг жонимдан тўйдирап, Раъно,
Бир боқиб оромим ўтиргаган гул,
Чиройинг суймаганинг суйдирап Раъно.

2009

СЕВИБ ҚОЛДИМ

Буни қандай,
Сезиб қолдим.
Сени жондай,
Севиб қолдим.

Фамга тұлиб,
Телба бұлиб,
Бир бор күриб,
Севиб қолдим.

Ишқ – бу ханжар,
Жонга санчар,
Дилни янчар,
Севиб қолдим.

Пешонам шүр,
Йұлларим тұр,
Күзларим күр,
Севиб қолдим.

Күлим титрап,
Тилим титрап,
Дилим титрап,
Севиб қолдим.

Севиб қолдим,
Сени қайдан,
Күриб қолиб,
Сураттандан...

2009

ДАВРИ КЕЛІСА...

Әншіакининг даври келса,
Оғыя� тениб ўтар,
Бу ҳам қамлинк қынғандай,
Ханграйверади баттар...

ҚҮЙМАДИНГИЗ, ҚҮЙМАДИНГИЗ-ДА

Сизга қанча меҳрим берсам ҳам,
Түймадингиз, түймадингиз-да.
Энди фақат мен си зин дейман,
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.

Муҳаббат излайсиз кўзимдан,
Қолманг дейсиз жоним ўзимдан.
Шарпадек кезасиз изимдан,
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.

Хоҳланг йиглаб, хоҳланг куламан,
Сиз истаган ошиқ бўламан.
Севиш керак бўлса, севаман,
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.

Фарқи йўқдир, ҳазилми чинми,
Энди танлаб бўлдим мен сизни.
Олай энди бир кўшилингизни,
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.

Бўлди, етар, хавотир олманг,
Қалбингизни шубҳага солманг.
Сизга рухсат ортимдан қолманг,
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.

Кўкдан юлдуз узиб бераман,
Ғам деворин бузиб бераман.
Ҳатто, шеър ҳам ёзиб бераман,
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.

Биласиз-ку менинг кимлигим,
Эҳтиросга дарров берилгум.
Севги деса, жуда бўш кўнглим,
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.

БУХОРОЧА МУҲАББАТ

Бизнинг юртда ёшлар асли шўх бўлади,
Қизларининг кўзи тундек тим бўлади.
Бухорода севги шарти бошқачадир,
Бухороча муҳаббатни ким билади.

Уйланади йигит қизни кўрмай туриб,
Қиз ҳам кўнар қаллигини билмай туриб.
Ўз баҳтига ишонади севмай туриб,
Бухороча муҳаббатни ким билади.

Сиз сўрарсиз қаламқошлар нархи қанча,
Азим шаҳар бўйи баланд анча-мунча.
Келинни сиз кўролмайсиз тўй ўтгунча,
Бухороча муҳаббатни ким билади.

Оилалар бир-бирини билса, бўлди,
Тўйдан кейин бирга баҳтли бўлса, бўлди,
Ўн-ўн беш йил ўтиб, кейин севса, бўлди,
Бухороча муҳаббатни ким билади.

Ким билади Шоғирконча одатларни,
Фижлуонча улфатларни, овқатларни.
Тўй кечаси синашади омадларин,
Бухороча муҳаббатни ким билади...

НЕГА ЙИҒЛАЙСИЗ, ОНА...

Мен баҳтлимсан,
Нега йиглайсиз, она!
Дардиям ҳаммага бермайди Худо.
Бахтим – шу дардим-да, лардим – баҳтим-да,
Бутун юрт ортимдан қилянти дуо.

Юрт илдамламоқда чўққилар сари,
Карвон қалам ташлар олдинга қараб.
Мени леб шу Ватан дардидан ариб –
Бир қалам олдинда юрса не ажаб.

2009

АЙТДИМ ҚҮЙДИМ-ДА

Рашқу аразларингдан,
Нетай түйдим-да.
Хафа бўлмагин мандан,
Айтдим қўйдим-да.

Сен чиқарсанг жаҳлимни,
Йўқотаман ақлимини,
Ростга йўйма гапимни,
Айтдим қўйдим-да.

Дарров тушун кўнглимни,
Богламайн йўлимни,
Биласан-ку феълимни,
Айтдим қўйдим-да.

Бу менга одат эмас,
Бу сенга тоқат эмас,
Асло ҳақорат эмас,
Айтдим қўйдим-да.

Ахир, севганим рост-ку,
Ахир, бу менга хос-ку,
Биринчи мартамас-ку,
Айтдим қўйдим-да.

СЕВГИ ГЎЗАЛ ТУЙФУ...

Севги гўзал туйгу, чиройли туйгу,
Уни сенга бердим, уни асра сен.
Севги гўзал уйқу, чиройли қайгу,
Уйғотдим, баҳтли у, ол. авайла сен.

Муҳаббаг қадрини билган ошиқлар,
Бир кун баҳтин тоигай, у гўзал жуфтлик.
Уларга аталгай минглаб қўшиқлар,
Юраклари асло бўлмагай дардлик.

2012

СЕВСАНГ-СЕВМАСАНГ

Билсанг-бильмасанг,
Келсанг-кельмасанг,
Менга барибир,
Севсанг-севмасанг.
Сүра күзгудан,
Сүйлар бир сирдан.
Лабда бүёгинг,
Мани қонимдан...
Ичсанг-ичмасанг,
Кучсанг-кучмасанг,
Менга барибир,
Кетсанг-кетмасанг...
Яна айтаман сенга,
Бунчалар гумон нега,
Севгилим ишон менга.
Кутсанг-кутмасанг.
Жонингта-жон бўламан,
Сен деб йиглаб-куламан,
Дарилларингни оламан,
Билсанг-бильмасанг.
Бузмай эски қасамни,
Ўйлаб ҳар бир қадамни,
Бажараман ваъдамни,
Келсанг-кельмасанг.
Йўлларимни кут мани,
Қўлларимдан тут мани,
Гуноҳимдан ўт мани,
Айтсанг-айтмасанг.
Армонларни бошлатмай,
Юрагингни гашлатмай,
Кўзларингни ёшилатмай,
Қайтсанг-қайтмасанг.
Айтсанг-айтмасанг,
Қайтсанг-қайтмасанг,
Менга барибир,
Кутсанг-кутмасанг.
Сўра кўзгудан, сўйлар бир сирдан...

2009

МЕНИ ИЗЛАГИН

Камалакнинг айвонларидан,
Юрагимнинг осмонларидан.
Ошиқдарнинг маконларидан,
Мени излагин...

Тополмасанг у ердан ҳам,
Фам емагин, фариштагинам.
Манзилимни сўраб ўзимдан,
Мени излагин...

Ишонмайин ёлғонларга сен,
Ўрин берма гумонларга сен.
Ёлғиз бориб вайронларга сен,
Мени излагин...

Биттагина йилт этган учқун,
Алангага айланар бир кун.
Ёлғон дунё этмаса мафтун,
Мени излагин...

Демасман, пул тиллони изла,
Ғавғо ковлаб, балони изла.
Ҳаётингга маъноти изла,
Мени излагин...

БОҒБОН КЎПАЙДИ

(Э.Воҳидовга)

Орзуни кўп қиллим, армон кўпайди,
Маслаҳат ош қиллим, нодон кўнайди.
Ер очдим, сув келти, кейин баг бўлди,
Мевага киргандга боғбон кўпайди.

ГУЛИРАЊО

Нигоҳларинг дунё, дунё,
Қарашинг бир маъно, маъно.
Сўзларинг кўн доно, доно,
Гулирањо, Гулирањо.

Ишқингда мен ўзим адо,
Жамолинингга этдинг шайдо.
Йўлларингта бўлдим пайдо,
Гулирањо, Гулирањо.

Дардимга бўл ўзинг даво,
Сочгин богим ичра зиё.
Сенсан гуллар ичра танҳо
Гулирањо, Гулирањо.

Сен гул, мен булбулигўё,
Ҳаётимга бўлгин маъно.
Қалбимга ўзингсан подшо,
Гулирањо, Гулирањо.

БИЛДИМ...

Билдим, бу қуранда ҳеч ким ютмайди,
Буни йўл ярмида тушундим, она.
Ўйиннинг бошидан жонимни тикдим,
Билмам, мендан нима истарлар яна.

Ҳаётнинг раиглари кўринмай қолди,
Ит ва отнинг изи қўшилиб кетган,
Ўз-ўзимни излаб чарчадим, толдим,
Дунё – ҳақиқатнинг бошига етган...
Қизик!

Ўйиннинг бошидан боримни тикдим...

2009

НИМАДИР ЕТМАЯПТИ

Умид сенга ишониб,
Кунларим ўтмаяпти.
Яшай десам қувониб,
Нимадир етмаяпти.

Мұхаббатми, омадми,
Хақиқатми, ҳикматми.
Үз қонимдан шарбатми,
Нимадир етмаяпти.

Вақт мени кутмаяпти,
Тонгларим отмаяпти.
Үзинг қутқар, эй Оллох,
Нимадир етмаяпти.

Арслондек ўқираман,
Хаммани чақираман.
Дунёни санқираман,
Нимадир етмаяпти.

Хислар мени әплолмас,
Бир нүктага түплолмас.
Тарих жавоб тополмас,
Нимадир стмаяпти.

ЁЗЯПМАН

Ёзяпман,
Ёзяпман, ёзяпман!
Севги деб ақұлдан озяпман.
Биргина висолға стай деб,
Ошиқтар китобин тузяпман.

Ёзяпман!
Бузяпман, тузяпман.
Гоҳ дарё, гоҳ сахро кезяпман.
Излаганим қачоңдир тонгум,
Ишонинг, сезяпман, сезяпман...

ЎЗИНГГА ЎХШАГАН СИНГЛИНГ ЙҮҚМИКИН

На илож, ўзгани танлабсан бугун,
Менда ҳам озгина қўнглинг йўқмикин.
Менга учрамадинг аввалроқ нечун,
Ўзингга ўхшаган синглинг йўқмикин.

Не дердим, баҳтли бўл, аҳдли бўл, дейман,
Яна дилда бир оз севгинг йўқмикин.
Тўйингга боролмай, жонни қийнайман,
Ўзингга ўхшаган синглинг йўқмикин.

Менга ўхшагани ягона дейсан,
Мендек ошигингга раҳминг йўқмикин.
Кўксим осмонида юлдузсан, ойсан,
Ўзингга ўхшаган синглинг йўқмикин.

Айтмасман уни қўй, мен билан бўл деб,
Юракни алдашнинг йўли йўқмикин.
Ўшани севардим сени унутиб,
Ўзингга ўхшаган синглинг йўқмикин.

Эртакка ишонмас эди-ку Аҳад,
Уни овутгали сеҳринг йўқмикин.
Кўигилда биргина орзуим фақат,
Ўзингга ўхшаган синглинг йўқмикин.

ОЙЛАР

Декабрь,
Январь, Февраль...
Баҳорни согиндим, баҳорни.
Март, Апрель,
Май ҳилидай гўзал –
Ёмғирни согиндим, ёмғирни...

Сентябрь, саргайди сочим,
Ойлар, мендан олмоқда ўчин.
Бирор фасл хунламас нетай –
Мен баҳорни севганим учун...

ОҚ ЛИБОСДА УЧИБ КЕТДИНГ ОҚҚУШДЕК

Айрилиқ ҳеч ором бермайди жонга,
Ширин тушни бугун йўйдим ёлгонга.
Ўз жуфтини топиб сархуш осмонга,
Оқ либосда учеб кетдинг оққушдек.

Кечаги баҳтимни өслайман тушдек,
Хотиралар дилга санчилар нишдек.
Мен тупроққа, сен осмонга бўлишдик,
Оқ либосда учеб кетдинг оққушдек.

Фалакларнинг қўнғирогин чалдириб,
Сийганингнинг қучогини тўлдириб.
Мен фарибни шундай ёлғиз қолдириб,
Оқ либосда учеб кетдинг оққушдек.

Кўкнинг етти дарвозаси очилди,
Никоҳ учун минглаб қасам ичилди.
Тил учида менга кафан бичилди,
Оқ либосда учеб кетдинг оққушдек.

2009

СЕНГА УЙЛАНОЛМАЙМАН...

Сенга уйланолмайман...
Кутганим билан,
Севганим билан,
Софинганим билан.

Сенсиз яшолмайман...
Йилда бир кўрмасам ҳам,
Йўлларингда турмасам ҳам,
Холинг не деб сўрмасам ҳам.

Сени унутолмайман...
Сендан гўзаллар кўп бўлса-да,
Йўлларимда зор турса-да,
Мен учун минг қайгурса-да.
Сендан нимадир кутиб, сени кутмайман...

НАСИБАМ

Ой тўлган оқшомда ойдек тўлмайин,
Ўзганинг багрида сўлдинг, Насибам.
Пешонамда ёзган баҳтим бўлмайин,
Бошқага насиба бўлдинг, Насибам.

Афсус, ёлғонларга кетдинг, чингамас,
Нечун йўлни чапга бурдинг, ўнггамас.
Менга кўнгил бериб, жоним, менгамас,
Бошқага насиба бўлдинг, Насибам.

Ўзим исёнкорман, ўзим исёнман,
Қаширгочлари тарк этган айвонман.
Ҳамон тушунолмай лолу ҳайронман,
Бошқага насиба бўлдинг, Насибам.

Насибам, юракка ошно бўлди ғам,
Насибам, сени деб кўзларимда нам.
Насибам, ўшандан менинг нимам кам,
Бошқага насиба бўлдинг, Насибам.

Ёмон тушларимни этиб кетдинг, рост,
Арzonга номусин сотганларга хос.
Ўзингга ё мени билмадингми мос,
Бошқага насиба бўлдинг, Насибам.

Ой тўлган оқшомда ойдек тўлмайин,
Ўзганинг багрида сўлдинг, Насибам.
Пешонамда ёзган баҳтим бўлмайин,
Бошқага насиба бўлдинг, Насибам...

ТИЛЛО УЗУК

Тилло узук, гапир энди тилло узук,
Бузилдими тақдир энди тилло узук,
Гувоҳ бўлдинг бугун ёлғон никоҳга сен,
Тўй ўтдими, ахир энди, тилло узук.

Тилло узук, ўзи менга аталгандинг,
Қўлларимга сиртмоқ бўлиб қадалгандинг,
Бошқа қўлда қандай қилиб баҳт топасан,
Алам қилмайдими энди алданганинг.

Тилло узук, гапир энди, тилло узук,
Тешилдиқу бағир энди, тилло узук,
Ўша қизга севгимизни эслатиб тур,
Кўришмаймиз хайр энди, тилло узук.

Хаёл бўлди, баҳтим мани хаёл бўлди,
Савол бўлди, бугун умрим савол бўлди,
Кечагина ўз бағримла кулган у қиз,
Энди ўзга қучогида аёл бўлди.

Тилло узук, гапир энди, тилло узук,
Иккимизга оғир энди, тилло узук,
Ким учраса, баҳтли бўл, деб қўл қисардим,
Баҳтсиз қолдим охир энди, тилло узук.

Ёниб турган кўзчаларинг ёқутданми,
Марваридми ёки кумуш ё дурланми,
Мен ўчимни кимдан олай айтгин энди,
Севғиданми ёки сендан, тақдирданми?

Тилло узук, гапир энди, гапир энди,
Нега жимсан, сўзлолмасанг жим тур энди,
Бориб айтгил, ўша юзсиз беномусга,
Баҳтин топсин Аҳадга барибир энди.

ЎЛГАН СЕВГИМИЗНИ ҚАЙГА КҮММАМАН...

Кўзимда нима айб, мен кутган бўлсам,
Тилимда нима айб, мен айтган бўлсам,
Юракни қийнама, унинг айби йўқ,
Дилимда нима айб, мен севгандар бўлсам?!

Кечир, гуноҳ бўлса сени куттаним,
Севаман деб қайта-қайта айтганим,
Кечир, тушларингга кирганим учун,
Кечир, гуноҳ бўлса, сени севганим.

Бўйинингдан занжирдек очилиб кетдим,
Тунроққа маржондек сочилиб кетдим,
Пойингта тиз чўқдим гуноҳим не деб,
Боқмадинг, пойингда янчилиб кетдим.

Ёмирин тўқолмай булут хўрсинар,
Қоялар бағридан бургут хўрсинар,
Ўлган севгимизни қайга кўмаман,
Юракка тор келиб тобут хўрсинар.

Кўзларим ҳар йўлдан сени пойлайди,
Ҳаёлим тилимда исминг чайнайди,
Бир лаҳза жаҳлидан тушолмас юрак,
Қирқ бир даражада қоним қайнайди.

Аҳад девонасан, Аҳад телбасан,
Тунроққа, нима айб, уни тепасан,
Ҳаммасин тушуниб ўзи келади,
Бахтинг керак бўлса, бир оз кутасан.

Кўзимда нима айб, мен кутган бўлсам,
Тилимда нима айб, мен айтган бўлсам,
Юракни қийнама, унинг айби йўқ,
Қалбимда нима айб, мен севгандар бўлсам?!

2009

ГАП БҮЁҚДА ЭКАН-ДА

Кутмаган эдим сандан,
Күнглинг йўқмиди манда.
Ўзгасин севаркансан,
Гап бўёқда ёкан-да.

Индамай писиб юриб,
Гўёки қалбинг бериб.
Кетдинг-ку юзинг буриб,
Гап бўёқда ёкан-да.

Шунаقا ҳам соддами-ей,
Ҳеч нарса сезмабман-эй.
Ёмон чиқдинг-ку сен-эй,
Гап бўёқда ёкан-да.

Аҳду паймоилар қани,
Кўзлагандинг нимани.
Қўрқитиб қўйдинг мани,
Гап бўёқда ёкан-да.

Иккита йигитни бирдан,
Балиқдек иллинг тўрдан.
Қойил қолдирдинг, зўрсан,
Гап бўёқда ёкан-да.

Қовушмай гапинг гапга,
Чалингандек бир дардга.
Ўтибсан хиёнатга,
Гап бўёқда ёканда.

ШАББОДА

Шаббода майин эсса,
Уни шамол демайман.
Севгим бир келиб кетса,
Уни висол демайман.

Дилга баҳт йўлламаса,
Бир яшнаб гулламаса.
Орзуга ўрамаса,
Уни баҳор демайман.

Дунё гамин смайман,
Семаганни севмайман.
Чорламаса келмайман,
Ишқни хаёл демайман.

Дилга дардинг юклама,
Керак пайтда ухлама.
Биламан, ноз реклама,
Сени маккор демайман.

Демайман, йўқ демайман,
Мен томон боқ демайман.
Дилга ўт ёқ демайман,
Менга бўл зор демайман..

Учса ҳам самолётлар,
Бўшаса аэропортлар.
Кемасиз қолса портлар,
Сенам йўқол демайман.

Кечиргин мен телбани,
Таблетка деб тугмани.
Тугма дейман тангани,
Бу бир мисол демайман.

Шеърдан тўлган дискетам,
Оёқда ипсиз кетсам.
Бўм-бўш бўлса ҳам киссам,
Аҳад ночор демайман.

БИЗГА ҲАЛИ БОР ЭКАН...

Бой күёвга бой келин,
Бир-бирига зор экан.
Орзу қилдиму лекин,
Бизга ҳали бор экан.

Юрдим ижод йўлида,
Гоҳи гулзор гоҳ тикан.
Шоҳ Машрабга етишга,
Бизга ҳали бор экан.

Навниҳолман ингичка,
Мени қўлла, эй Ватан.
Сенга **УСТУН** бўлишга,
Менга ҳали бор экан.

Ҳавас барибир яхши,
Ҳасад ўлдирап экан.
Оғир машҳурлик тоши,
Менга ҳали бор экан.

Ҳамма ёғинг бут бўлиб,
Даврон сурсанг, зўр экан.
Тиришсам-ла интилиб,
Менга ҳали бор экан.

Бой күёвга бой келин,
Бир-бирига зор экан.
Орзу қилдиму лекин,
Бизга ҳали бор экан...

2009

ИЖАРАДА

Шундоқ ён хонамда яшайди бир қиз,
На йиглар, на кулар дилин очмайди.
Ўйлайман, гул умри ўтяпти эсиз,
Тўртинчи қаватда чироқ ўчмайди...

Ўқиши тугатди уч ой муқаддам,
На ишлар, на бирон ёққа кўчмайди.
Уни қийнамоқда билмадим не фам,
Тўртинчи қаватда чироқ ўчмайди...

Эртага қишлоққа қайтаман афсус,
Сўнг яна ўйлайман кетиш қочмайди.
Мен бедор, у бедор иккимиз ёлғиз,
Тўртинчи қаватда чироқ ўчмайди...

Деразадан кузнинг нафаси келар,
Дайди хаёлларим қайга учмайди.
Ёнига бораман не бўлса бўлар,
Тўртинчи қаватда чироқ ўчмайди...

Нима, нари борса уйланаманда,
Йигит сўз бердими қасам ичмайди.
Фақат мени дейди у, биламанда,
Бўлмаса бу ердан нега кўчмайди...

Эртага августнинг охирги куни,
Хўжайнинга ҳеч ким эшик очмайди.
Қандай тўлаймиз-а ижара пулни,
Тўртинчи қаватда чироқ ўчмайди...

Ростдан севаманми ГУЛИни ёки,
Мен излаган қизга жуда ўхшайди.
У агар мен билан бўлмасдан токи,
Тўртинчи қаватда чироқ ўчмайди...

2008

БУНИ СЕВГИ ДЕЙДИЛАР...

Кимлар севиб күйдилар,
Ишонмай ҳам қўйдилар,
Бу ҳаётmas, бу тушмас –
Буни севги дейдилар.

Чарсиллайди қадамлар,
Ўтда ёнар қаламлар,
Тушунинг эй одамлар,
Буни севги дейдилар.

Қорнингизни тўйдирмас,
Зардан либос кийдирмас,
Жонни олар билдирилас,
Буни севги дейдилар.

Ўлимдан ҳам қутқарган,
Бўйнингдан дор ўткарган,
Чидаганга чиқарган –
Буни севги дейдилар.

Кимлар жондан тўйдилар,
Билиб-бilmай суйдилар;
Ҳамон ошиқдир Аҳад –
Буни севги дейдилар.

Кимлар севиб күйдилар,
Ишонмай ҳам қўйдилар,
Бу ҳаётmas, бу тушмас –
Буни севги дейдилар..

2009

ЮЛДУЗНИ СОФИНДИМ...

Тунлари дард айтсам армонга,
Юрагим хушламас кундузни.
Яшагим келяпти осмонда,
Юлдузни софиндим, юлдузни.

Настаринлар очмоқда гунча,
Қизил олма пишиб стгунча.
Софинтириб яшайди бунча,
Юлдузни софиндим, юлдузни.

Дил төримнинг ҳамрози эди,
Оҳларимнинг овози эди.
Рұхим қилич, фалакка етди,
Юлдузни софиндим, юлдузни.

Юлдузликка қилиб даъволар,
Осмон узра сочиб ғавғолар.
Боридан ҳам бўлди жудолар,
Юлдузни софиндим, юлдузни.

Ишқиз эшак, дардсиз кесакдир,
Худо севган банда юксакдир.
Бахт бермаса пул ҳам ҳашакдир,
Юлдузни софиндим, юлдузни. •

• Нима бўлди дўстлар оқшомга,
Қаро булат тўлди осмонга.
Аҳад ёзмас қараб замонга,
Юлдузни софиндим, юлдузни.

ДАРВЕНИОНА

Дили йўқнинг пули бор,
Пули йўқнинг дили бор,
Бу дунёда дўстларим,
Ҳар кимнинг ўз йўли бор.

Ошиқقا май керакдир,
Ҳофизга най керакдир,
Майли, ярим бўлса ҳам,
Осмонгә ой керакдир.

Дононинг нақли бордир,
Оқилнинг ақли бордир,
Бесабаб отмайдилар,
Тошнинг ҳам нархи бордир.

Ёзда ҳам қорни кўрдим,
Масжидда дорни кўрдим,
Совуқ деманг тоғларни,
Ичидагорни кўрдим.

Бозорни шайтон қурди,
Мозорни имон қурди,
Ўз қабрини қазганни,
Айтинг, дўстлар, ким кўрди.

Дили йўқнинг пули бор,
Пули йўқнинг дили бор,
Бу дунёда дўстларим,
Ҳар кимнинг ўз йўли бор.

СОФИНИБ ҚАЙТДИМ

Мен келдим, турибман останангда жим,
Юрагим эскирган мактубдек гижим.
Фаслий ҳасратларга тўлгандир ичим,
Севгилим, севгингни соғиниб қайтдим,
Ёнингга оғриниб, оғриниб қайтдим.

Келдим, ўша эски суратим билан,
Умидим уйғотган журъатим билан.
Хазонлар айтмоқда пойимда ўлан,
Умримдан топмайин ҳеч ривож қайтдим,
Пушаймондан ўзга йўқ илож қайтдим.

Ўйлардим, муҳаббат бир ўйин, холос,
Севги борлигига ишонмасдим, рост.
Ногаҳон чақмоқдек келди бир овоз,
Яна ишқ майидан ичир деб қайтдим,
Азизим, сўнгти бор кечир деб қайтдим.

Бас, тамом, айтгали сўзим қолмади,
Сенга қарамоқقا кўзим қолмади.
Яна келмоқликка юзим қолмади,
Ишонгинг, ёнингга сўнгти бор қайтдим,
Вафодан ўзимга сўраб дор қайтдим...

Мен келдим, турибман останангда жим,
Юрагим эскирган мактубдек гижим.
Фаслий ҳасратларга тўлгандир ичим,
Севгилим, севгингни соғиниб қайтдим,
Ёнингга оғриниб, оғриниб қайтдим.

ХАТОЛАР СУРАТИН ҚҰЧГАН АЗОБЛАР

(туркум)

I

1. Испесиз сүкүтнің ваҳимаси күп,
Енгилтак беванинг түшидек...
2. Пушаймонни қаҳридан әмас,
Орзуларни захридан қочинг...
3. Армонни етим қолдирғандым,
ДАРДга айланиб
бурнимни қонатди...
4. Мен бугун күп нарсага тушундым.
Энди ҳеч қачон күрсичқондан
таъна қилмайман...
5. Мен ўзимни ўзим таъқиб қилишни,
бошлаган куним дунёга келганман...
Менга бошқа душманнинг кераги йўқ.
6. Шундай оғир аҳволда ҳам
тарозининг палласига
тош ташлаб чарчамаяпман...

2009

ХАТОЛАР СУРАТИН ҚУЧГАН АЗОБЛАР

(туркум)

II

1. Айрилик. Дарл. Унутилиш...
Севги. Соғинч. Кутиш-кутилиш...
Ақл. Юрак. Күнгил. Күйилиш...
Мен **БОШҚА** нарсадан азоб чекяпман.

2. Кўзларимни очсам ҳам, юмсам ҳам,
Хулди киприкларимдек
ВИЖДОН соқчилик қиласди...

3. Имоннинг дўстлигига ҳам ишонмай қўйдим...
Ўзим эсламасам мени эсламайдиям.
Шу борада баъзан шайтонга қойил қолгим келади.

4. Мени тушунмадингиз-а,
Битта камбағал билан битта бой –
Бутун юртнинг аҳволини билдириши мумкин, ахир...

5. Фақат ном қолдириб, ноң топиш учун
шоир бўлгандан кўра, далага чиқиб
ер ҳайдасанг, кимгадир фойданг тегади...
Мана, менинг азобим, сизни суратингиз...

6. Қанотларим осмонни қўзлаб турган бир пайтда
Оёғим ердан ажралмаяпти...
Икковиниям айтганини қилишни
Иложи бор, Аҳад Қаюм...
Ўйлаяпсанми?..

2009

ХАТОЛАР СУРАТИН ҚҰЧГАН АЗОБЛАР

(туркм)

III

1. Бир шаллақини деб сизни унұтдым...
Үзим эса үндән баттарроқ чиқдим,
Илтимос сиздан, күзларимни ўғирлаб кетинг...
2. Бугун мени роса мақтадилар,
Илоннинг сутини ичириб...
Жуда шириң экан заҳар бұлса ҳам.
3. Энди әртакка ишінмайман.
Чунки кечә оқшомда,
Тушимда қора руҳни күрдим.
4. Ёмғирнинг ҳар бир томчisi,
Ёз бўлишига қарамай,
Бошимга тошдек уриляпти.
5. Одамнинг сүяги
Ўзидан кўра ақллироқдир.
Кундан-кунга сүяқтеп
оқариб кетяпман шуни ўйлаб...
6. Бугун Рауф Парфининг
шарнаси, қоғознинг устида
изгиб юрибди,
стим чумолидек...

2009

МУНОЖОТ

Елкада юк кўпайдими, Художон,
Бу ташвишлар тугайдими, Художон,
Каламушлар даврон сурган дунёда,
Менинг куним ўтмайдими, Художон!

Тиззамгача фийбатларга ботдим-эй,
Қай йўлларда жонни арzon сотдим-эй,
Ахлатхўрлар қаср қурган дунёда,
Менга ҳаво етмайдими, Художон!

Севгимдан айрилиб талвасадаман,
Ўзимга кслолмай васвасадаман,
Шоириңг севги йўқ деган дунёда,
Жароҳатим битмайдими, Художон!

Кимлар эшик қоқар иши битгунча,
Минг йўлда қон ютдим бир йўл топгунча,
Гадой ҳам яшайлик деган дунёда,
Подшоларинг ухлайдими, Художон!

Бир куни одамдай яшаб олай деб,
Нима тондик дўстлар, ўзим бўлай деб,
Фирромларининг баҳти кулган дунёда,
Мардлар энди қайтмайдими, Художон!

Пешонамга ўйиб ёзганинг – **ТАҚДИР**,
Аҳадман деб юрган, Аҳални кечир,
Худо йўқ деганлар сиққан дунёда,
Яrim жоним сигмайдими, Художон!

2009

БЕФАРЗАНД АЁЛ

Бўм-бўш бешик тебранасан бўм-бўш қўлда,
Бўм-бўш бешик чангга ботдинг ўттиз йилда,
Фарзанд кутиб бу аёлнинг сўлди умри –
Энди ўзинг чақалоқдек йиғлаб бер-да!

Сени кўрса кўзёшларин тўхтатади,
Гўё мурғак боласини ухлатади,
Ёлғизлигин билдирамагин бу аёлга –
Ҳар кун сенга юрагини бўшатади.

Бўм-бўш бешик ўзи нега бўшаб қолдинг,
Музейдаги буюмларга ўхшаб қолдинг,
Бу ҳовлида ёлғизликдан куйса аёл,
Ўзга уйда кераксиздек бўлиб қолдинг...

Невара тўй қилдим деса тенгдошлари,
Бўм-бўш ёстиқ ичар ҳар кун кўзёшларин,
Ўттиз йилки овутади ночор эди,
Балки ҳаёт синаёттир бардошларин.

Бўм-бўш бешик, демак сен бўм-бўш эмассан,
Қаро кунда кўришган бир туш эмассан,
Ҳар бешиги қирқта Алномиш ўстирган –
Сен ўзбекдан улугдирсан ёщ эмассан.

Бўм-бўш бешик тебранасан худди вақтдек,
Ёлғиз аёл учун сен бир ҳақиқатдек,
Бу дунёга донолигинг исботлаб қўй,
Токи дунё ардоқласин сени баҳтдек.

2009

ЎЗБЕГИМНИНГ ТҮЙИ...

Кезиб қанча миллат-элатни,
Кўриб қайтдим турли одатни,
Тополмадим жонга роҳатни,
Она юртнинг бўйи бошқача,
Ўзбегимнинг тўйи бошқача.

Кўзлардаги сурурга қаранг,
Даврадаги файз, нурга қаранг,
Тиллардаги шукрга қаранг,
Кимнинг хаёл-ўйи бошқача,
Ўзбегимнинг тўйи бошқача.

Дўстлар, қўлга қўлни боғлайди,
Хизмат учун белни боғлайди,
Яқин дийдор дилни чоғлайди,
Хушнуд ёшлар сўйи бошқача,
Ўзбегимнинг тўйи бошқача.

Сиз ҳам келиб яйрангиз бир дам,
Унутингиз, нима ташвиш-фам,
Бўлолсангиз Аҳадга ҳамдам,
Унинг наво қуи бошқача,
Ўзбегимнинг тўйи бошқача.

ҚАДАХ

Қадаҳ, о зарби қадаҳ!
Жарангі жонимдан үтар.
Юракни тимдалаб кетар,
Фигоним фалакка етар.

Қадаҳ, о зарби қадаҳ
Бедаво дардим тузат.
Соқиё, майдан узат,
Ва мени зимдан кузат,
Турибман мисли дараҳт...

Қадаҳ, о зарби қадаҳ!
Ёнингга бир кун қайтай.
Ҳасратим сенга айтай,
Бу йўлдан қандай үтай,
Кулашим мумкин ҳар вақт.

Қадаҳ, о зарби қадаҳ!
Сенсан ошиқнинг шаъни.
Дунёдан йўқдир маъни,
Чорланг буён ҳаммани,
Бу кеч айёми фараҳ!

Турибман мисли дараҳт,
Кулашим мумкин ҳар вақт...

2007

ТУГИЛГАН КУН

Йилида бир марта нишонланса ҳам,
Қалбинғда пинҳона ўқийди афсун.
Оламнинг қувончи гүё шунда жам,
Бир умр эсланар кун, тугилган кун.

Бу кунда улғайиб яна бир ёшга,
Бир зум хотиралар айланар бошга.
Ўксинманг кўриб оқ тушганин сочга,
Ёшликнинг эсланар кун, тугилган кун.

Кимлар учун бу кун байрамдек татир,
Юракларни чертиб қайта уйғотур.
Гүё бир маҳалда баҳт тонги отур,
Шодликдан сўзланар кун, тугилган кун.

Яқинларинг келиб дилга ўт ёқса,
Кўнглингга ўзгача оҳанглар оқса.
Қадри билингайдир олисдан боқса,
Гоҳ кўмсаб изланар кун, тугилган кун.

Қанча яқин келса, шунча кўп кутиб,
Дарду ғамларни ҳам бир оз унутиб.
Дийдорнинг энг соҳир таъмидан тотиб,
Юракдан розланар кун, тугилган кун.

Атрофдан ёғилса совгаю табрик,
Аҳаддан бўлсин шу сизга эсадалик.
Ҳаётингиз ўтсин бир камсиз, бутун,
Яхшилик кўзланар кун, тугилган кун.

2003

ТҮЙДАН КЕЙИН

Күшиқ айтсанг ярашади күйдан кейин,
Доно одам ўй суради ўйдан кейин,
Ніят қиласр уйда бола тугилганда,
Ўзбек яна тўй бошлайди, тўйдан кейин.

Кўрсам дейди фарзандининг бахтларини,
Кўрсам дейди толеидан таҳтларини,
Ўзғартирмай минг йиллик одатларини,
Ўзбек яна тўй бошлайди, тўйдан кейин.

Бундай кунда қашимас ҳеч бошларини,
Ҳисобламас яхши кунда харжларини,
Санамайин тўқилган оқ соchlарини,
Ўзбек яна тўй бошлайди, тўйдан кейин.

Сабр қиласр оғир-енгил кунлар кўриб,
Пишиб кетган ҳар бир дардни енгавериб,
Ҳар қандайин ғам-ташвишни четга суриб,
Ўзбек тағин тўй бошлайди, тўйдан кейин.

Баъзилар бор шердан олиб филга берар,
Салом берсанг алигини пулга берар,
Унга қаранг тонганини элга берар,
Ўзбек яна тўй бошлайди. тўйдан кейин.

Кўнгил уйи обод бўлар сўзлар билан,
Яхши-ёмон кунда бўлинг дўстлар билан,
Қўл берсангиз Аҳад шоир сизлар билан,
Ўзбек яна тўй бошлайди, тўйдан кейин.

2008

МЕН КАБИ ЁЛГИЗМИСАН

Қизмисан Ё, юлдузмисан Ё,
Тунмисан Ё, қундузмисан Ё?
Жоним ҳалак, ортингдан юриб,
Соймисан Ё, денгизмисан Ё?

Ё дилдорсан, Ё зулмкорсан,
Ёки маккор, Ё вафодорсан?
Ёки борсан, ёки хаёлсан,
Сўзмисан Ё, афсусмисан Ё?

Ё орзусан, Ё уйқусан Ё,
Ё кулгусан, Ё қайгусан Ё?
Ё севғисан, Ё жодусан Ё,
Шунчаларам олисмисан Ё?

Ё жайронсан, ёки райҳонсан,
Ё висолсан, ёки ҳижронсан?
Ўз ҳолига ўзи ҳайронсан,
Келмоқликка ожизмисан Ё?

Ёқутмисан, Ё дурмисан Ё,
Булатмисан, ёмғирмисан Ё?
Сукутмисан, тақдирмисан Ё,
Дилсизмисан, тилсизмисан Ё?

Саробмисан, Ё шаробмисан,
Моҳтобмисан, Ё азобмисан?
Зулматгоҳми, Ё офтобмисан,
Япроқмисан, илдизмисан Ё?

Соҳибжамол тимсолмисан Ё,
Жавоби йўқ саволмисан Ё?
Етиб бўлмас висолмисан Ё,
Ё мен каби ёлғизмисан Ё..

АЙТИНГ-ЧИ, ЭРТАГА БИЗДАН НЕ ҚОЛАР?

Дунёга бир марта келади одам,
Бир марта яшайды, бир марта ўлар.
Дүстларим, бир савол сұрасам сиздан,
Айтинг-чи, эртага биздан не қолар?

Кимлардир бир умр мол-дунё йиғса,
Кимдир шон-шуҳрати билан мақтанар.
Хавойилик билан умримиз ўтса,
Айтинг-чи, эртага биздан не қолар?

Унутма, эй дүстим, унутма ганим,
Инсон бу дунёга бир марта келар.
Фурсатим ганимат, бозовта күнглим,
Айтинг-чи, эртага биздан не қолар?

Тарих бешафқатдир, дунё ваъдабоз,
Ёлғонлар кулингни кўкка совурап.
Тунлари юлдузга боқтум беовоз,
Айтинг-чи, эртага биздан не қолар?

Севгилим, юрагим қўлингда бугун,
Мени қўйвор, дея сенга ёлворар.
Қалбимда очилмай ётар бир тугун,
Айтинг-чи, эртага биздан не қолар?

Тушларим айланиб борар ростиға,
Баъзида ҳаёт ҳам тундек туюлар.
Биз дардлар орттиrsак дардлар устиға,
Айтинг-чи, эртага биздан не қолар?

ЯХШИ ОДАМ

Яхши одам, умрин баҳтдан ёритгайдир,
 Ёмон одам, ўз илдизин қуригайдир.
 Яхши одам, дилдан дардинг аритгайдир,
 Ёмон одам, гул умрини сўлитгайдир.

Яхши одам, яшар мудом ҳавас билан,
 Ёмон одам, ёниб юрар ҳасадидан.
 Яхши одам, дуо олса отасидан,
 Ёмон одам, чиқмас шайтон тўдасидан.

Яхши одам, қаноатдан шукр қиласар,
 Ёмон одам, хиёнатдан фикр қиласар.
 Яхши одам, яратганга зикр қиласар,
 Ёмон одам, ҳийла топар, мақр қиласар...

Яхши одам, ризқин топар меҳнатидан,
 Ёмон одам, бош кўтармас гийбатидан.
 Яхши одам, элда достон ҳурматидан,
 Ёмон одам, боши чиқмас гурбатидан.

2010

АТРОФИМИЗДА

Атрофимизда жондўст акалар кўпаймоқда,
 Она, сингил, қадрлон укалар кўпаймоқда.
 Биз дўстлик тарафдори, янги бодга ниҳолмиз,
 Бўйимиздан ҳасалти, тўнкалар кўпаймоқда.

Кўпаймоқда, отасин қабрига тош отганлар,
 Хотинининг макрига ўз онасин сотганлар.
 Биз ҳақиқат томонмиз, ҳақ томон кетяпмиз деб,
 Биз гулзорга кетяпмиз деб, лой балчиққа ботганлар...

2010

ДҮСТЛАР НАСИХАТИ

Ким учраса, ўлим ҳақда,
Езма дейди.
Ижодни деб сен ақыдан,
Озма дейди.

Нима қилай, дүстиジョンлар,
Мехрибонлар.
Бир сатр деб кунда минг бор,
Юрак қонар.

Фойда йўқдир анов дори,
Ниналардан.
Мен ёзмасам, қайта баттар,
Кийналаман.

Дўстим йўқлар, ҳовуч-ҳовуч,
Пул тутқазар.
Табиб топар, дардингдан дер,
Шул қутқазар.

Тушунсайди мани қалбим,
Амалдор дўст.
Ҳар кун иссиқ-совуғимдан,
Хабардор дўст.

Бедаво бир дард бу дунё,
Жафохона.
Безиллатиб қўйди мени,
Шифохона.

Нон ўрнига дори ютгум,
Алам билан.
Ўлсам керак қучоқлашиб,
Қалам билан...

Кетиб қолсам, отам яна,
Бир синмасми?
Онажоним мозор қатнаб,
Ўксинмасми?

Устозимсиз деган ўша,
Яқинларим.
Ўзларича адабиёт,
Вакиллари.

Бу шеърлари йиртиқ, ямоқ,
Ёқа дермиш.

У ҳеч нарса беролмайди,
Халққа дәрмиш.

Учрашганда омад ука,
Деб қўйишар.

Қайрилдимми гийбат билан,
Еб қўйишар...

Соф бўлсанг ҳам кейин касал,
Бўлсан-да.

Ажалингдан беш кун бурун,
Ўласан-да.

Сотиб ору номусини,
Ватанимни.

Душманларим қўрмаса бас,
Кафанимни.

Яrim жоним қиймаласа,
Ҳасадчилар.

Оллоҳ ўзинг балолардан
Мени кутқар.

Ижодкорлар ижодкорни
Қўллолмаса.

Фисқу фасод титиб юрса,
Кўролмаса.

Маърифатнинг ўқ илдизи,
Синганими?

Қиёматни беш кун бурун,
Келганими?

Меҳнатимни шу эл қадр,
Килса, бўлди.

Эрта шу халқ менинг қадрим
Билса, бўлди.

Ўзим бўлай десак юртни,
Ким ўйлади?

Биздан бошқа шу Ватан деб,
Ким йиглайди?

ЖУЛІС 1998 ІШЕДДІК

Аҳли санъат.

Дунё ичра Ўзбекистон,

Бўлсин обод..

Битта юзда битта кўзу,

Қош бўлайлик.

Бир овозда, бир ёқадан,

Бош бўлайлик...

Дардларимиз бўлмасмиди,

Уюм-уюм.

Ўлим ҳақда ёзмасмиди,

Аҳад Қаюм.

Ким учраса, ўлим ҳақда,

Ёзма, дейди.

Ижодни деб сен ақлдан,

Озма, дейди.

ЗАРСАНДИК

Совчилардан сеплар келса ҳар сандиқقا,

Мендан кечиб сотилингми зар сандиқقا.

Бор дунёни йигиб келиб бойнинг ўғли,

Бирозгина солмабди-ла ор сандиқقا.

Мингтасини кўравериб сенекларни,

Юборгандир тузоқ қилиб сандиқларни.

Йўқса кўриб қулогингла чандиқларни,

Солгандир-ов ҳаётингга дор сандиқقا.

Тўй овози қулогимга чалинади,

Дўстим келиб тўйга юр, деб ялинади.

Муҳаббатим дунёга ҳам сиғмас дердинг,

Бутун дунё сиғибли-да тор сандиқقا.

Муз қоплади бугун Аҳад вужудини,

Увол қилма севгимизнинг нобудини.

Сандиқ эмас олдинг менинг тобутимни,

Қабримдир У, ёгар инли қор сандиқقا.

ЮРИБМИЗ-КУ МАНА, ЎЛГАНИМИЗ ЙЎҚ

Тақдирига кўниб кетди, дедилар,
Кўринмайди тиниб кётди, дедилар.
Даври ўтди, синиб кетди, дедилар,
Чидолмади, чириб кетди, дедилар.
Ё Оллоҳ деб биз кам бўлганимиз йўқ,
Юрибмиз-ку мана, ўлганимиз йўқ.

Ишон, дўстингман деб қўлимни қисиб,
Иши битгач, йўлим қўйдилар тўсиб.
Ҳасад қилди, мендан кетди деб ўсиб,
Кўролмай ортдан шум режалар тузиб.
Тириклай қўммоқчун гўримни қазиб,
Гулладик, минг шукр сўлганимиз йўқ,
Юрибмиз-ку мана, ўлганимиз йўқ.

Не-не кунлар ўтмади бу бошимиздан,
Тош ҳам лол бизларнинг бардошимиздан.
Денгизлар тўлса-да қўзёшимиздан,
Ким исинди меҳр қўёшимиздан.
Фийбатларга парво қилганимиз йўқ,
Юрибмиз-ку мана, ўлганимиз йўқ.

Бекорга овора бўлма, эй ғаним,
Майли гуллаб яшина сўлма, эй ғаним.
Аҳад ҳолидан ҳеч кулма, эй ғаним,
Майли, назарингта илма, эй ғаним.
Элнинг назаридан қолганимиз йўқ,
Юрибмиз-ку мана, ўлганимиз йўқ.

Тақдирига кўниб кетди, дедилар,
Кўринмайди тиниб кетди, дедилар.
Даври ўтди, синиб кетди, дедилар,
Чидолмади, чириб кетди, дедилар.
Ё Оллоҳ деб биз, кам бўлганимиз йўқ,
Юрибмиз-ку мана, ўлганимиз йўқ.

ҚИЁМАТДА ШОХУ ГАДО ТЕНГ ЭКАН

Дунёни асралык, дүстлар, денг экан,
Бу дунё торға тор, кенгга кенг экан.
Бор-йүғи түрт күнлик ўқинчи жонмиз,
Қиёматда шоху гадо тенг экан.

Ким маңтанар баланд мансаби билан,
Кимдир эса наслу насаби билан.
Үйнашманг Олоҳнинг ғазаби билан,
Қиёматда шоху гадо тенг экан.

Яхшилилка боғла, дүстим, камаринг,
Олиб кетолмайсан илму амалинг.
Бу дунёдан қолсин қилган савобинг,
Қиёматда шоху гадо тенг экан.

Бойлигинг ҳеч ҳисоб қилинmas унда,
Бирор учун жавоб берилмас унда.
Отанг ким эди, деб сўралмас унда,
Қиёматда шоху гадо тенг экан.

Онангнинг қорнидан то қабргача,
Йўллар босиб ўтдинг, дейдилар қанча.
Бекорга яшабсан, эй банда, нега,
Демасинлар нокас бўлмасанг бунча...

Бирор қолиб кетмас бирор касрига,
Нодон жавоб қилгай кибру нафсига.
Яратган олдида берган лафзига,
Қиёматда шоху гадо тенг экан.

Эй Аҳад, ҳар бир кун ўтар омонат,
Одамзод одамга экан омонат.
Дүстлар, омонатга қилманг хиёнат,
Қиёматда шоху гадо тенг экан.

БУГУН ДУНЁ БОШҚАЧА

Бугун дунё бошқача,
Хар доим шундай бўлган.
Ёмон узокроқ яшаб,
Яхшилар аввал ўлган.

Гарчи бугун дунёда,
Ўзгаряпти фасллар.
Одамзодга яшашни,
Ўргатар баднасллар.

Дунёда ранг қолмади,
Йиглолмайди камалак.
Бошқа найранг қолмади...

Богда бир гул тополмай,
Учолмайди капалак.
Дунё ўзидан безор,
Айланишдан тўхтамас.

Ҳечам бир жойда туриб,
Ўзи ҳақда ўйламас.
Дунё фило бўлмоқни,
Ўргатди одамларга.

Одам-чи, ўз устозин,
Келтириб қўйди жарга...

2009

НЕГА ЎЙЛАМАЙ

Күзим ёгин ялаб тўймаганлар бор,
Яримта жонимни ўйнаганлар бор,
Севаман, деб алдаб севмаганлар бор,
Далда берма, дўстим, қўй, йиглаб олай,
Бахтим куйиб кетса, нега ўйламай.

Бошим силаб, бахтим тортиб олдила,
Омадни олтинга сотиб олдила,
Нечун улар бунчаликка бордилар,
Фойда йўқдир ўзни қанча алдамай,
Душманим базмида қарсак чалдимай.

Ўзни алдаб, ўзни йўқотиб қўйдим,
Ярим йўлда кўзни йўқотиб қўйдим,
Қайтай десам, изни йўқотиб қўйдим,
Йўқотдим боримни, мен қандоқ чидай,
Йўқлик дунёсидан мен қандоқ кетай.

Ёлғон мақтовларга учдим нега ман,
Ахир бир ёнмайин учдим нега ман,
Отам пандларидан қочдим нега ман,
Бахтим куйиб кетса, нега ўйламай,
Далда берма, дўстим, қўй, йиглаб олай.

Кўзим ёгин ялаб тўймаганлар бор,
Яримта жонимни ўйнаганлар бор...

2009

ЎЗ ЁФИМГА ЎЗИМ ҚОВРИЛАЯПМАН

Ўз ёғимга ўзим қоврилаяпман,
Ўз кулимга ўзим соврилаяпман...
Омад остананғда қул бұлдим, оға,
Мен сұраган толе айт, сенда йүға.

Куз тилла хазонлар сочгин пойимга,
Хижрон қүшиғин айт, тушай ўйинга.
Қаранг, күзларимда юлдуз сұняпти
Шу кунларда менга нима бўляпти.

Рақиби душманман, ўзим ўзимга,
Тупроқлар сочмагин, эй дўст, изимга.
Ўз ёғимга ўзим қоврилаяпман,
Ўз кулимга ўзим соврилаяпман...

Яна хато қилдим, яна адашдим,
Пушаймонга тўлиб кетган дилдангим.
Ё Оллоҳ, кечиргин, кечиргин мағни,
Шайтонлар базмида рад этдим сағни.

Икки қўлим қондир, юрак гулхана.
Йўқдир, мандайин бир бечора бағда
Наҳотки,
Наҳотки, манинг айбим шу,
Ўзинг этдинг телба қисматга маҳкум.

2010

ХЕЧ КИМГА КУНИМ ҚОЛМАСИН

Чидаганман йўқчиликка ҳам ҳатто,
Майли, чўнгагимда нулим қолмасин,
Кераксиз мол-дунё истамам, аммо –
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Иши биттгач, эшик ёпшанлар қанча,
Сал эгилсан, тепиб ўтганлар қанча,
Ортимдан тошларин отганлар қанча,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Йўлиқтирма карвонимни ёмонга,
Қолдирма умримни чангут тўзонга,
Йшим тушиб зориқмайин нодонга,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Гоҳи илтимосдан юзим сарғайди,
"Ялиниш"лар "пора"га ҳам айланди,
Ичимда ўз кўнглим мани қарғайди,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Ўз насиҳатимга амал қилмадим,
Қанча яхшиликлар ўтди, билмадим,
Буғун тавба қилиб, шуни сўрадим,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Ҳалол меҳнатимни ибодат билдим,
Сенинг ибодатингга сал кечикдим,
Элнинг бир кунига ярарман девдим,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Гарчи, қадрим билган қариндошим кўп,
Дўстларим йўлимда турарлар тўп-тўп,
Ўзингдек яқиним, меҳрибоним йўқ,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Кимлардир нон бериб жонинг кўзлайди,
Ҳар бир қадамингдан кўзин узмайди,
Тирноқдан кир титиб хато излайди,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Яхшилик қилганда жавоб кутмадим,
Садақа улашиб савоб кутмадим,
Фақат сени юрагимдан қўймадим,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Кечир, гоҳо ҳаяжонли пайтларим,
Билиб-бимай ёздим хато байтларим,
Нима қилсам, барин сенга атадим,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Оёқ – бор, ҳар томон елиб чопаман,
Соф бўлсам, барчасин ўзим топаман,
Бобомнинг кўзларин бориб ёпаман,
Оллоҳим, ҳеч кимга куним қолмасин.

Бугун Аҳад тўлиб турганда сўзга,
Сендан бир марҳамат тилайди қарзга,
Биласан, паноҳим йўқ сендан ўзга,
Илоҳим, ёмонга куним қолмасин!

2009

ТИНЧ ҚҮЙИНГ

Шунналик яхши бўлсангиз,
Ёмонларни тинч қўйинг,
Чинданам доно бўлсангиз,
Нодонларни тинч қўйинг.

Ердан юқори бўлсангиз,
Шунчалик баланд юрсангиз,
Тупроқдай хоксор бўлган,
Инсонларни тинч қўйинг.

Ишонмасангиз севгига,
Кўл чўза кўрманг орзуга,
Муҳаббатни рад этсангиз,
Армонларни тинч қўйинг.

Тўғри яшай олмасангиз,
Одамга ўхшолмасангиз,
Тулкидай тусланмайин,
Ҳайвонларни тинч қўйинг.

Виждонингиз бўлмаса ҳам,
Имонингиз бўлмаса ҳам,
Жонни дўзахда кўйдирманг,
Шайтонларни тинч қўйинг.

Тушунмасангиз санъатга,
Адабиёт, шеъриятга,
Маърифат богини тузган,
Боғбонларни тинч қўйинг.

БАРЧА АЙБ ЎЗИНГДА, ЭЙ ОЖИЗ БАНДА!

Фийбатни сўзлаган томоқда не айб,
Чоҳларни кўрмаган оёқда не айб,
Ёлғонни тинглаган қулоқда не айб,
Гуноҳ йўқ зарра ҳам шу иссиқ танда,
Барча айб ўзингда, эй ожиз banda!

Онангнинг сўзларин гумонга йўйдинг,
Отанг насиҳатин ёлғонга йўйдинг,
Дўстингни душманга чиқариб қўйдинг,
Эртага йигларсан, эй сен лабханда,
Барча айб ўзингда, эй ожиз banda!

Қилган эҳсонингни ҳисоб қиласан,
Бойлик деб жонингга азоб қиласан,
Ибодат қилганинг ниқоб қиласан,
Нопок қадамларинг қilmайсан канда,
Барча айб ўзингда, эй ожиз banda!

Вақт келар бу умр соатинг тугаб,
Ёлғон тақволару тоатинг тугаб,
Савлатинг тўқилиб, қоматинг тугаб,
Ажални кутасан йиглаб ҳар тунда,
Барча айб ўзингда, эй ожиз banda!

Бирда нодонсану, бирда расосан,
Бирда қоматинг тик, бирда асосан,
Эй Аҳад, қарзларинг қачон узасан,
Охират деган ўй йўқми ё санда,
Барча айб ўзингда, эй ожиз banda!

2009

УМРИМИЗНИ ЭХСОН ҚИЛАМИЗ...

Бор нарсанынг шукрини қилмай,
Йүқ нарсага армон қиласиз.
Үтган куннинг қадрини билмай,
Бу юракни тамом қиласиз.

Аза бўлар гирром тўй тарқаб,
Яшамасак яхшини алқаб.
Ўз айбимиз кимгадир тақаб,
Бировларни ёмон қиласиз.

Хато нигоҳ тушса биз томон,
Ўғри кўзнинг ханжари ёмон.
Бу душман деб кўрсатса шайтон,
Дўстимиздан гумон қиласиз.

Биласиз, ҳақиқат синмайди,
Кимлардир эгилиб тинмайди.
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди,
Нечун дилни вайрон қиласиз.

Эй дўст, эй дўст шарҳи насиҳат,
Айламоқлик Аҳадга одат.
Бир гапимни унутма фақат,
Умримизни эхсон қиласиз,

Умримизни эхсон қиласиз...

2009

ХАЛИ БИЗ ҲАММАГА КЕРАҚ БҮЛАМИЗ

Хали биз ҳаммага керак бүламиз,
Юраксизлар ичра юрак бүламиз.
Йўлсизларга осқ, ожизга ёлка,
Шу Ватан ишонган билак бүламиз.

Қачондир ўз бўйин ўлчаса дунё,
Ўзин ёлғонидан чарчаса дунё.
Риёкор либосин ташласа дунё,
Кўнгилдан бичилган кўйлак бүламиз.

Юзларини шилиб юпқа қилганлар,
Сўзимиға қулиб шубҳа қилганлар.
Ҳар қуни шамолдан шўрва қилганлар,
Эртага уларга эртак бўламиз..

Кўзимизга ёшни мўлжаллаганлар,
Ёзимизда қишни мўлжаллаганлар.
Бошимизга тошни мўлжаллаганлар,
Уларнинг бошига калтак, бўламиз.

Ёмғир қор остидан энтикканларга,
Майсанинг рангига қўз тикканларга.
Хазоннинг таъмидан зерикканларга,
Умидига тирғак, куртақ бўламиз...

Кўнгилда бичилган қўйлак бўламиз...

2009

ЯХШИЛАР, АСРАЙЛИК ИМОННИ...

Умри қисқа дерлар ёлғоннинг,
Ёлғони кўп дерлар нодоннинг,
Ёмон деб ранжитманг ёмоннинг,
Яхшилик юзидир инсоннинг,
Яхшилар, асрайлик имонни...

Тил заҳри ўткирроқ пичоқдан,
Туз тотиб бир тандир ўчоқдан,
Тарқадик бир илдиз бошоқдан,
Қонимиздан ҳайдаб шайтонни,
Арzonга сотмайлик виждонни.

Ўтмайин гуноҳнинг баҳридан,
Қўрқамиз аёлнинг макридан,
Қочайлик кўнгилнинг заҳридан,
Ичимииздан чиққан душманни,
Юракдан қувайлик армонни.

Ошиқ Аҳад шуни сезадир,
Кимдир пинҳон гўринг қазадир,
Бугунги тўй эрта азадир,
Тўй кунидаги бермай имконни,
Дўстларим бичайлик кафани...

2009

ГОҲИДА ДУШМАНИМ ДЎСТИМДАН МАРДДИР...

Фамлар меникидир, дамлар меники,
Кўзёшлар меники, намлар меники.
Мен нима ҳам дерлим, баҳтга тўлиб юр,
Шу ярим дилимда камлар меники.

Кимларнингдир ларди, мен учун баҳтдир,
Кимларнингдир баҳти, мен учун дарддир.
Дўстим гоҳ йўлимга чоҳ қазар номард,
Гоҳида душманим, дўстимдан марддир...

АЙБИМ НИМАДА МЕНИНГ?

Юрагим зада менинг,
Ичим аламда менинг,
Йигларман ўксисб-ўксисиб,
Айбим нимада менинг?

Армонга асос кўпдир,
Қалбимда қасос кўпдир,
Дардимга малҳам йўқдир,
Айбим нимада менинг?

Кўзим қарға чўқийди,
Ўргимчак тўр тўқийди,
Кимдир фолим ўқийди,
Айбим нимада менинг?

Кимга тегди заарим,
Ҳар қадамда хатарим,
Кўпидан йўқ хабарим,
Айбим нимада менинг?

Тугилгандим тескари,
Тақдирим шу сингари,
Бўгар азоб синглари,
Айбим нимада менинг?

Гард йўқ кўнгил хатимда,
Аёни бу ҳар байтимда,
Чаёни ухлар кафтимда,
Айбим нимада менинг?

Қабрим – бир қиз қалбига,
Аҳад! Тинчлан, бўлди-да,
Севгим бебаҳт сўлди-да,
Айбим нимада менинг?

2009

ГУНОХЛАРИМ ДАРЁ, ДАРЁ...

На бойлигу, на-да давлат,
На гүзалик, на-да омад,
На-да күнгил, на мұхаббат,
Юрагимга сиғмас дунё,
Гупоҳларим дарё, дарё...

Ҳаётдаги изим қани,
Юзим қани, сүзим қани,
Тұпроқдаги тұзим қани,
Бегонаман сенга ҳатто,
Ҳар қадамда мингта хато.

Бевафодан баҳтим излаб,
Үзим сенлаб, уни сизлаб,
Мұхаббатдан бекор сүзлаб,
Юзим бұлди қаро, қаро,,
Юраккинам яро, яро.

Кимга керак мани жоним,
Бармоғимдан оққан қоним,
Ақадман, покдир виждоним,
Үзинг асра Олло, Олло,
Ҳар нағасим минг бир тилло...

2009

ЎЗИНГ МЕНГА РАҲМ ҚИЛ, ХУДО

Узогимни яқин қил, Худо,
Савобларим сағин қил, Худо,
Тушунмаса кўнглимни ҳеч ким,
Ўзинг менга раҳм қил, Худо.

Шайтон тушиб агар ўртага,
Дўстларим ҳам кечса эртага,
Ғанимларим кулса жўртага,
Ўзинг менга раҳм қил, Худо.

Умримни савобдан тузай ман,
Яхшилардан қарзим узай ман,
Гуноҳларим ювмоққа шайман,
Ўзинг менга раҳм қил, Худо.

Адашсам гар яна мабодо,
Билмай қадам қўйсам гар хато,
Кечирмаса мени ҳеч кимса,
Ўзинг менга раҳм қил, Худо.

Пешонамни ёзган ўзингсан,
Ҳаётимни тузган ўзингсан,
Дилга ният тизган ўзингсан,
Ўзинг менга раҳм қил, Худо.

МЕНИНГ ЎЗ ЙЎЛИМ БОР...

Мен ирмоқ эмасман, дарё излатманг,
Мен шайтон эмасман, хато излатманг.
Мени аросатга ташламанг дўстлар,
Мен кофир эмасман, Худо излатманг.

Менга минг илмдан ўқитаверманг,
Миям қайрайвериб, чўқитаверманг.
Менинг ўз йўлим бор, қайтарманг ортга,
Зинҳор менга ортга қайт дея кўрманг...

ТҮГРИ ЙҮЛГА ТУШМОҚ ҚИЙИН

Түгри йүлга тушмоқ қиин,
Минг насиҳат олган билан.
Кім иззат тополған, айтинг,
Күпни алдаб, ёлғон билан.

Кимнинг умри текис үтар,
Тұқчиликда тұкис үтар.
Кимнинг жиловин дард тутар,
Кимлар яшар армон билан.

Хар ниятга сабр әлтар,
Олд сафларға қадр әлтар.
Үёгига қабр әлтар,
Хамроҳ бўлинг имон билан.

Ҳақиқатга қаранг тикка,
Сафарларда қолманг якка.
Бел боғланг сиз яхшилика,
Дўст тутинманг ёмон билан.

Йўқлаб турсак яқинларни,
Фанимат деб бу дамларни.
Дилдан аритсак гамларни,
Инсон тирик инсон билан.

Бир нас тушиңг осмонлардан,
Хаёл узинг бўstonлардан.
Кечинг нархи арzonлардан,
Яшанг тоза вижлон билан.

Топсанғиз толе юлдузин,
Изланг асл баҳт илдизин.
Танисанғиз инсон юзин,
Ажратасиз шайғон билан.

Аллоҳ ўзи қылсин баланд,
Ёруг баҳтни қилиб каманд.
Минг чиранманг юксакларга,
Чиқолмайсиз нарвон билан.

Дунёга ҳирс қўйсанғиз, бас,
Таъқиб айлар балойи нафс.
Қорин учун олиб нафас,
Тиллашасиз ҳайвон билан...

Хулласи қалом, эй дўстлар,
Аҳад бир манзилни кўзлар.
Айтганиларин билиб сўзлар,
Ганиролмас гумон билан.

2008

ЁМОНГА ЯҚИН ЙОРМА...

Ёмонга яқин юрма, ёмонлиги юқмасин,
Тулкисифат бадфеъли, ҳайвонлиги юқмасин.

Дилга кирар сиргалиб, сен ҳаммадан афзал деб,
Заҳар тутар асал деб, илонлиги юқмасин.

Фитналарин ишлатиб, турап күзин ёшлатиб,
Тигин санчар нишлатиб, чаёнлиги юқмасин.

Ёв, гийбаттомоқлиги, гирт нокас аҳмоқлиги,
Юқмасин құрқоқлиги, қүёнлиги юқмасин...

Эл бўлиб ҳар кўнишакка, ишонтирас чўнчакка,
Тешик топар чўнтакка, сичқонлиги юқмасин.

Олиб иблис тамғасин, бошлар ўғри нагмасин,
Булғаб дилинг чашмасин, шайтонлиги юқмасин.

Аҳад очди пандга сўз, сенга кўз тегмасин, дўст,
Сенга дардининг устма-уст, вайроилиги юқмасин.

Ёмонга яқин юрма, ёмонлиги юқмасин,
Тулкисифат бадфеъли, ҳайвонлиги юқмасин.

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ота қурган иморатин,
Үгил бузганин күринг.
Она боғлаган ишин,
Қизлар узганин күринг.

Ким лўстман деб қўл бериб,
Сўнг лушманга қўшилиб.
Ўз уйингда йигилиб,
Мажлис тузганин күринг.

Кўринг телба йўлларни,
Faфлатгоҳ кўнгилларни.
Гулдай қиз сингилларни,
Кўча кезганин күринг.

Қизда йўқ ор пардаси,
Эрда йўқ эрлик дарси.
Бу қиёмат нафасин,
Аҳад сезганин күринг.

Пул учун, тилло учун,
Ўткинчи favgo учун.
Ака-ука бир-бирин,
Гўрин қазганин күринг.

Бир устоздан олиб дарс,
Хунаридан бўлиб маст.
Сўнг унга қилиб фараз,
Йўлин тўсганин күринг.

Ота қурган иморатин,
Үгил бузганин күринг.
Она боғлаган ишин,
Қизлар узганин күринг.

ЁЛГИЗ АЁЛ...

(Зулайхө Бойхоновага)

Билмайин дил бериб, қалбин йўқотса,
Дўстлар арzon сотиб, қадрин йўқотса.
Ёнида ишонган мардин йўқотса,
Дардин ким эшитар ёрсиз аёлнинг,
Қалбин ким тушунар ёлғиз аёлнинг?

Багрини қон айлаб, алвоиласалар,
Ҳар қадамин пойлаб, гумонласалар.
Фийбатлаб, туҳматлаб, ёмонласалар,
Нафратдан кўзёши денгиз аёлни,
Қалбин ким тушунар ёлғиз аёлнинг?

Яқинлари ёпиб диёнат йўлин,
Нафсим деб тутганда хиёнат қўлин.
Ўзига тор этиб, ҳатто ўз уйин,
Ҳаёт баттар эзиз ожиз аёлнинг,
Қалбин ким тушунар ёлғиз аёлнинг?

Ҳеч йўқ гуноҳига жазо этсалар,
Жигарпорасидан жудо этсалар.
Эрмаклаб нархини савдо этсалар,
Гул умрин хазонлаб азиз аёлнинг,
Қалбин ким тушунар ёлғиз аёлнинг?

Шайтоннинг юзида фаришта никоб,
Бахтин йўлин тусиб этганда сароб.
Шум тақдир айласа азоб изтироб,
Эй, Аҳад, покиза, нафис аёлнинг,
Қалбин ким тушунар ёлғиз аёлнинг?!

ДҮСТИМ, УМРИНГ ЎТМАСИН ЁЛГОН

Давлат билан ўлчанмайди баҳт,
Савлат билан ўлчанмайди баҳт,
Омад билан ўлчанмайди баҳт,
Баҳтим йўқ деб қилмагин армон,
Дүстим, умринг ўтмасин ёлғон.

Дилдан ийғлаб кула олсанг гар,
Кўзи очиқ юра олсанг гар,
Ўз кунингни кўра олсанг гар,
Бу дунёга қайтиб келмассан,
Яшашни бил, баҳтсиз эмассан.

Кечак осмон қорайиб кетди,
Дунё менга торайиб кетди,
Сабр қилдим барчаси ўтди,
Йўқотмадим дилдан шаҳдимни,
Шукр, яна топдим баҳтимни.

Баҳт дегани осмонда бўлмас,
Кўкда туриб кўзга кўринмас,
Излайверсанг бир каминг тўлмас,
Аҳад шоир лилидаги дард,
Унинг учун ахир катта баҳт!

Давлат билан ўлчанмайди баҳт,
Савлат билан ўлчанмайди баҳт,
Омад билан ўлчанмайди баҳт,
Баҳтим йўқ деб қилмагин армон,
Дүстим, умринг ўтмасин ёлғон.

2008

ҚАЧОНГАЧА БУНДАЙ ЯШАЙМИЗ?

Ҳаёт эртак, умр афсона,
Бунда яшар шоҳу девона,
Тугишганлар ёвдек бегона,
Юлдузи йўқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Ҳисобли дўст айрилмайди деб,
Кун кўрамиз виждонни сотиб,
Мурдалардек гафлатга ботиб,
Юлдузи йўқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Ачинмаймиз ўз жонимизга,
Қарши бориб имонимизга,
Осмон йиглар слгонимизга,
Юлдузи йўқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Ишончни ҳам гаровга қўйиб,
Мунофиклик либосин кийиб,
Савоб ишдан қўлларни тийиб,
Юлдузи йўқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

Аҳад, йигла, қўксингни тиела,
Ибодатга қалбинигни боғла,
Гуноҳларинг тўкилар шунила,
Юлдузи йўқ тундай яшаймиз,
Қачонгача бундай яшаймиз?

2008

ЭЙ НАФС!

Дүстини дүстидан айырган сенсан,
Отани болага қайирған сенсан.
Оёгимни лойға тойирған сенсан,
Айт, нечун бунчалар тубансан, эй нафс?
Шайтонга дүст, менға душмансан, эй нафс.

Хар лаҳза ортимдан таъқиб айлама,
Ақтимни үзимга рақиб айлама.
Күзимни шарпалек түсиб бойлама,
Айт, нечун бунчалар тубансан, эй нафс?
Шайтонга дүст, менға душмансан, эй нафс.

Йұлларига ташлаб не-не түрларни,
Тириклай үлдирдин қанча зұрларни.
Тулкига тенг қылдыйнг арслон, иерларни,
Айт, нечун бунчалар тубансан, эй нафс?
Шайтонга дүст, менға душмансан, эй нафс.

Бунчаларам ахир бұлмасанғ айәр,
Олдинда ожиздур өркагу аёл.
Сенға қайта-қайта берурман савол,
Айт, нечун бунчалар тубансан, эй нафс?
Шайтонга дүст, менға душмансан, эй нафс.

Лаъинга қариндош авломисан ё,
Башарнинг бошила жалғодмисан ё.
Билмадим бокийи белодмисан ё,
Айт, нечун бунчалар тубансан, эй нафс?
Шайтонга дүст, менға душмансан, эй нафс.

Сендан йироқ бұлсип ҳар кимнинг құзи,
Беҳуда кесилмай насиба рўзи.
Аҳадни асрагай Аллоҳнинг ўзи,
Айт, нечун бунчалар тубансан, эй нафс?
Шайтонга дүст, менға душмансан, эй нафс.

ЮРАКНИ ҚАРИТМАНГ, АЗИЗЛАР!

Нафсу кибр комига ботмай,
Faфлатларнинг домига ботмай.
Ёлгон дунё жомига ботмай,
Меҳрни аритманг, азизлар,
Юракни қаритманг, азизлар!

Ёши танламас асли муҳаббат,
Шириң дийдор васли муҳаббат.
Баҳорий ишқ фасли муҳаббат,
Меҳрни аритманг, азизлар,
Юракни қаритманг, азизлар!

Азизлар, ганимат бу ҳаёт,
Эртага бизлардан не нажот.
Ранжимасин келажак авлод,
Меҳрни аритманг, азизлар,
Юракни қаритманг, азизлар!

Булокдек қайнаса илҳомим,
Сиз учун атаган илоҳим.
Қўкка етсин десангиз оҳим,
Меҳрни аритманг, азизлар,
Юракни қаритманг, азизлар!

Бош суқиб ўткинчи гавгога,
Ўҳшаймиз пишмаган савдога.
Дунёни тўлдиринг навога,
Меҳрни аритманг, азизлар,
Юракни қаритманг, азизлар!

Кимки ҳақдан мадал истагай,
Эртасидан раҳмат истагай.
Шуни сизга Аҳад истагай,
Меҳрни аритманг, азизлар,
Юракни қаритманг, азизлар!

2008

ХЕЧ КИМ ТОПГАНИЙ ӨЛИБ КЕТМАЙДИ

Фоний дунё ичра дунё излама,
Үткинчи рүёдан маъно излама,
Абадий қолмоқни бунда кўзлама,
Яхшилик қил, ерда қолиб кетмайди.
Хеч ким топганини олиб кетмайди.

Манманлик ортидан топмайсан иззат,
Боймисан ё фақир ҳимматинг кўрсат,
Билсанг, ҳаммамизга ганимат фурсат,
Ажал қамчи тортса, асло кутмайди,
Яхшилик қил, ерда қолиб кетмайди.

Умр ҳам, аслида, оқар дарёдир,
Ой-кунлар нафасдек ўтиб борадир,
Йилларинг жойидан кўчиб борадир,
Хеч ким топганини олиб кетмайди,
Яхшилик қил, ерда қолиб кетмайди.

Сафарда сезсанг гар йўлнинг хавфини,
Кенгайтири тобора лўстлар сафини,
Яхши амалингнинг билсанг нафини,
Яхшилик қил, ерда қолиб кетмайди,
Хеч ким топганини олиб кетмайди.

Фақат яхшиликка сарғла қаҳрингни,
Ёмонликка қарши ишлат заҳрингни,
Кўнгли кам учраса, бергил меҳрингни,
Яхшилик қил, ерда қолиб кетмайди,
Хеч ким тоғанини олиб кетмайди.

Яхшидан ёрдаминг аяма, Аҳад.
Бу йўлда Оллоҳдан сўрагин мадад,
Савоб иш инсонга келтирип раҳмат,
Яхшилик қил, ерда қолиб кетмайди,
Хеч ким тоғанини олиб кетмайди.

НЕ ФОЙДА

Одамларни ёв қилса,
У тиллодан не фойда,
Ўзи амалсиз бўлса,
У муллодан не фойда.

Ўзига зиён қилса,
Тилига исён қилса,
Оёқни сарсон қилса,
У калладан не фойда.

Жонига келмас раҳми,
Ўзига юқ тўқими,
Киримдан кўп чиқими,
У савдодан не фойда.

Билиб туриб дардингни,
Кейин берса додингни,
Тортиб олса жонингни,
У шифодан не фойда.

Юракларга етмаса,
Кўнгилларни тутмаса,
Кимдир раҳмат демаса,
У наводан не фойда.

Тил бошқа-ю, дил бошқа,
Ишонган кўзу қошга,
Ўхшайди жонсиз тошга,
У вафодан не фойда.

Бу ҳаёт кимни яхшига,
Кимни ёмонга учратар,
Кимнидир шириң висолга,
Кимни ҳижронга учратар.

Кимларгадир баҳт беради
Яшаш учун шаҳд беради,
Бошқага кулфат беради,
Эзіб армонга учратар.

Беайб парвардигор билинг,
Дүстлар гуноҳидан ўтинг,
Доноларни ёдда тутинг,
Доим нодонга учратар.

Дуч келсанғиз синовларга,
Айб түнкамант бировларга,
Ожизларни хатоларга,
Ташлаб шайтонга учратар.

Кимни феъли арслон бўлар,
Кимлир эса қуён бўлар,
Хуллас, онгсиз ҳайвон бўлар,
Буни ўрмонга учратар.

Аҳад шоир ташбеҳи бу,
Ўйламанг ким танбеҳи бу,
Гар кимнинг нияти ёруг,
Уни инсонга учратар.

2008

БОШИНГ ОЛИБ ҚАЙГА КЕТАСАН?

Туғишганинг дардинг билмаса,
Қариндошинг қадринг билмаса,
Севган ёринг қалбинг билмаса,
Нетасан айт, дўстим, нетасан,
Бошинг олиб қайга кетасан?

Етказолмай өлга нолаигни,
Рози қилмай ота-онаигни,
Эплолмасанг рўзгор, болангни,
Нетасан айт, дўстим, нетасан,
Бошинг олиб қайга кетасан?

Ўзингдан-да маъюс кечада,
Бўлсанг элу юртга шарманда,
Ор қиласалар сендан кўчада,
Нетасан айт, дўстим, нетасан,
Бошинг олиб қайга кетасан?

Бундан ўзинг асра, эй Олиоҳ,
Ўзинг бизга бўлгайсан наюҳ,
Бир йўлда-ку савобу гуноҳ,
Нетасан айт, дўстим, нетасан,
Бошинг олиб қайга кетасан?

2009

УМРИНГ УВОЛ, ҚАДРИНГ АРЗОНДИР

Йүқ нарсага умид ёмондир,
Үз қүйнингдан чиққан илондир,
Сотқин аёл, мунюфиқ дўстга,
Умринг увол, қадринг арzonдир.

Кўзинг ёгин ялаб тўймаслар,
Ортингдан ўт қалаб тўймаслар,
Бир кун келиб чақмай қўймаслар,
Бахтинг завол, ютганинг қондир.

Ким йиқилса хурсанд бўлади,
Ўз отасини душман билади,
Учраганин қарғаб юрали,
Дарди ёлғон, макри шайтондир.

Ўзин ўйлаб сотган дўстини,
Аниқ бир кун соттар ўзини,
Ўйсангиз ҳам икки кўзини,
Тавба қилмас бечора жондир.

Асра Оллоҳ Аҳадни ўзинг,
Насиб айла жашнатни ўзинг,
Яратиб бу хилқатни ўзинг,
Кечир, дединг, бу ҳам инсондир.

2009

БИЗНИНГ ТЕАТР
(Баҳодир Йўлдошга)

Дўстлар, Шекспирнинг битта гапи бор,
Бу ҳаёт саҳнадир – инсон актёр,
Лекин мени бир сир қийнайди ҳамон,
Режиссёр қаерда, қани режиссёр?

Кимдир бош ролда-ю, кимдир дублёр,
Кимдир пардоз қилса, кимдир суфлёр,
Муаллифсиз умр ўтмасин бекор,
Режиссёр қаерда, қани режиссёр?

Ўгил ота кўзин ўймоққа тайёр,
Тириклийин тўрга қўймоққа тайёр,
Гадонинг ролини ўйнар амалдор,
Режиссёр қаерда, қани режиссёр?

Камиирлар қизлардек кийиниб олган,
Қизлар камиирлардек бўяниб олган,
Гримёр қилични кўтариб олган,
Қани режиссёр, қани режиссёр?

Тулкининг ролини ўйнайди қози,
Тулки эса қози бўлмоққа рози,
Амалдорман дейди кечаги този,
Режиссёр қаерла, қани режиссёр?

Хотининг ролини эрлар ўйнаса,
Қўёнинг ўринига шерлар ўйнаса,
Мерганин саҳнада кўрлар ўйнаса,
Режиссёр қаерла, қани режиссёр?

Эй Аҳад, сени ҳам моҳир қиллилар,
Ўзи сен ким элинг, шоир қиллилар,
Режиссёр қаерла, қани режиссёр,
Режиссёриз инни "қойил" қиллилар...

2009

ТАРБИЯ

Шоқир бобо нолиң ұтпидан:
— Бахтим дарлға ултартармиди?
Шоғиркоңда одам бўлмаган,
Тошкентларни тулатартармиди?..

Бекорчилар камми шаҳарда,
"Ахборот"ни кўраман ҳар кун.
Уйни ташлаб кетиб қолмасин,
Ўзинг унга тушунтири, ўглим.

Бир чақага олмайли, қара,
Онасинийг бирор ганини.
Эҳ... Аҳалжон, билмалим исега,
Билмайди бу одам қадрини.

Ё, эркарок ўстириликми биз,
Силаб-сийнаб кўтардик бошига.
Бирор сўзин ерда қолдирмай,
Уйлантиридик ўн саккиз ёшида...

Икки қўлини муштлаб олганча,
Чол тушмагур тигмай жавради.
Унинг айтган ҳар битта сўзи,
Тонгача миямни кавлади.

Сўнг эртаси саҳар уйғониб,
Топдим бориб тажанг ўтилини.
Битта ганини қайтаравериб,
Тозаям айнитди кўнгилни.

Тушунтира кетдим сўнг унга:
Зокир, ўзинг яхши боласан.
Шу ерда тинчгина юр, ука,
Шаҳарларда нима қиласан?

Мана, мейман битта "Тошкан"лик,
Омадимдан сўзлайди ҳамма.
Фойдаси йўқ, буни тийинлик,
Зокир...

Ука, калта ўйлама.

Етим қилма икки болангни,
Құлда тайёр ҳунаринг бор-ку.
Қишлоқда қилиб юр кирангни,
Мошинанғни ўзи рұзгор-ку.

Үндән күра ичишни ташла,
Хотинингни даволат, ука.
Үгилчанг ҳам катта бұп қолди,
Суннат қылдир, шошилгин түйга...

У эса түшүнмас гапимни,
Чайналади пластиңқадай.
Четта чикса, худдикі бирөв,
Күчөқ очиб кутиб турғандай.

Үша куни шаҳарға қайтиб,
Шеърлар ёздим "ВАТАН" ҳақида.
Ва бечора Зокирни ўйлаб,
Йиглагим келади гоҳида...

Бирөвларға насиҳат беріб,
Юнатишдан осони йүқдир.
Кимгадир гүл, кимгадир тикан,
Насиб әтса на илож тақдир.

Юртимизда қанчалаб учрар,
Зокирлару, Шокир боболар.
Балки минг, балки миллионлаб,
Йұлымиздан учрайди булар.

Хүллас, бирөв түккан түгүнни,
Сизге еніб беролмас бирөв.
Тарбияни ёнилікдан бермоқ,
Келажакка бўлолгай гаров.

2010

БУХОРО ДЕБ..

(Садриддин Салим Бухорийга)

Жилға әдинг, сой бўлдинг,
Бориб,
Дарё бўлиб оқсанг арзиди,
Нақшбандий ёнида туриб,
– **БУХОРО** деб ўлсанг, арзиди.

Ҳамма сендеқ ёнса, қанийди,
Зарафшондек тўлсанг, қанийди,
Исминг абад қолса, қанийди,
– **БУХОРО** деб ўлсанг, арзиди.

Арзиди!
Етти пир хокини ўпиб,
Бухорийнинг кўзларини ёпиб,
Ҳар бирдан бир ҳикмат топиб,
– **БУХОРО** деб ўлсанг, арзиди.

Зар қадрини заргар билгандай,
Асалари ўлса тингандай,
Сенсиз шаҳар ухлаб қолгандай,
– **БУХОРО** деб ўлсанг, арзиди.

Қабристонга ўхшар Бухоро,
Юраги хун багри ҳам яро,
Сен бўлмасанг у мотамсаро,
– **БУХОРО** деб ўлсанг, арзиди.

Борсам,
Хўжа Насриддин қулди,
Бухорийлар ҳали бор деди,
– Бухорога Бухоро келди,*
– **БУХОРО** деб ўлсанг, арзиди.

* Садриддин Салим сатри

БУХОРО

Бағрида сақлангай тарих ровони,
Элимнинг кўҳна бир қадим макони,
Дунёга овоза шавкату шони,
Асрлардан бергай нидо, Бухоро!
Жоним сенга бўлсин фидо, Бухоро!

Имкон бер, дилдаги сўзим айтайин,
Равнақ топ ҳар маҳал завол кўрмайин,
Нек баҳт заминдасан яшна кун сайин,
Шодлигу қувончга тўлсин, Бухоро!
Ҳамиша иқболинг кулсин, Бухоро!

Қайда бўлмай, қалбим сенга ошиқар,
Меҳринг юрагимга зиёдек оқар.
Сенинг мадҳинг куйлаш дилга хуш ёқар,
Менга азиз ҳар бир гардинг, Бухоро!
Бергин майли, олай дардинг, Бухоро!

Сендан олис кетгач, қадринг билдим мен,
Сенга дилбанд бўлиб, нима қилдим мен,
Гоҳ эслаб согинсам багрим тилдим мен,
Онамдек меҳрибон юзинг, Бухоро!
Отамдек мададкор ўзинг, Бухоро!

Ҳар қарич тупрогинг сўйлар ривоят,
Олис ўтминшингдан қилгай ҳикоят,
Ҳар гардинг муқадлас билгайман гоят,
Кўкси тўла армон, ғамгин Бухоро!
Ҳасратларинг бунча, рангин Бухоро!

Багрида сақлангай тарих ровони,
Элимнинг кўҳна бир қадим макони.
Дунёга овоза шавкату шони,
Асрлардан бергай нидо, Бухоро!
Жоним сенга бўлсин фидо, Бухоро!

ЯШАСА ТОАБАД, ВАТАН ЯШАСИН!

Топдим, зарҳикматлар оққан чашмасин,
Изланг, биздек юртта меҳри таниасин,
Хар ўзбек шу эл деб нафас олсии-у,
Хар ўзбек шу эл деб қалам таниласин...
Яшнаса ҳам фақат, Ватан яшнасин,
Яшаса тоабад, Ватан яшасин!

Хар кимга яхшилик йўллаган диёр,
Меҳрнинг гафтидан гуллаган диёр,
Хар бир тилизидан япрогигача,
Ёргу манзилларни тилаган диёр!
Яшнаса ҳам фақат, Ватан яшнасин,
Яшаса тоабад, Ватан яшасин!

Кекса ёш ўспирин, боласигача,
Юрт кездим деҳқоннинг даласигача,
Оналарнинг мунглиг алласигача,
Олтиндан азиздир ҳар қарич тупроқ,
Ватан бор ҳофизнинг ялласигача...
Яшнаса ҳам фақат, Ватан яшнасин,
Яшаса тоабад, Ватан яшасин!

Бизнинг бошқалардан бир камимиз йўқ,
Ўзимиз, кўзимиз, бу кўнглимиз тўқ,
Бизнинг ол олдида кўн хизматимиз,
Бизнинг ол олдида ниятимиз кўп,
Яшнаса ҳам фақат, Ватан яшнасин,
Яшаса тоабад, Ватан яшасин!

Ўзини танига ўзбекка ўхшаб,
Келяпмиз аждодлар изидан яшаб,
Отам рози бўлса, Оллоҳ рози деб,
Жаннатни оналар нойига тўшаб...
Яшнаса ҳам фақат, Ватан яшнасин,
Яшаса тоабад, Ватан яшасин!

Бориб айтинг ўша элфурушларга,
Ватанфурушларга, тилфурушларга,
Бобосин изини кўмган нокаста,
Ватани бермаймиз йўлфурушларга.
Яшнаса ҳам фақат, Ватан яшнасин,
Яшаса тоабад, Ватан яшасин!

ВАТАН НИМА

Ватан нима, ватан — бу,
Жондай азиз бир туйгу,
Қайла бұлсанғ ҳам күнглинг —
Ватанда яшар мангу!

Ватан нима, ватан — бу,
Сен япроқсан, илдіз у,
Сен осмонсан юлдуз у,
Дарё бұлсанғ, илдіз у...

Ватан нима, ватан — бу,
Сажлагоҳдай маскан бу,
Хар түйгудаи баланд бу,
Жонинта жоң дилбанд бу.

Бир бор ўйлаганмисай,
Қалбинг қийнаганмисай,
Дилдан сұраганмисай,
Ватан нима, **ВАТАН** — бу!

Онам күзидаги дард,
Отам сұздидаги шарт,
Ватан нима, ватан — бу,
Болам дилидаги шаҳд!!!

Ватан нима, ватан — бу,
Жондай азиз бир туйгу,
Қайда бұлсанғ ҳам күнглинг —
Ватанда яшар мангу!

2010

ДЕРЛАРКИ ОСТОНАДАН БОШЛНАР ВАТАН

Дерларки, остонадан бошланар Ватан,
Жарангласа тулпорларнинг түёклари.
Ватан не деб сўрасангиз, дўстлар, мендан,
Мендан аввал тилга кирап тупроқларим.

Остонаси тилло бўлсин эшигингни,
Чақалоқлар бўшатмасин бешигингни.
Гулни эксанг унса ҳамки гултувакда,
Илдизлари тошни тешиб қайта борар.

Минг асрни илдизлаган бу юракда,
Ҳар оқшомда дунё келиб дилин ёпар.
Эскиртирмас Алиномининг қўшигини,
Чақалоқлар бўшатмасин бешигингни.

Байроқлар ҳам тикилгайдир бир матодан,
Маънолари жилоламиш рангларини.
Юртни асраб оғатлардан, бир балодан,
Кимлар сенга устун бўлди, англадингми?

Шуни ўйлаб бошишни бир қашидингми,
Чақалоқлар бўшатмасин бенигингни.
Етти ўлка кездирса ҳам тирикчилик,
Тиламчи ҳам Оллоҳ берган ризқини тонар.

Ўзбекмиз-да, қонда оқар ўзбекчилик,
Кимлигимиз унутманик, ёй биродар.
Болаларинг талашигапда қошигингни,
Чақалоқлар бўшатмасин бенигингни.

ВАТАНИМНИ СОФИНАМАН, ВАТАНИМНИ

Баҳор ҳиди тарқ этмасин чаманимни,
Асрса Оллоҳ, ҳар бир дуру маъданимни.
Қайда бўлмай икки қўзим орқададир,
Ватанимни соғинаман, Ватанимни.

Устозларим тилидаги гавҳарларим,
Минг файз ила қулган шому саҳарларим.
Мени кутган қишлоғиму, шаҳарларим,
Ватанимни соғинаман, Ватанимни.

Қайда бўлмай, қайда юрмай – меҳри тортар,
Болалигим ўтган жойлар ссҳри тортар.
Ота-бобом ётган жойлар мени чорлар,
Ватанимни соғинаман, Ватанимни.

Ярим қўнглим, бири ками тўлган билан,
Давлат, омал ҳамма нарсам бўлган билан.
Юролмайман дилдан мағрут, қадди м баланд,
Ватанимни соғинаман, Ватанимни.

Бегонадир, юзларию, қўзлари ҳам.
Юрагимга ётдир айтган маъно сўзлари ҳам.
Нима қиласай, ўзбекмас-да ўзлари ҳам,
Ватанимни соғинаман, Ватанимни.

Нима дейсиз, ўз юртимга қойилман-да,
Она-ватан меҳрига мен мойилман-да.
Кўнгил билан ҳисоблашган шоирман-да,
Ватанимни соғинаман, Ватанимни.

Кимлир дейли: ёсингни йиг, Аҳад Қаюм,
Дунё кезгин, йигтиң бойлиқ, тилло, буюм.
Нима қиласай, қўнмайди-да бунга қўнглим,
Ватанимни соғинаман, Ватанимни.

2010

СҮНГГИ ҚҮНГИРОҚ

Бизга зафар тила, хайр мактабим,
Яңги сафар тила, хайр мактабим,
Омөн бүл болалик сайр мактабим,
Улгайдик яна бир ёшга, синфдош,
Энди йўлларимиз бошқа, синфдош.

Чалинди яна бир сүнгти құнгироқ,
Әртага биз бундан кетгаймиз йироқ,
Азиз устозларни унутма бироқ,
Улгайдик яна бир ёшга, синфдош,
Энди йўлларимиз бошқа, синфдош.

Үтиб кетди, болалик ҳам илк муҳабbat ҳам,
Йўлингни жим кузатгайман кўзларимда нам,
Дилим титрар синфдош қиз сени эсласам,
Ўхшардик биз бир жуфт қушга синфдош,
Энди йўлларимиз бошқа, синфдош.

Баҳт омад ёр бўлсин қайда бўлсак ҳам,
Шу диёрдан олис жойда бўлсак ҳам,
Қанча йигласак ҳам, қанча кулсак ҳам,
Улгайдик яна бир ёшга, синфдош,
Энди йўлларимиз бошқа, синфдош.

Билимлар мағзини чақиб, уқингиз,
Билмаганингизни топиб ўқингиз,
Энг баланд чўққилар сизнинг чўққингиз,
Улгайдик яна бир ёшга, синфдош,
Энди йўлларимиз бошқа, синфдош.

Ураган тўсиқдан чўчиманг асло,
Ҳеч ким бузолмаган бўлса ҳам ҳатто,
Ёддан чиқармангиз дўстларни аммо,
Улгайдик яна бир ёшга, синфдош,
Энди йўлларимиз бошқа, синфдош.

АВВАЛО, ИНСОН БҮЛ...

Довругинг дунёга кетган бўлса ҳам,
Бўйинг осмонларга етган бўлса ҳам,
Миллионлар ўёлинг кутган бўлса ҳам,
Манманлик кибрлан, камтар олам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Омал остонангда турганда гуллаб,
Лаззатнинг тамидан ҳиллагип ўйлаб,
Ўзиндан настларни атайин қийнаб.
Жонини огритма, лармон, малҳам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Бир йилда бўй чўзди чинордек терак,
Бир силаб синдириди шамоллар тентак,
Сабр қил, шошилмоқ нимага керак,
Ёруғ манзилларга элтар қадам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Нималар бўлмайди йигитчиликла,
Кўнчилик қозонда шерикчиликда,
Бозор – ҳалолхона тирикчилик-да,
Номардлик кетмайди, акам, отам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Бир куни унугмай берган лафзингни,
Қайтариб берарсан олган қарзингни,
Балки ўчирарсан дилдан дарзингни,
Яхши инсонларга йўл бер, ҳамдам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Бир дардман бечора дардидан полиб,
Муруват истаса ёнингга келиб,
Бепарво бўлмагин аҳволин кўриб,
Холидан кулмагин, мулзам, мотам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Қондош, яқинингни йўқласа омад,
Парча гўштиюракда ёпмасин ҳасад,
Сабр қил, сенга ҳам келгай даромад,
Ҳаммадан олдинда майли, илдам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

— Аҳад! Жондүстгінам, йўлдош юлдузим,
Пойимда қонқасам ичғанди дўстим,
Лек ўймоқта тайёр иккала қўзим,
Майли, мендан устун, мендан баланд бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Жуда кўп адашдим, севги йўлида,
Қалбим ўйин бўлди кимлар қўлида,
Хиёнат тўрларин тўқиб дилида,
Дилкулбамда осди ёлғондан қандил,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Дилмакроҳ санам келса сузилиб,
Бир зумда оёгинг ердан узилиб,
Ҳаром хилватларда гуноҳ ёзилиб,
Фам иўли узокуур, роҳат бир лам бил,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Билгин учта ларднинг йўқдир давоси,
Ўт кетса, сув босса, туҳмат балоси,
Инсонни йўқ қиласр битта хатоси,
Дўстим, тўгри яша, шоду хуррам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Биродар, ҳар қанча тиришма қаттиқ,
Ахир, насибангдан олмайсан ортиқ,
Меҳнат қил, эртакда у олтин балиқ,
Асабни асрагин дунё бир кам бил,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Ота-онанг йўлинг турганда пойлаб,
Сен юрсанг бойлигу мансабни қувлаб,
Ҳар лаҳза оқибат ҳақида ўйлаб,
Устозлар йўлини зардан гилам бил,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

Амал қилмасанг ҳам, амал қилсанг ҳам,
Айтаман, сўнг мени ёмон қўрсанг ҳам,
Сен мени ўзингга душман билсанг ҳам,
Сенга қасдим йўқдир, сен хотиржам бўл,
Аввало, инсон бўл, аввал одам бўл!

МЕНИ СЕВ...

Қайгу армонинг,
Кулгу билан юв,
Қийнамай жонинг,
Сев, мени сев.

Ишқ шаҳри мана,
Яна ва яна,
Дилда тантана,
Сев, мени сев.

Ростин айтгин-чи,
Не дил ўқинчи,
Дунё ўтқинчи,
Сев, мени сев.

Мұхаббатта түй,
Фавголарни қўй,
Айтиб қўшиқ куй,
Сев, мени сев.

Афсоналарча,
Мастоналарча,
Девоналарча,
Сев, мени сев.

Жонингни тўниаб,
Хаёлда яшаб,
Аҳадга ўхшаб,
Сев, яна сев.

Қайгу армонинг,
Кулгу билан юв,
Қийнамай жонинг,
Сев, мени сев.

АГАР ЎЛСАМ...

Ҳар бир гўзал гулни кўрсам, сени эслаб –
Гулсиз йўлдан юрар бўлсан, ўлсан керак.
Агар ўлсан, гул юзингни кўрмоқ учун –
Жаннатдан ҳам, ҳатто қайтиб келсан керак.

ЧИРОЙЛИГИМ...

Баҳор бўлиб, гуллар очсам,
Димоғингга ифор сочсам.
Сен гул бўлсанг, мен-чи булбул,
Куш бўлиб ёнингга учсам.

Яшар эдик, дил оҳида,
Яшнар эдик, ишқ богида.
Асрар эдик бир-биримиз,
Кўнгилларнинг ардогида.

Чиройлигим, чиройлигим,
Ҳаммаданам сиз ойлигим.
Баҳор бўлиб, гуллар очсам,
Майсаларга диллар очсам.

Севишганлар баҳт қасрига,
Йўллар очсам, йўллар очсам.
Учар гилам ясар эдик,
Осмонларда сузар эдик.

Ишқ майидан сармаст бўлиб,
Фалакларни кезар эдик.
Баҳор бўлиб, гуллар очсам,
Куртак бўлиб, шабнам ичсам.

Сени ўйлаб, сени ўйлаб,
Ўздан кечсам, ўздан кечсам...
Чиройлигим, чиройлигим,
Ҳаммаданам сиз ойлигим...

ҚОР ҲАМ ЁНАР...

Қор ҳам ёнар, тонсанг агар қаловини,
Тулпор учар, тортсанг агар жиловини.
Гоҳ аёлга, биттагина сузинг ўтмас,
Гоҳ севгидан устун қўяр тирногини...

МАКТУБЛАР

Бир кунда айрилдим ҳамма нарсамдан,
Дўстим, муҳаббатим ҳам омадимдан,
Етмиш фалак йиглар мани лардимдан,
Ширип баҳтим қабрин қазған мактублар,
Дийдор онларини чўзган мактублар...

Мактублар битардинг менга бир найтлар,
Севининг ёзардинг, ёзардинг байтлар,
Анчиқ бир хотира ёзи бу хатлар,
Сени ёслатиб дил эзган мактублар,
Сиёҳмас қон бўлиб сизган мактублар.

Келмадинг, кипригим ювилди ёшга,
Келмадинг, баҳорим айланди қишига,
Бирга ўтган дамлар ўхшайди тушга,
Қўлимда ўща сен ёзган мактублар,
Мани умидларим узган мактублар.

Кутмовдим севгилим хиёнатларинг,
Кутмовдим жондўстим жиноятларинг,
Қаддимни синдириди ҳақорағларинг,
Гоҳи сени ўрнинг босган мактублар,
Ўртамиизда девор тўсган мактублар.

Бир кун кўришмасак, ўламан дердинг,
Сенсиз мен девона бўламан дердинг,
Сен кетсанг, мен нима қиласман дердинг,
Муҳаббат қасрини бузган мактублар,
Айрилиқ китобин тузган мактублар.

Сен ёзган бу хатлар хапжардан ўткир,
Қалбимни армонга тўлдирди тақдир,
Мактубларинг қучиб яшайми ахир,
Кўксимдан қон бўлиб сизган мактублар,
Кўзёш денгизизда сувган мактублар.

Бир кунда бузилди күнгилсаройим;
Бахтим осмонида йүқөлди ойим,
Кайдан чора излай энди Худойим,
Йиғлайды минг ранжиб биздан мактублар,
Энди қайтмаслигинг сезган мактублар...

Шу гижим қофозга нафасинг теккан,
Менга мактуб ёзган құлларинг билан,
Энди кимнинг сочин силайсан эркам,
Бахтимиз йүлларин кесган мактублар,
Хижроннинг суратин чизган мактублар...

Сиз Ошиқ Аҳадга куюнманг, дүстлар,
Үзгага күз сұзса ул оху күзлар,
Вақти келар менсиз ёлғиз қон йиғлар,
Севги сатрларинг тизган мактублар,
Тунлар қонинг билан ёзган мактублар.

Бир кунда айрилдим ҳамма нарсамдан,
Дүстим, муҳаббатим ҳам омадимдан...

БЕГИМ ДЕМАНГ, БЕГОЙИМ

Йўлларимга гул тўкиб,
Келинг деманг гулоим.
Дилим оғритиб кетиб –
Бегим деманг, бегойим.

Ишқ шаҳрининг дарчаси,
Менга ёпиқ барчаси.
Оҳ, хиёнат зарбаси,
Бегим деманг, бегойим.

Сиз қувнаган кўчалар,
Биз йиглаган кечалар.
Дилда афсус куй чалар,
Бегим деманг, бегойим.

Энди қадримиз билиб,
Йиглайсиз қайтиб келиб.
Пойимизга йиқилиб,
Бегим деманг, бегойим.

Нозиккина билаклар,
Энди кимни эрмаклар.
Менга айтманг эртаклар,
Бегим деманг, бегойим.

Йўлларимга кўз тикиб,
Келинг деманг мулоим.
Дилим оғритиб кетиб –
Бегим деманг, бегойим.

СӨГИНИВ...

Сөгиниб дилхаста бўлдим,
Гулузорим қани,
Йўлларим кутган ул ёрим,
Интизорим қани?

Қани ул бесқарорим,
Қани тоқат мадорим,
Фасли ишқи баҳорим,
Чашми хуморим қани?

Йиғлаб ҳасрат айтгани,
Ёнимда ким бор мани,
Ботса фироқ тикани,
Ул мададкорим қани?

Қайда ул бетакрорим,
Масти жон мафтункорим,
Сархушу бахтиёrim,
Беихтиёrim қани?

Кетдими келмас бўлиб,
Багримни чок-чок тилиб,
Ғамдин кўксим йиртилиб,
Айт, вафодорим қани?

Тополмайиң изларман,
Тушларимда сўзларман,
Ҳасрат қучиб бўзларман,
Қани маккорим, қани?

Кўнгил вайронамасми,
Аҳад ягонамасми,
Бўлибман висол масти,
Соҳибжамолим қани?

Сөгиниб
Дилхаста бўлдим, гулузорим қани...



АГАР АЁЛ ИСТАСА...

Агар аёл истаса,
Йигитни шер қилади.
Агар аёл истаса,
Эркакни ер қилади.

Агар аёл истаса,
Қасрни гўр қилади.
Агар аёл истаса,
Бахт таъмин шўр қилади.

Агар аёл истаса,
Йўгингни бор қилади.
Агар аёл истаса,
Баҳоринг қор қилади.

Агар аёл истаса,
Хасни чинор қилади.
Агар аёл истаса,
Пахсанг минор қилади.

Агар аёл истаса,
Эркакни хор қилади.
Миллион макрин ишлатиб,
Дунёсин тор қилади.

Агар аёл истаса,
Аҳадни зор қилади.
Агар аёл истаса,
Бахтига ёр қилади.

ДУНЁДА ЭНГ ГҮЗАЛ АЁЛ КИМ...

Дунёда энг гүзал аёл ким,
У сингил, у она, у она, у ёр.
Дунёда энг гүзал аёл ким,
Сендан-да күп сенга вафодор.

Дунёда энг гүзал аёл ким,
Оппоқ тонгда нурдай беғубор.
Дунёда энг гүзал аёл ким,
Гуляшнатар дилни гулрухсор.

Дунёда энг гүзал аёл ким,
Фаришталар унга харидор:
Дунёда энг гүзал аёл ким,
Хар қандай мақтовга сазовор.

Дунёда энг гүзал аёл ким,
Гүзаликда қалби бетакрор.
Дунёда энг гүзал аёл ким,
Дарди билан яшар бахтиёр.

Дунёда энг гүзал аёл ким,
Мақтоловни айлайди инкор.
Дунёда энг гүзал аёл ким,
Эргашади ортидан баҳор...

Аҳад Қаюм таъриф айлаган,
Дунёда энг гүзал аёл ким.
Отам умрин ёруг айлаган,
Ўзингдирсан, эй онажоним!!!

ҚИЗМИ БУ, КИЙИКМИ БУ?

Күй чалар юракми бу,
Севгидан даракми бу,
Ёр келар, малакми бу,
Қизми бу, кийикми бу?

Күзлари мисли жайрон,
Хуснига жоним қурбон.
Етолмай дилда армон,
Қизми бу, кийикми бу?

Дилда – ўт, ёшиликми бу,
Ёшилик – бебошликоми бу,
Бебошлип, шұхликми бу,
Қизми бу, кийикми бу?

Қошлари мисли қамон,
Жиловламоқ даргумон,
Құлингдан қочар чаққон,
Қизми бу, кийикми бу?

Ёнидан ўғолмайсан,
Тұр ташлаб тутолмайсан,
Қувлама, столмайсан,
Қизми бу, кийикми бу?

Бормисиз, эй бүйдеклар,
Ташлаб күринг қармоқлар,
Ҳаммангизни бир боблар,
Қизми бу, кийикми бу?

Сира гапга кирмайди,
Жонга раҳм қилмайди,
Ҳечам авраб бұлмайди,
Қизми бу, кийикми бу?

ҚҰЗЛАРИ ИЗЛАР ҚҰРБОН,
Қизми бу, кийикми бу?...

СЕНИ ЎЙЛАБ!

Сени ўйлаб, күзга уйқу,
Келмасми?
Сени ўйлаб, дилда қайғу,
Тинмасми?

Балодан чиқмаса боішим,
Чидолмаса гар бардошим,
Фамли куним, ҳасратдошим,
Сенмасми?

Хато қылсам, чиқса жаҳлинг,
Юрагингга қарши ақлинг,
Мени ўйлаб, сенинг қалбинг,
Ёнмасми?

Ярим ой бир күн тұлмасми,
Айрилиқ күксім тилмасми,
Бахт топмасақ, дүстү душман,
Кулмасми?

Сени ўйлаб; күзга уйқу
Инмасми?
Сени ўйлаб, дилда қайғу,
Тинмасми?

2010

СОҒИНЧ

Кимнидир кутасан, кутасан,
Исмсиз ҳасратни ютасан.
Үшал онда мени ўйласанг,
Ишон, анча енгил тортасан...

БИЗНИКИ ЮРАКМАСМИ?

Сизнинг юрак-юрагу, бизники юракмасми,
 Сизга висол керагу, бизларга керакмасми.
 Сиз мисли маликадек, шаҳзодангиз кутсангиз,
 Орзуингиз осмону, бизники тилакмасми?

Анор пишиди ёрилди, тўкилди доналари,
 Сизни кутиб кўнглимнинг совиди хоналари.
 Тўртта фаслим куз бўлди, кўзларим сизсиз сўнди,
 Япроқдек тўкилади, тақвимниң саналари.

Тунларим узун-узун, кунларим маҳзун-маҳзун,
 Келмайсиз нечун-нечун, саволлар тугун-тугун.
 Турмуш ўтар гилдирак, ҳаёт оқар чархпалак,
 Кўзларим мафтун-мафтун, сўзларим Мажнун-Мажнун.

Излаб борсам ким деманг, сўзлаб борсам жим деманг,
 Кундуз борсам кун деманг, оқшом борсам тун дёманг.
 Аҳад кўнгли хатоми, севған дилга жазоми,
 Ўзгасини танлайвер, менсизликка кўн деманг.

Сизнинг юрак-юрагу, бизники юракмасми,
 Сизга висол керагу, бизларга керакмасми.
 Сиз мисли маликадек, шаҳзодангиз кутсангиз,
 Орзуингиз осмону, бизники тилакмасми?

КЎЗЁШЛАР

Кўзёшлар,
 кўзёшлар; кўзёшлар...
 Кўзларда
 эриган қўёшлар.

Юракка
 зил ботган гам тошлар,
 Сарҳадин
 билмаган бардошлар...

ҮРТАМИЗА БИТТА ХАТО БОР...

Үртамизда битта хато бор,
Бизлар билмай севишиб қўйдик.
Иккимизга битта жазо бор,
Уни ҳам биз бўлишиб қўйдик.

Дўстлик қандай чиройли эди,
Уни ишқа алишиб қўйдик.
Бахти бўлмоқ қўлимизда деб,
Тақдир йўқ деб янгишиб қўйдик.

2012

ДЎСТИМ МЕНГА ХИЁНАТ ҚИЛДИ...

Ўз қўйнимдан чиққан илоним,
Дўстим менга хиёнат қилди.
Ноҳақлиқдан оғриди жоним,
Дўстим менга хиёнат қилди.

О, ўзингдан чиққан балога,
Қайга ҳам борарадинг давога.
Ишончларим учди ҳавога,
Дўстим менга хиёнат қилди.

Кинолару китобларда ҳам,
Менчалик аянчли бўлмаган.
Айрди у муҳаббатимдан,
Дўстим менга хиёнат қилди.

О, севгилим, о, дўсти нокас,
Шунчалар ҳам бўласанми наст.
Мен ўзимдан айрилганим рост,
Дўстим менга хиёнат қилди.

Тобутканим леган жигарим,
Йиртиб кетди Аҳаднинг қалбин.
Қай қабрда кўмилли қадрим,
Дўстим менга хиёнат қили.

БИЛМАЙМАН ДЕЙСАН...

Билмайман дейсан, сезмайман дейсан,
 Сизни ҳеч қачон, севмайман дейсан.
 Ҳар доим менга, тақдир тескари,
 Учратар доим, қайсар қизларни...

2012

АФСУС...

Даврон сурдим шоду хуррам, ўтди қанча тўйу, байрам,
 Бахтга тўлдим мен ҳаммадан, бехабар отам ҳолидан.
 Мени кутса-да волидам, бошқаларга ўхшаб мен ҳам,
 Яхши кунда яқинлардан дуо олмоқ ҳоҳламадим,
 Онамни бир эсламадим, отамни бир йўқламадим.

Соямгача соябонлар тутиб турган у акалар,
 Тўй-у базми менсиз ўтмай кутиб турган у акалар.
 Иши битгач бир йўқламай, ёлгиз қўйишиб яккалар,
 Молу дунё илинжида, йиллар бедор ухламадим,
 Онамни бир эсламадим, отамни бир йўқламадим.

Менсиз бир куни ҳам ўтмай, бедор йиглаган гўзаллар,
 Сал қоқилсам, ўзга ёрни бориб йўқлаган гўзаллар.
 Юрагингмас чўнтағингни нархин кўзлаган гўзаллар,
 Нечун ахир мен яхшилар томон кўнгил боғламадим,
 Онамни бир эсламадим, отамни бир йўқламадим.

Куилар ойларни қувади, ойлар қувади йилларни,
 Жароҳатларим ўчирилмай, йиллар кўмади йилларни.
 Ижоду илҳомим билан шодон айлаб кўпилларни,
 Насиҳату, васиятни ваъдаларим оқламадим,
 Онамни бир эсламадим, отамни бир йўқламадим.

Болаликдаги у бегубор кунларимни согинаман,
 Хатодларим ўйлаїверсам, мен оқшомлари оғринаман.
 Тилда тавба, энди Аҳал пунаймонлар догоиламан,
 Бутун умр мен ўзимни бир оҳангда сақчолмадим,
 Онамни бир эсламадим, отамни бир йўқламадим.

2010

МУНОСАБАТ

Хиёнатнинг күчасидан кетди эри,
Аёл қолди, ёнар ўтниш орасида.
Бошга бўтган пешотининг бўлиб шўри,
Икки нафар гўдак қолди норасида.

Ўзга аёл қучогида ётар эркак,
Фоний дунё лаззатидан сармаст жони.
Уйда эса болалари кутар илҳақ,
Отам ишда, деб ўйлайди, энг ёмони.

Шу эртакка ишонтириб фарзандларин,
Ишонгиси келиб бунига ўзи, ҳатто.
Йиллардан ҳам узун ўтар ҳар бир туни,
Аёл йиглар тақдиридан излаб хато.

Сен ҳам зимдан назар сол бу ҳодисотга,
Аёл бўлсанг, эркак зотин қоралама.
Эркаклар ҳам берилмасин хаёлотга,
Аввал ўйла, одамзолга етмас нима?

Қанча-қанча оиласалар иллизини,
Ўзин ўйлаб ким бенгафқат емирмоқда.
Йўлдан уриб кимнинг ўғил ё қизини,
Малъун каби юрак қонин симирмоқда.

Ваъз ўқиймиз имон, вафо, садоқатдан,
Ёр дўстларни тўгри йўлга солмоқ бўлиб,
Ё баъзилар нолир мудом оқибатдан,
Бу дунёдан ўтган борми кўнгли тўлиб?!

Нима фойда, айтинг, ёлғон сафсатадан,
Чет-четларда қочиб-пусиб пайт нойламоқ.
Қайда қолли:
Виждон, Номус, Юрак, Ватан.
Кимга керак қорин учун жон сақламоқ.

Йўлин топиб кетар ўша гўдаклар ҳам,
Овунар ҳам боласига қараб аёл.
Сабр этсанг, арир экан ҳар қандай ғам,
Ўтган умр юрагингга солмас малол.

Аммо мени қийнар, дўстлар, бошқа тақдир,
Ширин тушдек тугар ахир бир кун эртак.
Макон излаб ҳар манзилдан юпун, фақир,
Тирноқ шимиб, кун ўтказиб юрар эркак.

Яна бир сўз айтгим келди сизга дилдан,
Сатрларим чала қолмас пировардда.
Кўра билиб адашмоқчилик тўғри йўлдан,
Элни, юртни сотиш билан баробар-да.

ОҚИБАТ ЙЎҚОЛДИ НЕЧУН?

Ўгилнинг отага меҳри йўқ, қаранг,
Аканинг укага қадри йўқ, қаранг.
Қорнидан талашиб тушган жигарлар,
Онасин йўқлашга вақти йўқ, қаранг.
Сизларга не бўлди одамлар бугун.
Орада оқибат йўқолди нечун?

Бошингга қўнгандада давлатқуш омад,
Атрофинингда тўлар соҳтадўст улфат.
Ўликми, тирикми деб бир йўқламас,
Елканига озгина тушганда кулфат.
Наҳотки, сотарлар дўстни нул учун,
Ўртада оқибат йўқолди нечун?

Жон қўшнинг йилда бир олмаса хабар,
Яқинлар чет элда юрса дарбадар.
Жигаринг озгина яхшилик қилиб,
Саломни миннатдан бошлиса агар.
Наҳотки, мол дунё одамдан устун,
Орада оқибат йўқолди нечун?

Бу миллат меҳрдан қаддин ростлаган,
Ватаннинг юзига оёқ босмаган.
Сайёхлар атайин кўриб кетарди,
Ўзбек дарвозага занжир осмаган.
Оҳ, қулфлар осилди, қалбда қўрғошин,
Орада оқибат йўқолди нечун?

Онага талпинган гўдақдек шогирд,
Улуг устозининг таълимин олиб.
Сал ўтмай рақобат тишларин қайрап,
Устознинг бор илмин эгаллаб бўлиб.
Бир ифлос манманлик булғабди ичин,
Адо этолмабди қасамин бурчин...

Эй Аҳад, беш кунлик дунё ўткинчи,
Яшамоқдан маъно недур айтгин-чи.
Ҳайвондек нафс қувса инсон боласи,
Виждон кўйиб кетса дилнинг таянчи.
Ҳеч ким бўломайди дунёга устун,
Орада оқибат йўқолди нечун?

Севган ошиқларда вафо қолмади,
Ёшлар муҳаббатнинг дарсин олмади.
Эркакмижоз аёлларнинг юзини,
Аёлмижоз эркаклар кўролмади.
Сеза олмадилар либосда ичин,
Ўртада оқибат йўқолди нечун?

Отасидан олиб тарбияю панд,
Онасин бағридан улгайиб фарзанд.
Эшигини ёпса норози қилиб,
Шайтон шерик бўлар ноп ластурхонда,
Барака унмайди ул хонадонда.

2012

ЁЛГИЗМАН!

Кўнгилда ишқ озори,
Юракда гам бозори,
Хаёлда ёр дийдори,
Ёлгизман...

Туним ўтар ингроқда,
Дард тиқилар томоқقا,
Бу гамларни енғмоқقا,
Ожизман...

Яrim дилим янчарлар,
Юрагимда ханжарлар,
Аямайин санчарлар,
Холсизман...

Ким дўстиму, ким душман,
Билолмай фаромушман,
Қаноти синган қушман,
Қўлсизман...

Пушаймон дил ёнмоқда,
Жон ўзидан тонмоқда,
Ортингта қайт демоқقا,
Тилсизман...

Кўнгилда ишқ озори,
Юракда гам бозори,
Хаёлда ёр дийдори,
Ёлгизман...

2010

ЯХШИЛИК ҚОЛАР!

Туғилиш ўлымга қўйилган қадам,
Келдими, бир купи кетади одам,
Бир сирни унугтма асло, дўстгинам,
Бу дунё бир гавфо, берганин олар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Дардни берган дармон беради ўзи,
Нишон топсанг камон беради ўзи,
Эртага ўчганда бугуннинг изи,
Шум тақдир жонингни минг куйга солар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Ака билмаса гар уканинг қадрин,
Фарзанд, бермай ота-онага меҳрин,
Чин дўстлар борлигин қиласак шукрин,
Камбагал ҳам ўтар, ўгади бойлар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Эшигингдан оқиб турганда давлат,
Бир оч юпун сўраб келганда мадад,
Қўли очиқликни қилгин сен мадад,
Сахий мард олдила тиз чўкар тоглар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Қарз занжири ётиб қўйса бўйнингни,
Ташвишу муаммо қуршаб кўнглингни,
Алаштириб қўйсанг ҳаёт йўлингни,
Дунё банда умрин минг куйга солар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Дунёдан ўтса гар яхши бир инсон,
Бир қалқиб титрайди олами жаҳон,
Бир кунда унутар ўлса гар ёмон,
Меҳри дарё диллар олам гуллатар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Омад қасрйинг гуллаб обод бўлганда,
Остонанг олтиндан бунёд бўлганда,
Қўл бер ёрдамга ким муҳтож келганда,
Манманлик йўл тўсса, дил кибр хоҳлар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Бир кун сўрадилар доно Пирлардан,
Айтинг, ким кучидир зўрдир зўрлардан,
Авлиёлар деди: яхшилик қилинг,
Оlam яралгандир яхшиликлардан,
Закот ҳар балонинг олдини олар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Меҳмон келса ўзбек хонадонида,
Бир қултум чой ичса дастурхонидан,
Қирқ йил тами кетмас эмиш оғзидан,
Ҳар ерда бу миллат меҳмондўст азал,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Яхшилик маъноси фақат пулдамас,
Тўгри йўл кўрсатмоқ, бир ширин сўз бас,
Яхшилик ибодат, улуг, ҳикмат, дарс,
Сиз шуни унутманг беморлар, соғлар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Кимдан давлат қолар, кимдандир фарзанд,
Кимдан илм мактаб, баланд иморат,
Кимдир яхшилилка боғласа белин,
Афсус, кимдан қолар иғвою гийбат,
Яхшилар бўлмаса дил қасри қулар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Бир кун инсон йўлин тўсди бир шайтон,
Савоб нега керак, эй бандя нодон,
Бугун берсанг эрта ўзингга қолмас,
Бойликларинг асра, яширгин ҳар он,
Худбинларга иблис устозлик қиласар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Эй, Аҳад! Бу дунё чархпалак азал,
Япрогидаң баттар илдизи қайсар,
От изин той босар, билгин, биродар,
Дунё қон күзёшларин айт, ким тұхтатар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

Туғилиш ўлимга қўйилган қадам,
Келдими, бир куни кетади одам,
Бир сирни унутма асло, дұстгина,
Бу дунё бир ғавғо, берганин олар,
Инсондан фақат шу яхшилик қолар!

2012

ЯНА СОГИНДИМ, ЯНА...

Кече багримда әдинг,
Бугун олиссан мана.
Нечуң йироқтаб кетдинг,
Яна согиндим, яна.

Сир айтаман армонга,
Гул тутаман ҳижронга.
Термуламан осмонга,
Яна согиндим, яна.

Ёрингман де, суй мани,
Дийдоримга түй мани.
Кечирмайман дейман-у,
Яна согиндим, яна.

Жодули күзларингни,
Мехрли сўзларингни.
Ширип нафасларингни,
Яна согиндим, яна.

Нурсиз кунга ўхшайман,
Ойсиз тунга ўхшайман.
Сенсиз қандай яшайман,
Яна согиндим, яна.

Ўтмайди ҳеч кун – сана,
Хотиранг қиласар таъна.
Юрак бўлди гамхона,
Яна соғиндим, яна.

Илк бора Аҳад Қаюм,
Кўзёш тўкмоқда, гулим.
Сенدادир ҳамон кўнглим,
Яна соғиндим, яна.

Сир айтаман армонга,
Май тугаман ҳижронга.
Термуламан осмонга,
Яна соғиндим, яна...

Кеча багримда эдинг,
Бугун олиссан мана.
Нечун йироқлаб кетдинг,
Яна соғиндим, яна.

КУТА-КУТА КЎНДИ КЎНГИЛ...

Кута-кута Кўнди Кўнгил Келмадингиз,
Куя-куя Кўпайди Кул Келмадингиз.
Кабутардек Кўкка Кўчиб Кетаяиман,
Кудурат Комидан Кечиб Кетаяиман.

Кулиб-Кулиб Киролмайман Кўчангизга,
Кўринмолмам Кўркам Кундуз-Кечангизга.
Кўзимдаги Кўзбойлогич Камар Каби,
Кўйларимла Каломдирсиз Кадар Каби.

Кетдингиз-у Кузлар Келди, Кузлар Келди,
Кимлар Кетиб, Кимлар Келар Кезлар Келди.
Куйдиргашим Куюнмангиз Кечирганман,
Кузларимни Кўкламларга Кўчирганман.

Кута-кута Кўнди Кўнгил Келмадингиз,
Куя-куя Кўпайди Кул Келмадингиз.

МАН, ЯНА МАН...

Ким мен деб йиглади, кимдир кечирди,
Кимнинг дарди менга огу ичирди,
Кимдир юрагидан буткул ўчирди,
Охир ҳаммасига бир-бир қўндим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндин ман.

Юракка нимадир ботиб бормоқда,
Аламлар қатма-қат ортиб бормоқда,
Бориб-бориб бағрим қотиб қолмоқда,
Ҳаттоқи, дунёдан, совиб қолдим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндин ман.

Кўнглим чинор каби қуийб қолибди,
Ишқ дарди ичимни ўйиб олибди,
Тагидан янги бир ниҳол унибди,
Япроқларин силаб синик кулдим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндин ман.

Келиб кўр, қўксимда нишлар изи бор,
Тилларим учида тишлар изи бор,
Елкамда иккита қушлар изи бор,
Күш эдим қайларга билмай қўндим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндин ман.

Бунақа дард билан яшаб бўлмайди,
Юряпман, бир жойга тўхтаб бўлмайди,
Аввалги Аҳадга ўхшаб бўлмайли,
Ҳамма жароҳатим бир-бир қўмдим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндин ман.

Ким мен деб йиглади, кимдир кечирди,
Кимнинг дарди менга огу ичирди,
Кимдир юрагидан буткул ўчирди,
Охир ҳаммасига бир-бир қўндим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндин ман.

МАН, НАҲОТ ЯНА МАН. СЕВИБ ҚОЛДИМ МАН...

ЭЙ ДҮСТ!

Түғилмоқ, яшамоқ ҳар бир бошда бор,
Кимларга омад ёр, кимлар бахтга зор.
Кимнингдир гул умри сўлганда бекор,
Ўйла, бу умринг савдосин, эй дўст,
Тингла бу кўнгилнинг садосин, эй дўст.
Эй дўст, яхшиликни умри узоқдур,
Ёмоннинг ҳар босган изи тузоқдур.
Ёлғончилик недур, охири чоҳдур,
Олгин ота-онанг дуосин, эй дўст,
Хато ёзма кўнгил иншосин, эй дўст.
Бахтнинг илдизи бу сабр дегани,
Эй дўст, бесабрлик жабр дегани.
Яхшилик охири қадр дегани,
Тұшун, зарҳикматлар маъносин, эй дўст,
Кұтарма нодонлар фавгосин, эй дўст.
Севгини рад этмоқ гуноҳдир азал,
Ўзга юрт ватандан бўлолмас авзал.
Энг аввал дилхонанг безатгин гўзал,
Топгайсан ҳар дарднинг давосин, эй дўст,
Қилмагин буюклиқ даъвосин, эй дўст.
Атрофга боқ, сендан пастроқлар ҳам кўп,
Душманлар ичидан дўстроқлар ҳам кўп.
Гулзорлар ичинда тузоқлар ҳам кўп,
Оларсан роҳатлар жазосин, эй дўст,
Ортирма жонингни жафосин, эй дўст.
Сен учун Аҳаддан шарҳи насиҳат,
Бир яхши, бир куни ёмон вазият.
Бир куни чекмайин десанг азият,
Танигин оламлар подшосин, эй дўст.
Қилмагин гумроҳлар хатосин, эй дўст.
Эй дўст, яхшиликнинг умри узоқдур,
Ёмоннинг ҳар босган изи тузоқдур.
Ёлғончилик недур, охири чоҳдур,
Олгин ота-онанг дуосин, эй лўст,
Хато ёзма кўнгил иншосин, эй дўст...

ҚАДАМЛАР ҲИКМАТИ...

Холис ҳукм сари бу умр карвон,
Қалбим нигоҳлари олисни күзлар.
Күзларим умидда, йўлларим равон,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

Йигладим, оқибат остонасида,
Киролмай мұхаббат кошонасига.
Сонсиз гуноҳларнинг вайронасида,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

Бу дунёда ҳар ким бир йўл излайди,
Кимдир пул, кимлардир кўнгил излайди.
Кимдир ғамнок, кимдир баҳтдан сўзлайди,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

Ёвга инсоф тилаб, дўстга ярасам,
Ҳақдан янги кунга мазмун сўрасам.
Дилимда минг афсус ортга қарасам,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

Қай бир қадам менга омад келтирди,
Қай бир қадам менга кулфат келтирди.
Гоҳ олдимда минглаб ёлғон йўл турди,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

Кўзгуга тикилиб, кўзимга боқсан,
Ўзимни излайман, ўзимга боқсан.
Наҳот шу мен дейман изимга боқсан,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

Юрак амри билан ақл чалкаши,
Оёқ эса аросатда адашиди.
Ким молим, ким жонимга кўз қадашди,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

Ватанда азизлур, ҳар бир қарич ер,
Кимдир шу тупроқдан ҳаром-хариш ер.
Ҳали манзилгача бордир қанча йўл,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.
Холис ҳукм сари бу умр карвон,
Қалбим нигоҳлари олисни күзлар.
Күзларим умидда, йўлларим равон,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман, дўстлар.

ОҚИБАТ

Ота бўлмай, тушунмайсан отангни,
 Она бўлмай, тушунмайсан онангни.
 Ҳаволарга сарф этмайин кучингни,
 Адо этгин, сен фарзандлик бурчингни.

Сен ёлғончи яллоларга учмагин,
 Молу дунё, тиллоларга учмагин.
 Сенга ёрдам бергай рўзи охират,
 Оқибатдир, оқибатдир, оқибат.

Онанг пойин бир бор тавоғ айласанг,
 Шу амал деб не тонг жаннатга тушсанг.
 Агар бугун хабар олсанг отангдан,
 Бу яхшилик эрта қайтар боландан.

Савобларга тўлсин десанг гар рўзим,
 Оқибатнинг жиловин қўйма, дўстим.
 Отанг ганиматдир билгин, эй дилбанд,
 Онанг ғаниматдир билгин, эй фарзанд...

Ота бўлмай, тушунмайсан отангни,
 Она бўлмай, тушунмайсан онангни.

2009

СИНИШИМНИ СОФИНДИ КИМЛАР...

Кулишимни соғинди кимлар,
 Сўлишимни соғинди кимлар.
 Ёнишимни кутганлар ҳам бор,
 Синишимни соғинди кимлар...

Дўстингман деб чоҳ қаздилар, оҳ —
 Мен у чоҳга сигмадим бироқ.
 Гоҳо аёл макрига учлим,
 Гоҳ кўнгилнинг оғусин ичлим...

Дұсти жоним, жондан азизсан,
Оқибатнинг занжирин туз сан.
Юрагимга урсалар ханжар,
Ёнимда тур қиёматтагача.

Эгик бошим согинди кимлар,
Күзда ёшим согинди кимлар.
Үлишимни кутганлар ҳам бор,
Тинишимни согинди кимлар.

Инграйверар ичимда юрак,
Йиғлайверар не қилмоқ керак.
Ака-ука қариндошдан гоҳ,
Бегоналар келали мардроқ.

О, севгилим, хиёнатларинг,
Қалбим йиртар жиноятларинг.
Эх, зерикдим ёлғонлардан ман,
Чарчаб кетдим ёмонлардан ман...

Юрак оғрир мозорим имлар,
Ұлсам күзим босғанда құмлар.
Севишимни кутганлар ҳам бор,
Совишимни согинди кимлар.

Фоний дунё ҳавасидан кеч,
Ёлғонларнинг ҳаммасидан кеч.
Пул, аёллар күнгилхушликтар,
Тириклийн гүрингга тиқар.

Эркакман деб күкрак керғанлар,
Қылмишлари аёлдан баттар...
Пок номимни қориб гийбатта,
Савлатимни күролмадилар.

Хаёт, отам багрини яшнат,
Онағоним күзшіларин арт.
Ифлос, дуниман ҳасалчилардан,
Қачон бутқул қутгуламан, айт.

Олдиндадир ҳали чин-ҳазил,
Олдиндадир ҳали йўл-манзил.
Айтишимни кутганлар ҳам бор,
Қайтишимни согинди кимлар...

Фамлар кўрса мурғак слкамда,
Ота-онам сиқилади-да.
Баъзиларга ўхшаб сотилиб,
Кечмаганман она-Ватандан...

Бухородан кетиб Тошкентга,
Наф тегсин деб она элимга.
АҲАД ҚАЮМ ижод йўлида,
Яхши ният туккан дилига.

Ўлишимни кутганлар ҳам бор,
Тинишумни согинди кимлар.
Кўнишимни согинди кимлар,
Синишимни согинди кимлар...

Навоийнинг кошонасидан,
Умар Ҳайём майхонасидан.
Ҳофиз элим таронасидан,
Муҳаббатнинг гулхонасидан.

Ижолхона кошонасидан,
Адабиёт остонасидан.
Кетинимни кутганлар ҳам бор,
Келишимни согинди кимлар.

КИМНИДИР СЕВГАНМИСАН?!

Кимнидир севганмисан,
Софиниб кутганмисан.
Сенсиз яшолмайман деб,
Үзига айтганмисан?

Кимнидир севганмисан,
Хажрида күйганимисан.
Ошиқликнинг дарди-ю,
Азобин ютганмисан?

Кимнидир севганмисан,
Қалбингни берганмисан.
Ишқ богидан гул узиб,
Фунчалар терганмисан?

Кимнидир севганмисан,
Багрида кулганмисан.
Ёлгиз вафодорингни,
Ўзинг танлаганмисан?

Кимнидир севганмисан,
Ёки севилганимисан.
Севгилинг нигоҳидан,
Дардини сезганмисан?

Кимнидир севганмисан,
Уни излаганмисан.
Бир лаҳза унотолмай,
Девона бўлганмисан?

Кимнидир севганмисан,
Аҳаддек ёнганимисан.
Юрагингнинг сўзига --
Бир бор ишонганимисан?

ЁЛГИЗЛИК

Розиман, бир умр ёлғиз яшашга,
Менга ёлғизликдан ишончли дүст йүқ.
Интилмам, ҳаммага қараб ўхашашга,
Одамлар ичидә күнглигің мос йүқ.

Кимлардир баҳтини топади ҳатто,
Биревлар туғлисін тозалаб ҳар күн.
Оғзымдаги ошни ҳалоллаб ютсам,
Ҳаммадан баҳтлиман демайин нечун.

Вагон орқасига осилиб келиб,
Шаҳарни әгаллаб олганлар қанча.
Кимнидир эңг содиқ лайчаси бўлиб –
Огини эгарлаб олганлар қанча.

Менга нима қипти, ҳамма жойим соғ,
Ёлғизлик эңг буюқ нөъматдир менга.
Юрагим дарёдир, иккى елкам тоғ,
Ҳар олган нағасим санъатдир менга.

Авом орасига тушмоқ мен учун,
Тегирмонга тошни ташлагандай гап.

Мен тушган тегирмон синиши мумкун,
Ёки тегирмончи бузади асаб...

Ҳаёт – лоторея, ёки қим әрмас,
Таваккал қилғанлар ютга и билан.
Касал бўлғанларнинг барзи бемормас,
Оёғин кўтариб ётгани билан.

Менга насиҳатмас, бир имкон беринг,
Робинзон Крузо ёки Колумбдек.
Кимсасиз бир орол йўлин кўрсатинг,
Америка очгум ишлаб Роботдек.

Йилларнинг бўйнига занжир осилган,
Кишаңдандаң маҳбусдек кетаёттир жим.
Бечора тарихнинг тили кесилган,
Унга павбат бермайди ҳеч ким...

Йўқ!!!

Ачиниманг менга.

Ёрдам керакмас!

Одамзодга фақат кўмаклаш, бас, дени.

Менга ёлғизликлар дўстлар олий ларс,

Менга "ЁЛГИЗЛИК"дек мукофот беринг...

2009

ХАЁТ ТЕМИРИЙЎЛМАС...

Күчада күрасан,
Елиб югурый,
Юзидан ғамсиздек юрган одамлар.
Қаёқдан биласан, сенга жилмайиб,
Үзи не ташвишда юраркин улар.

Бирөвга чивиндең озор бермайин,
Ноңаң зардалартга чидаганлар бор.
Юзидан бирөвга ҳеч билдирмайин,
Үзгалар гамида йиғлаганлар бор.

Хаёт темирийўлмас,
Изидан юрсанг...
Борар манзилига чипта сотмайди.
Гоҳо пешонанғта түппонча тираб,
Илтимос қылсанғ ҳам сени отмайди.

Одамлар,
Одамлар...
Әнг мавхұм қатлам.
Күнглім әшигининг бузилди зулфи,
Ақтим чархласам ҳам үтмас бунчалар,
Фалсафа сандигин очилмас күлфи.

Жилмайиб құяман, ҳатто душманга,
Дүстимга захримни сочаман ғоҳо.
Менга қолса, йүлбарс терисин шилиб,
Мингта чүмөлиға қылардим сарпо.

Нега юрагини тингламас ҳеч ким,
Ахир туғилмаслар авлиә бұлиб.
Еқи юксалтириб техника илмин,
Одамсан деб бўлмас роботта бориб.

Узр,
Вақтингизни олдим бехуда,
Ахир бу мавзуда баҳслашмоқ бекор.
Энди мен тущимда яшаб уйқуда,
Кундузй ухлашга қилдим мен қарор.

Үйлашдан қарчадим,
Фалсафаданмас,
Е мейёрдан ошди расмиятчилик.
Келажак йүлини ёруғ қилгайман,
Аждодлар гүрида турмасидан тик...
Хаёт темирийўлмас,
Изидан юрсам...

2009

ДАВЛАТ СҮРА ХУДОДАН...

Давлат сўра Худодан,
Давлат беради бир кун.
Омад сўра Худодан,
Омад беради бир кун.

Топилмай паноҳларинг,
Кўпайса гуноҳларинг.
Шафқат сўра Худодан,
Жаннат беради бир кун.

Кунларинг ўтмай қолса,
Яшагинг келмай қолса.
Мақсад сўра Худодан
Қисмат беради бир кун.

Бошинг чиқмай кулфатдан,
Чарчасанг ҳар иллатдан.
Ният сўра Худодан,
Несьмат беради бир кун.

Отни эгарламоққа,
Чўққилардан ўзмоққа.
Ҳикмат сўра Худодан,
Фурсат беради бир кун.

Кераксиз пўл тилладан,
Юракдаги ўт афзал.
Бир дард сўра Худодан,
Журъат беради бир кун.

Эй Аҳад, бу турмушдир,
Буни кўплар қўрмишдир.
Тоқат сўра Худодан,
Савлат беради бир кун.

Давлат сўра Худодан,
Давлат беради бир кун.
Омад сўра Худодан,
Омад беради бир кун.

2009

ТҮҚЧИЛИК ФАВГО ЭКАН

Мансабу бойлик эмас, дўст йиққан подшо экан,
Давлатинг ортганида душман ҳам ошно экан.

Дил мулки бир кошона, ҳикмати дунё экан,
Дунё ишин ўйламанг пишмаган савдо экан,
Йўқчилик эмас дўстлар, тўқчилик favgo экан.

Ғаниминг кўп бўлса гар, отгани тош излама,
Ғамларинг кўп бўлса ҳам тўккани ёш излама.
Ҳалол ризқингин қўйиб, ортиқча ош излама,
Қайда баднафс кўп бўлса, шайтон ҳам шайдо экан,
Йўқчилик эмас, дўстлар, тўқчилик favgo экан.

Бахтга тўлиб юрганинг кўролмайди баъзилар,
Нафас олмай ҳасадсиз туролмайди баъзилар.
Нечун ҳақиқатга тик қаролмайди баъзилар,
Номарднинг кўзлари кўр, юзлари қаро экан,
Йўқчилик эмас, дўстлар, тўқчилик favgo экан.

Йўқчиликда бир бурда нонга ҳам кўнар инсон,
Йўқчиликда сабр этиб ҳар дардга чидар инсон.
Тўқчиликда бойлик деб, балчиқقا ботар инсон,
Тўқчиликда ортингдан топганинг игво экан,
Йўқчилик эмас, дўстлар, тўқчилик favgo экан.

Эҳ, бу тирикчилик леб, қанча йўлларни юрдим,
Эҳ, бу йигитчилик леб, қанча қунларни кўрдим.
Қисмат, шерикчилик леб, қанча йилларни бердим,
Дили борда дунё бор, пули бор гадо экан,
Йўқчилик эмас, дўстлар, тўқчилик favgo экан.

Аҳад, жонинг ганимат, ўтар онинг ганимат,
Олган нафасинг бойлик, тириклигинг бир неъмат,
Тахти подшоҳ бўлса ҳам, одамдан эмас қиммат,
Яхшиларга моя тутул, жонимиз фидо экан,
Йўқчилик эмас, дўстлар, тўқчилик favgo экан.

Мансабу бойлик эмас, дўст йиққан подшо экан,
Давлатинг ортганида душман ҳам ошно экан.
Дил мулки бир кошона, ҳикмати дунё экан,
Дунё ишин ўйламанг пишмаган савдо экан,
Йўқчилик эмас дўстлар, тўқчилик favgo экан.

ЙИГИТЧИЛИКДА

Боши тошдан бўлсин эркакнинг доим,
Боласи оч қолса, қиёмат қойим,
Хотиннинг заҳридан асра Худойим,
Кўчага чиқади, тириклийик-да,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.

Кимгадир қучогин очади бозор,
Кимдир хунар билар, кимдир мардикор,
Киракашлик қилар машинаси бор,
Кимдир меҳнат қилар шерикчиликда,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.

Қанча узоқтарни яқин қиласан,
Тунроқни ҳам элаб, олтин қиласан,
Ўзингдан ўтганин, ўзинг биласан,
Тақдирга тан берма, бу йўқчилик-да,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.

Ҳалол ризқинг териб, янги тонгни кут,
Умидни йўқотма, этагидан тут,
Бесамар кетказган умрингни унут,
Фанимат бўлар бу кун тўқчиликда,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.

Аслида кўча ҳам битта мактабдир,
Ҳаётни ўргатар катта мактабдир,
Аҳад шоир излар, дўстлар, бир тадбир,
Шеърлар ёзгани йўқ, бир шўхчилик-да,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.

2008

ДУШАНБАДАН ЯКШАНБАГАЧА!

Хаётимни чамалаб кўрдим,
Килинмаган ишларим қанча.
Кунларимни режалаб кўйдим,
Душанбадан якшанбагача.

Хисоб билмас жайдари эдим,
Ўзни вақтнинг измига бердим,
Бир юракни еттига бўлдим,
Душанбадан якшанбагача.

Бир жонимга етмишта мезон,
Нега вақтга бўйсунар инсон,
Кунлар, ойлар, йиллар қилди қон,
Душанбадан якшанбагача.

Кимлардир шод, кимлардир хафа,
Бир зум тинмай айланар ҳафта,
Дардга тўлди бу умр дафттар,
Душанбадан якшанбагача.

Душанбада дилга тўлар шаҳд,
Сешанбада гўё омад нақд,
Чоршанбада топганингда баҳт,
Пайшанбада сарф этишдан қайт.

Жума айтар бўлди, энди вақт,
Эрта шанба, дам ол бир муддат,
Якшанбада охирги муҳлат,
Душанбадан якшанбагача.

2009

ЖИЙДА ГУЛЛАРИ...

Богларда жийдалар яна гуллади,
Дилларни дилларга мангу бойлади,
Орзулар багрига бизни чорлади,
Согиндик, биз сени баҳор еллари,
Севгимизга гувоҳ жийда гуллари.

Кўнглим саройидан йўқолди гавҳар,
Гавҳарнинг ўрнида бор оғу заҳар,
Тақдир жумбоқлари чигал бунчалар,
Бизни адаштириди умр йўллари,
Севгимизга гувоҳ жийда гуллари.

Шайтон тузогида мени овлади,
Дунё жилвалари кўзим bogлади,
Макру хиёнатга қалбим чоғлади,
Йўлларимдан чиқди ҳийла тўрлари,
Севгимизга гувоҳ жийда гуллари.

Бунда мен кўрмаган қолмади азоб,
Ростдан адаштириб авради сароб,
Фанимим дўстман деб тутганда шароб,
Бу дардан юракнинг оқди қонлари,
Севгимизга гувоҳ жийда гулларй.

Айрилиқда ўтган ҳар оним'қийнап,
Хаёлим ҳар лаҳза сенга интилар,
Севгилим, сенчалик ким мени севар,
Гапирсин баҳорнинг бўлса тиллари,
Севгимизга гувоҳ жийда гуллари.

Сенингсиз баҳт ярим, бу кўнглим ярим,
Ўзингсан қалбимда бебаҳо зарим,
Оллоҳим қайтаргин йўқотганларим,
Соғиндим, севгилим бахтнинг ҳидларин,
Согиндик, биз сени баҳор еллари,
Севгимизга гувоҳ жийда гуллари.

2010

ТАНЛАБ-ТАНЛАБ ТЕНГИНГИЗНИ ТОПДИНГИЗМИ?!

Тирик-Тасвир, Тушингизни Топдингизми,
Таҳтда Турраб Тожингизни Топдингизми,
Тилло Тўла Тоғингизни Топдингизми,
Тарози-ю Тошингизни Топдингизми,
Тундан Тониб Тонгингизни Топдингизми,
Танлаб-Танлаб Тенгингизни Топдингизми?

Тўғримиди, Тушлардаги Таъбиришимиз,
Туташмади Тақдиришимиз, Тақдиришимиз,
Талвасами, Ташишими迪, Тадбиришимиз,
Тоқат Тилаб Тешилди-ку Томиришимиз,
Тирик-Тасвир, Тушингизни Топдингизми,
Танлаб-Танлаб Тенгингизни Топдингизми?

Товонимга Тикан Тиқиб Тилмангиз-эй,
Тўхтамайин Тирнаб-Тирнаб Тиглангиз-эй,
Тоза-Тоза Тилакларим Тинглангиз-эй,
Тузоқ Ташлаб, Тўхтагмангиз, Тўсмангиз-эй,
Таҳтда Турраб Тожингизни Топдингизми,
Танлаб-Танлаб Тенгингизни Топдингизми?

Тасодифан Тапишганлик Телба-Телба,
Топишидигу, Тиллашмадик Тавба-Тавба,
Тиниқ-Тиниқ Тунларимиз Тийра-Тийра,
Талаффузлар Танлабларга Ташна-Ташна,
Тилло Тўла Тогингизни Топдингизми,
Танлаб-Танлаб Тенгингизни Топдингизми?

Тафтингизга Гўйиб-Тўйиб Туролмадим,
Тоқатим Тоқ, Танҳонимни Тополмадим,
Тилни Тишлаб, Томогимни Тишломмадим,
Туйгуларни Тарозига Танилолмадим,
Тарозию Тоннингизни Топдингизми,
Танлаб-Танлаб Тенгингизни Тондингизми?

Тентаккинам, Гўрг Томонга Тузоқ Тузиб,
Тўқилмангиз, Гизгинимга Тугун Тизиб,
Тиришасиз, Ўфонлардек Тўсиб-Тўсиб,
Термуласиз Гўзонларда Тўзиб-Тўзиб,
Тундан Тониб Тонгингизни Топдингизми,
Танлаб-Танлаб Тенгингизни Топдингизми?

2009

ЙИГЛАМА, ЎЗИМНИНГ ФАРИШТАГИНАМ...

Мен учун ғам ютдинг, кўзларингда нам,
Не дарддан кўзларинг майос бунча ҳам,
Бахтнинг саройига бирга борамиз,
Йиглама, ўзимнинг фариштагинам.

Ҳаёт кўчасида адашдим билмай,
Сенинг соф севгингни кўзларим кўрмай,
Айтгин, гуноҳимни мен қандай ювай,
Йиглама, ўзимнинг фариштагинам.

Ношудман, қадрингни билмадим, кечир,
Холинг ис, деб бир бор сўрмадим, кечир,
Олдан оққан сувни кўрмадим, кечир,
Йиглама, ўзимнинг фариштагинам.

Дардларим айтмоққа сўзлар етмайди,
Сени ўйламай бир оним ўтмайди,
Йигласанг, кўнглимдан ҳасрат кетмайди,
Йиглама, ўзимнинг фариштагинам.

Жондан кечгалимдир, сендан кечганим,
Ёдимла севгимга қасам ичганим,
Етар, ўзи менинг йиглаганиларим,
Йиглама, ўзимнинг фариштагинам.

Сендан олисларда бўлдим не бўлсам,
Сени йиглатгунча бўлмасми ўлсам,
Бир умр багрингни бахтга тўлдирсам,
Йиглама, ўзимнинг фариштагинам.

2010

ЭЙ ДҮСТЛАР

Бир елкада раҳмон, бирида шайтон,
Бирида ҳақиқат, бирида ёлғон,
Үртада овора бечора инсон,
Кимдир боғ яратар,
Кимнинг кўли қон,
Зўр бўлсанг, йўлингга қўйишар қопқон,
Ким арслон, ким қуён, ким эса илон,
Эй дўстлар...

Меҳмонмиз, ахир, биз бу дунёга,
Ҳайронман боқиб ёлғон савдога,
Соф бошингни кимлар қўяр favfoga,
Осмонлардан боқар, синови боқий,
Май ҳам ўзидадир, ўзидир соқий,
Ишқ бу ибодатдир, ишқ бу илоҳий,
Эй дўстлар...

Кимни омад, кимни кулфат қаршилар,
Пок номинг туҳматга қорар ваҳшийлар,
Бормисиз, қўл беринг, қани яхшилар,
Ҳаётнинг тўсигу зарбалари кўп,
Ёмоннинг макрию, нағмалари кўп,
Умрнинг оқ-қора саҳналари кўп,
Эй дўстлар...

Эй дўстлар, айтинг-чи, манманлик нечун,
Эрта учун, дўстлар, не қилдик бугун,
Чорасизликда Аҳад йиглар беун,
Оппоқ тонгларингиз этманг қаро тун,
Бу дунёга ҳеч ким бўлолмас устун,
Бахтнинг манзилидан бўлмайлик маҳрум,
Эй дўстлар...

2010

ДОДИМИЗНИ КИМГА АЙТАМИЗ?!

Дүстим,
Йиллар бизни ташлаб кетмоқда,
Йүллар бизни ташлаб кетмоқда,
Диллар бизни ташлаб кетмоқда,
Додимизни кимга айтамиз.

Дүстим,
Нишлар бизга тегиб ўтяпти,
Тошлар бизга тегиб ўтяпти,
Ёшлар бизга тегиб ўтяпти,
Додимизни кимга айтамиз.

Дүстим,
Қадримизни тупроқ қилдилар,
Бахтимизни йирөө қилдилар,
Қабримизни сўроқ қилдилар,
Додимизни кимга айтамиз.

Дүстим,
Адабиёт ўляпти, дейсан,
Ижод кимга қоляпти, дейсан,
Дилим дардга тўляпти, дейсан,
Додимизни кимга айтамиз.

Дүстим,
Илҳом ўзи дард билан келар,
Дардсиз шеърлар сафсата бўлар,
Келажакка нимамиз қолар,
Додимизни кимга айтамиз.

2009

ОНА ТУПРОҚ!

Мәхрим бордир саҳроларинш, ҳар бир тошу, ҳар қоянгга,
Бош эгиб таъзим айласам, ҳар бир хас бүгдойпоянгга,
Ўзга элни тенг кўрмасман, бир қатра нур, бир соянгга,
Айт, сени мендан ҳам кўпроқ, ким севар, эй она тупроқ.

Бир оҳ урсам, битта оҳим, етди-ку етти фалакка,
Бир кун яшаса-да қаранг, ватан бордир капалакка,
Она тупроқ бир гардингни. алишмам етмиш малакка,
Айт, сени менданам кўпроқ, ким севар, эй она тупроқ.

Таърифингга сўз айтмоққа. камдир ахир билганларим,
Сендан бир зум йироқ кетсан, қалбим ярим, баҳтим ярим,
Ишон менга, эй онажон, ёлтон эмас айтганларим,
Айт, сени мендан ҳам кўпроқ, ким севар, эй она тупроқ.

Бободеҳқоним юzlари, отам бўлиб кўрингайдир,
Ҳар учратган муnis аёл, онам бўлиб кўрингайдир,
Ҳар бир ўзбек юраги бир, олам бўлиб кўрингайдир,
Айт, сени мендан ҳам кўпроқ, ким севар, эй она тупроқ.

Биз ким бўлдик назар этмай, оддий элнинг ҳаётини,
Дунёларга танитмасак, Қонгарийнинг авлодини,
Ҳар лаҳзада ёдла тутсак, Навоийнинг баётини,
Айт, сени бизданам кўпроқ, ким севар, эй она тупроқ.

СЕВГИДАН КЕЧМАЙДИЛАР...

Чин ошиқлар ёлғондан,
Қасамлар ичмайдилар,
Кечиши мумкин жондан,
Севгидан кечмайдилар.

Синовдан қочмайдилар,
Ҳаваста учмайдилар,
Бонқани құчмайдилар,
Севгидан кечмайдилар.

Йүзларини түссәнг ҳам,
Құлларини кессәнг ҳам,
Бүйніга дор оссәнг ҳам,
Севгидан кечмайдилар.

Ишқнинг тафтидан түйиб,
Кунда биттасин сүйиб,
Жуфтини ёлғыз қўйиб,
Севгидан кечмайдилар.

Дейдики, ошиқ Аҳад,
Тақдирга қўнмоқлик шарт,
Ўйин эмасдир қисмат,
Севгидан кечмайдилар...

Чин ошиқлар ёлғондан,
Қасамлар ичмайдилар,
Кечиши мумкин жондан,
Севгидан кечмайдилар.

2008



СЕНГА ДҮСТЛИК ҚИЛАРМИКИН У?

Кимларнингдир кириб пүстига,
Айланиб энг содиқ дүстига,
Кейин оёқ қўйган юзига,
Сенга дўстлик қиласмикин у?

Одам қадрин билармикин у,
Яхшиликни тилармикин у,
Ярим юртга панд берган шайтон,
Сенга дўстлик қиласмикин у?

У шундайин зоти нокаски,
Шунчалар ҳам назари паски,
Кўнгил нима билмайди чунки,
Сенга дўстлик қиласмикин у?

Боласидан манфаат кутган,
Отасига ҳар кун тош отган,
Хотинига онасин сотган,
Сенга дўстлик қиласмикин у?

Худойимнинг ургани ҳам шу,
Икки дунё куйганидир бу,
Манфаатсиз нафас олмаган,
Сенга дўстлик қиласмикин у?

Кимларнингдир кириб пүстига,
Айланиб энг содиқ дүстига,
Кейин оёқ қўйган юзига,
Сенга дўстлик қиласмикин у?

2009

СЕНГА ОНА БЎЛОЛМАЙДИ

ОНАНГДАН БОШҚА...

Гарчи бугун дўстларим жам бўлгани билан,
Бахтим бутун ё омадим кулгани билан,
Гоҳ шодлиқдан ярим қўнглим тўлгани билан,
Руҳи мададкор топмадим, отамдан бошқа,
Касби дуокор топмадим, онамдан бошқа.

Умр ўтмас ғалваларсиз бир текисликда,
Ким истамас яшамоқни тўқ тўқисликда,
Дўст тутинсам, гам ютинсам гоҳ минг ҳадикда,
Бир меҳри ошкор йўқ экан, отамдан бошқа,
Менга интизор йўқ экан, онамдан бошқа.

Баъзан дейман наҳот шунча чигалдир ҳаёт,
Фақат армонлар дастида тугалдир ҳаёт,
Болалик чоғларим қўмсаб, эсласам бот-бот,
Шўхлигимни кўтарган ким, отамдан бошқа,
Дардим дилдан ўткарган ким, онамдан бошқа.

Вафода не сир-синоат гоҳо тушундим,
Бир жафокор ёр ҳажрида ёмон ўқиндим,
Чорасиз нолону ҳайрон кимга юқундим,
Бу ҳолимни ким англарди, отамдан бошқа,
Ҳасратларим ким тингларди, онамдан бошқа.

Парвозига қанот бўлдим бир бор дўстимни,
У-чи, элга достон қилди каму қўстимни,
Сомон тиқиб тўлдирибди, тинмай пўстимни,
Гар йиқилсан тиргак борми, отамдан бошқа,
Ачингучи юрак борми, онамдан бошқа.

Устозим деб маҳкам тутдим бир зот этагин,
У менга уқтирум оқ бўлди ёлғон эртагин,
Шунда дедим бу синовдир, Аҳад, чидагин,
Сенга ота бўлолмайди, отантдан бошқа,
Сенга она бўлолмайди, онангдан бошқа.

Дўстлар, ҳар кимга пок ният йўлдоши бўлсин,
Бунда ўтган ҳар бир дамнинг ривожи бўлсин,
Инсонийлик тарафдорин иқболи кулсин,
Шунда йўлинг қўмиб кетмас, бирорта одам,
Ногоҳ қўзинг юмиб ўтмас, ёнингдан ҳеч ҳам.

2008

БУГУН ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИГА НЕ БЎЛДИ?

Темур йиллаб кетса ватандан йироқ,
Самарқанд бошига бўлган шамчироқ,
Ҳам меҳрибон она, малика бўлиб,
Унутмаган аёллигини бироқ,
Бибихоним юзларига не бўлди,
Бугун ўзбек қизларига не бўлди?

Амирий шоҳ бўлган, ҳам шоир бўлган,
Жангларда ҳам доим у моҳир бўлган,
Шунча ақли билан, қудрати билан,
Фақат бир аёлга у мойил бўлган,
Нодиранинг сўзларига не бўлди,
Бугун ўзбек қизларига не бўлди?

Ҳар кун бир йигитнинг бўйнидан қучиб,
Молу давлатига, пуллига учиб,
Ўзгаси керакмас, ҳаётимсиз деб,
Бесабаб бир кунда кетарлар кечиб,
Увайсийнинг изларига не бўлди,
Бугун ўзбек қизларига не бўлди?

Қодирийнинг элга пидоси қани,
Аёлпинг ибоси, ҳаёси қани,
Дунёни сотворар тўрт танга пулга,
Чет эллардан билмам излар нимани,
Кумушшибиби нозларига не бўлди,
Бугун ўзбек қизларига не бўлди?

Энди Ҳамза қабрида тик ётади,
Елкада қандайдир бир юк ётади,
Кимлар икки сатр ёлтони билан,
Ҳамид Олимжонининг тўрин титади,
Зулфиянинг кўзларига не бўлди,
Бугун ўзбек қизларига не бўлди?

Бибихоним юзларига,
Нодиранинг сўзларига,
Увайсийнинг изларига,
Кумушшибиби нозларига,
Зулфиянинги кўзларига,
Бугун ўзбек қизларига не бўлди?

О, САБОҲАТ!

Дилдаги дард,
Жонга улфат,
Севдим деб айт,
О, Сабоҳат!

Бу Мұхаббат,
Күнгилда хат,
Кетма фақат,
О, Сабоҳат!

Ишқ – бу қисмат,
Ишқ – бу ҳасрат,
Ишқ – бу жаннат,
О, Сабоҳат!

Қани омад,
Қани роҳат,
Қани тоқат,
О, Сабоҳат!

Ошиқлик баҳт,
Қўйсанг ҳам шарт,
Шаҳдингдан қайт,
О, Сабоҳат!

Гуноҳим айт,
Дилим зулмат,
Бу ҳақиқат,
О, Сабоҳат!

ИШҚ

Савдолар ичра ёнг оғиридири инқ,
Башарниң аввали охиридири инқ.
Инқ бу асли дунё ботини лекин,
Кўйган кўнгилларниң зоҳиридири инқ.

• КЕЛ, КЕЛ...

Беғуборим, бекарорим,
Кел, кел, кел...
Ёлғиз ёрим, интизорим,
Кел, кел, кел...

Сүйганимни, күйганимни,
Йиғлаганим, күлганимни,
Сенга жоним берганимни,
Бил, бил, бил...

Бахтим шудир, бахтим шудир,
Сендей севгилим бор ахир,
Сен ёнимда бутун умр,
Қол, қол, қол...

Берганда гул, бағримда кул,
Менга бер құл, менга бер йүл,
Лаблари бол, дилга үт сол,
Остонанғда бұлайин қул,
Бошгинамда ой каби түл,
Кул, кул, кул...

Юрак ақл йўлин тўсар,
Қани ул малак леб қистар,
Сени сўрар, сени истар,
Дил, дил, дил...

Тинглаб шартин, билиб қадрин,
Тўғри англаб севги сатрин,
Сен Аҳаднинг ҳамма дардин,
Ол, ол, ол...

Гулрухсорим, бетакрорим,
Кел, кел, кел...
Бафодорим, умидворим,
Кел, кел, кел...

2010

ШУНАҚАЯМ БҮЛАДИМИ ҚИЗ БОЛА?!

Мен бир ошиқ кучга тұлған бұз бола,
Лочинюракдирман, лочинкүз бола,
Бунча шүхлик сизга нимага керак,
Шунақаям бұладими қиз бола.

Гоҳо манга қош қоқиб ўтасиз-да,
Юрагимга ўт ёқиб ўтасиз-да,
Елиб шамолдай, учиб хаёлдай,
Сой каби шўх оқиб ўтасиз-да.
Шунақаям бұладими қиз бола.

Нега сўзларимни кесасиз тинмай,
Атай, йўлларимни тўсасиз тинмай,
Қасддан, қийнайсиз айтганимга кўнмай,
Шунақаям бұладими қиз бола.

Тилим тўла нола, дил тўла нола,
Мени танлаш ўзингизга ҳавола,
Севдим десам, яна кулиб-кулиб, воҳ,
Шунақаям бұладими қиз бола.

Манзил бўлак экан, йўлимиз бўлак,
Сиз деб бедор юрак, сизга зор юрак,
Бир кунда киясиз етти хил кўйлак,
Хафтада қиласиз етмиш хил турмак,
Шунақаям бұладими қиз бола.

Ойбарчиндан ўтиб кетди шартингиз,
Тополмайсиз Аҳаддайин мардингиз,
Тошданмиди нозиккина қалбингиз,
Шунақаям бұладими қиз бола?!

2009

УСТОЗИМГА

(багишилов)

Илму тафаккурдан дилга йўл очган,
Қалбларга беминнат меҳрини сочган,
Гўё қуёш тафти юзида қўчган,
Сиз сабаб ҳар маҳал баланд парвозим,
Бахтимга бор бўлинг, азиз устозим!

Шогирдлар камолин ўйлаб туну кун,
Ҳаловат билмасдан багрин этиб хун,
Келажак авлюднинг тақдири учун,
Жонин аямаган бўлганда лозим,
Бахтимга бор бўлинг, азиз устозим!

Ким учун дунёда шуҳрати азиз,
Кимгадир ҳақ йўлда заҳмати азиз,
Сизга-чи эл-юртнинг раҳмати азиз,
Мудом баланд эрур сизга эъзозим,
Бахтимга бор бўлинг, азиз устозим!

Зулматда шамчироқ йўлни ёритар,
Илм ҳар лаҳзада бизга кор этар,
Интилганга доим омад ёр этар,
Қўзим олисладир қўлимда созим,
Бахтимга бор бўлинг, азиз устозим!

Тинглашга улгурмай қалбин сасини,
Англайди ўзгалар дил ноласини,
Баъзан эркаломай ўз боласини,
Бизларга баҳш этган баҳору ёзин,
Бахтимга бор бўлинг, азиз устозим!

Иисонга дуч бўлгай турфа хил йўллар,
Гоҳи тоғлар ошса, тоҳ кезар чўллар,
Баъзан таъқиб этса, чақмоқлар, дўллар,
Ҳеч вақт аданимагай ақл тарозим,
Бахтимга бор бўлинг, азиз устозим!

АҚЛЛИ ОДАМЛАР

Нозирлар тап тотмай йўл меники, дер,
Шоирлар уялмай дил меники, дер,
Матшуқлар мақтаниб, гул меники, дер,
Менсирамоқ, дўстлар, бизга ярашмас,
Ақлли одамлар дунё талашмас.

Қўйиб берсанг агар савдо аҳтига,
Доим бўйсунади битта нақлга,
Бозор таянмиш улар ақдига,
Омонат бир жонсан гавго ярашмас,
Асли йўқ нарсага лаъво яранмас.

Ёки сўз берсангиз шифокорларга,
Тиб олами ичра фидокорларга,
Мен малал бўлгайман дер беморларга,
Асл фидойилар ўрин сўрашмас,
Ақлли одамлар дунё талашмас.

Навбат тегиб қолса аҳли илмга,
Оlam суянгайдир дейди билимга,
Майдонда шер бўлмоқ ёқмайди кимга,
Мақсал ёски дўкон тубин кавлашмас,
Ақлли одамлар дунё талашмас.

Балиқлар ленгизин даъвосин қилса,
Осмонлар юлдузин даъвосин қилса,
Дараҳтлар иллизин даъвосин қилса,
Яшамоқдан маъни фақат курашмас,
Ҳақиқатга нечун тикка қараашмас.

Ўрин очсангиз гар маданиятга,
Фақат биз керакмиз, дер жамиятга,
Санъат жон багинилар оламиятга,
Мақсал майдон узра нуқул сайрашмас,
Сўзни сўзга уриб мантиқ қайрашмас.

Эътибор қилинг-а учувчиларга,
Тупроқдек хоксор қурувчиларга,
Бирдек юрт дардида юрувчиларга,
Ҳар куни минбарда жавраб туришмас,
Лекин чет-четларда хаёл суриншмас.

Аскарлардек элни ҳимоя элтар,
Офату балодан ким соя элтар,
Юксакларга асл ҳур гоя элтар,
Дилда ўти борлар йўлдан чалкашмас,
Ўзин ўйлаб халқни асло алдашмас.

Дўстлар, биродарлар, ога-инилар,
Аҳад ҳаммангиздан бир истак тилар,
Бирлашмасак эрта қиёмат бўлар,
Ёлғиз от қачон чанг чиқара олган,
Ботқоқдан ўзин ким кутқара олган...

АЙТИНГ, МЕН НЕ ҚИЛАЙ?

(*биринчи китобим чиққанида раҳматли бувижоним ва синглим
Мехринисога атаб ёзган ҳазил шеърим*)

Китобим босмадан чиқди ниҳоят,
Шеърларим кетдилар бир-бир тарқалиб,
Баъзиси ўз номин қилса ҳимоят,
Баъзиси ортимдан этишар таъқиб.

Мана, мисол учун бугун эрталаб,
Қўққисдан телефон жиринглаб қолди,
Ўйладим, ҳойнаҳой. бу Дилшод Ражаб,
Байрам деб шогирдин эсига олди.

Кўтарсам, во ажаб, бувим эканлар,
Дейдилар: ақлдан, болам, озибсан.
Менга деб битта шеър битмабсан ақал,
Қандайдир қизларга достон ёзибсан.



Ёки кеча оқшом дўкон ёнида,
Бир ҳофиз дўстимни учратиб қолдим,
У дейди: бизга ҳам ёзинг гоҳида,
Айнан шу томондан қийналиб қолдим.

Китобим қўлига етгани замон,
Шу заҳот уйимга келибди синглим,
Дер "Ака, қишлоққа қайтайлик омон"
Шаҳарда заррага йўқ менинг кўнглим.

Кечадан билан гаплашган эдим,
Акангдан хабар ол, қизим, дедилар,
Акам ижодига шўнғиган, дедим,
Келмаса, бораман ўзим дедилар.

Айтинг, мен не қилай? Менинг айбим не?
Ҳаётни борича куйлаганимми,
Ёки сарсон излаб асл санъатни,
Ватаним эртасин ўйлаганимми?

Йўқ, ахир бўлмайди бундай яшамоқ,
Ким гапирав ўйланг, биз ўтирасак жим,
Майли, ҳақни айтиб йиртилсин томоқ,
Шу элга садқадир оташин қалбим.

Майда-чуйда ҳислар менга бегона,
Синглим, сен бувимга ўзинг тушунтири,
Юртни тилга олиб битган ҳар сатрим,
Уларга аталган энг яхши шеърдир.

2007

ЭРКАК КИШИНИ...

Дунёга келдикми,
Билинг эй дүстлар,
Икки душмани бор, эркак кишини.
Бири манманлиkdir, иккинчisi тил,
Тұхтатади юриб турған ишини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дүстлар,
Иккита дүсти бор, эркак кишини.
Бири оиласи ва ҳалол мәжнат,
Шулар бўлса эгиб юрмас бошини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дүстлар,
Икки омади бор, эркак кишини.
Вафодор аёл ва энг содиқ бир дўст,
Йўқса ҳаёт синдиради тишини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дүстлар,
Икки кулфати бор, эркак кишини.
Биринчisi жаҳш, иккинчisi нафс,
Хар инсон асрасин асаб гиштини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дүстлар,
Иккита қарзи бор, эркак кишини.
Бири онасидан кейин Ватандан,
Шу қарзга сарфласин билак кучини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дүстлар.
Икки бойлиги бор, эркак кишини.
Бири фарзандидир, иккинчisi бу,
Хотиржамлик қаритгмайди ёшини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дўстлар,
Икки қаноти бор, эркак кишини.
Биринчиси иймон, кейин соғлиқдир,
Шулар келтиради омад қушини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дўстлар,
Иккита. баҳти бор, эркак кишини.
Аёл эмас эрқак бўлиб тугилган,
Иккинчиси олар аёл хушини.

Аҳад Қаюм айтар
Билинг эй дўстлар,
Икки устуни бор, ижод аҳлини.
Бири чин мухлислар ва истеъдоддир,
Санъаткор шулардан сезар баҳтини.

Дунёга келдикми
Билинг эй дўстлар,
Икки тулпори бор эркак кишини.
Бири қасби ҳунар ва ниятидир,
Йўқотмасин асло йигит шаҳдини.

Дунёга келдикми,
Билинг эй дўстлар,
Икки нозик жойи бор, ҳар бир кишини.
Икки жаг ва икки оёқ орасин,
Асраромоқъий ҳар кимнинг юмушидир...

Дунёга келдикми,
Билинг эй дўстлар,
Икки душмани бор, эркак кишини.
Бири маимантиклир, иккинчиси тия,
Тұхтатади юриб турған ишини.

ЭРКАК ЙИГЛАМАСИН!

Берар ҳам Худодир, олар ҳам Худо,
Эркак йигламасин давлат кетса ҳам.
Ҳеч кимса бўлмасин баҳтидан жудо,
Эркак йигламасин, омад кетса ҳам!

Бергандা шукр қил, олганда сабр,
Шошилиб ўзингга қазмагин қабр.
Йигитчилик дарсин уқмасдан ахир,
Эркак йигламасин, фақат синса ҳам!

Йиқилсанг, устингдан қулади номард,
Аслида айбинг йўқ билади номард.
Шошма, ўзи қайтиб келади номард,
Эркақ йигламасин, душман қулса ҳам!

Бошига тушғаңда ногоҳ қаро кун,
Йўлида учраса, бир дўсти сотқин.
Эй ҳаёт, эгмагин ҳеч қачон қаддин,
Эркак йигламасин, савлат кетса ҳам!

Йигитга не керак, бир чин дўст керак,
Йигитга не керак, ёргуғ юз керак.
Мол давлати номус ори бўлса бут,
Йигитга не керак, бир гулоз керак!

Эй аёл, эркакнинг умрин қил обод,
Эй аёл, эркакнинг этгин қалбин шод.
Эй аёл, баҳтини қилмагин барбод,
Эркак йигламасин, чин баҳт кетса ҳам!
Эркак йигламасин, чарчаб кетса ҳам!

Йигламай бўлмайди. туҳмат зарбидан,
Йигламай бўлмайди. ҳасад жабридан.
Йигламай бўлмайди, аёл макридан,
Эркак йигламасин, иззат кетса ҳам!

Бир кун совуқ, бир кун чўғи бор экан,
Турмушнинг бори бор, йўғи бор экан.
Ота деган номин булғаса фарзанд,
Эркак йигламасин, кулфат келса ҳам!

Йигитнинг парвозда қаноти дўстдир,
Йигитнинг сўнгги дам нажоти дўстдир.
Йигитнинг ҳаёти мамоти дўстдир,
Эркак йигламасин, чин дўст кетса ҳам!

Пул бор жойда билинг, дўст бор, душман бор,
Пул бор жойда билинг, рост бор, ёлғон бор.
Пул бор жойда билинг, нафс бор, шайтон бор,
Эркак йигламасин, дўст панд берса ҳам!

Бойлик адашмоқлик учунми айтинг,
Бойлик, ҳатто баҳтдан устунми айтинг.
Бойлик бу ҳаётга мазмунми айтинг,
Эркак йигламасин, гийбат бўлса ҳам!

Онасин ҳақорат қилганни кўрдик,
Хотини хиёнат қилганни кўрдик.
Фарзанди жиноят қилганни кўрдик,
Эркак йигламасин, бу дард келса ҳам!

Ииқилганда қочса қону қариндош,
Эй йигит синмагин эгид юрма бош,
Белга белбог бўлсин доим сабртош,
Эркак йигламасин, мадад кетса ҳам!

Кимдир кўролмаса турган жойингни,
Бошинг силаб мўлжалласа пойингни.
Улфат бўлиб огулатиб чойингни,
Эркак йигламасин, ким паст кетса ҳам!

Тиллага ўч бўлмоқ аёлнинг касби,
Эр-йигит ҳаромдан қочади асли.
Ўксинмас йўқотса дуру зар қасрин,
Эркак йигламасин, зийнат кетса ҳам!

Бахтинг кесмоқ бұлса ичи қоралар,
Сочинга шу гамдан миңг оқ оралар.
Юздан ёшлиқ қочса дилинг поралар,
Эркак йигламасин, қувват кетса ҳам!

Бошингга миңг синов синоат келса,
Күздан уйқу қочиб ҳаловат кетса.
Ишларинг юришмай бонига лард етса,
Эркак йигламасин, роҳат кетса ҳам!

Бир манман мақтанса ўргага кириб,
Мендаң зўри йўқ леб кўксини кериб.
Камситмоқ бўлса гар сени наст кўриб,
Эркак йигламасин, кам-кўст бўлса ҳам!

Муҳаббатга атаб кўнтил зорини,
Ишқнинг дунёсига берса борини,
Дил куйиб, йўқотиб қўйса ёрини,
Эркак йигламасин, тулоз кетса ҳам!

Йигитга не керак, бир чин дўст керак,
Йигитга не керак, ёргуғ юз керак.
Мол давлати номус ори бўлса бут,
Йигитга не керак, бир тулуз керак!

Йигламасин баҳти тоҳ чалқаш бўлса,
Ишонган дўстлари майдакаш бўлса.
Ҳеч кимга ишонмай кўнгли ғаш бўлса,
Эркак йигламасин, ёлтиз қолса ҳам!

Йигитни йўқ қилас ҳаром ўйинлар,
Битта хатонинг ҳам сени йўқ қилас.
Сабр қил бир қуни омадинг келар,
Эркак йигламасин, оғиз бўлса ҳам!

Дарлингни берар ҳам олар ҳам ўзи,
Саргаймасин қаршаш ҳеч кимнинг юзи.
Мехнатдан тўхтама вақт ўзи қози,
Эркак йигламасин, миңг қарз бўлса ҳам!

Қувонма кўчангда бўлса ҳам байрам,
Байрамнинг оргидан келади мотам.
Йиқилсанг, устингдан кимдир кулса ҳам,
Эркак йигламасин, ҳеч вақт,
 Ўлса ҳам!

Тирногинг остидан излаб ким иллат,
Қилган яхшилигин қилиса ким миннат.
Кечаги қарзинг леб номинг ётар наст.
Эркак йигламасин, хурмат кетса ҳам!

Ҳаёт ўйинлардан иборат майдон,
Зўр бўлсанг йўлингга қўйишар қонқон.
Қўрқмагин пойнингта чирмашса илон.
Эркак йигламасин, журъат кетса ҳам.

Дунёда ҳеч кимдан олмагин қасос,
Худога сол, қайтар дунё бордир рост.
Ҳар бир қадамингни доим ўйлаб бос,
Эркак йигламасин, мансаб кетса ҳам!
Эркак йигламасин, асаб кетса ҳам!

Сабр қилинг ўтар йўқчилик келса,
Шукр қилинг агар тўқчилик келса.
Ўқсимасин кимдир қалбин синдириса,
Эркак йигламасин, ният кетса ҳам!

Ҳаёт, кўп йиглатдинг Аҳад Қаюмни,
Эшитгин эй дўстим дилда орзуимни,
Қийнамасин фарзанд лоғи ҳеч кимни,
Эркак йигламасин, фарзанд кетса ҳам,
Жигарбанди уни ташлаб кетса ҳам!

Берар ҳам Худодир, олар ҳам Ҳудо,
Эркак йигламасин давлат кетса ҳам.
Ҳеч йигит бўлмасин баҳтидан жудо,
Эркак йигламасин, омад кетса ҳам!

ЭРКАКСАН – ЭРКАКНИНГ ИШИНИ ҚИЛГИН!

Аёл муҳаббати бу биллур қадаҳ,
Унинг севгисига хиёнат қилма.
Кўнгил жароҳати тузалмас ҳеч вақт,
Ўзингдан аёлнинг қадрин паст билма.
Қиз қалби нозик гул, авайлаб билгин,
Эркаксан – эркакнинг ишини қилгин!

Кимдир қўлин чўйса яхшилик учун,
Дўстлик ишончини арzonга сотма.
Ўйла, бу дунёга келгансан нечун,
Муҳими ҳурматинг асра, йўқотма.
Мардларнинг ёнида мардлардек тургин,
Эркаксан – эркакнинг ишини қилгин!

Ўрмонга дод солиб мен шерман дейсан,
Думинг ликиллатиб тулкига ўхшаб.
Шоқоллар ичида нима қиласан,
Нима керак айтгин бунақа яшаб.
Ҳайвонларга қўйгин ўрмоннинг сирин,
Эркаксан – эркакнинг ишини қилгин!

Унутма айби йўқ тирикчиликни,
Эй дўст, сўзларимни қулоқقا илгин.
Ҳалол бўл эшшакнинг ишин қилсанг ҳам,
Эркаксан – эркакнинг ишини қилгин!

Эркакка ўхшаган аёллар кўпdir,
Кўрдим аёлсифат эркакларни ҳам.
Аҳад Қаюм ҳайрон нима ҳам дердим,
Тилим лол тушунмай қолдим дўсттинам.
Майли, ота-бобонг қилганин қилгин,
Эркаксан – эркакнинг ишини қилгин!

Аёл муҳаббати, бу биллур қадаҳ,
Унинг севгисига хиёнат қилма.
Кўнгил жароҳати тузалмас ҳеч вақт,
Ўзингдан аёлнинг қадрин паст билма.
Қиз қалби нозик гул, авайлаб билгин,
Эркаксан – эркакнинг ишини қилгин!

ОТАНГ ҚАДРИГА ЕТГИН...

Үйлагин бу қисматнинг бешавқат қилмишларин,
Мудом бири кам бўлган бу оламнинг ишларин,
Мехр қўйиб бу тўрт кунлик дунёга сен эй фарзанд,
Қадрла ота онанг, асра оппоқ соchlарин,
Отанг қадрига етгин, отанг ўлмасданг аввал,
Онанг қадрига етгин, онанг ўлмасданг аввал.

Кекса тан, хаста bemор, oҳ ноилождир улар,
Ёлғизлатиб қўймагин, сенга муҳтождир улар,
Ким учун шу куйга тушиб ёшлигини йўқотди,
Энди дастурхон тўрида дуога бошдир улар,
Отанг қадрига етгин, отанг ўлмасданг аввал,
Онанг қадрига етгин, онанг ўлмасданг аввал.

Майли қора қозон деб, бола чақам деб югур,
Хаётда бекам яша, дўстим барига улгур,
Қилгин кўнгил зиёрат, ҳар кимсага оқибат,
Вақт топиб ҳар кунда бир, онангдаи хабар олиб тур,
Олиб қўймасдан тақдир, отангдан хабар олиб тур,
Отанг қадрига етгин, отанг ўлмасданг аввал,
Онанг қадрига етгин, онанг ўлмасданг аввал.

Инсоннинг қабрин эмас, қадрлаш керак қалбин,
Ўлигига йиглама, тиригига бил қадрин,
Сендан кейин фарзандинг, дилбандинг жигарбандинг,
Ўргансин сенга қараб ҳаётнинг ҳар бир дарсин,
Отанг қадрига етгин, отанг ўлмасданг аввал,
Онанг қадрига етгин, онанг ўлмасданг аввал.

Аҳад Қаюм истайди, дўстлар фақат бир тилак,
Бори авлоди башар, бўлсин бир жон бир билак,
Отамиз соғ бўлса гар, онамиз соғ бўлса гар,
Ҳаётдан мазмун сезиб, яшайди шунда юрак,
Отанг қадрига етгин, отанг ўлмасданг аввал,
Онанг қадрига етгин, онанг ўлмасданг аввал.

МУНДАРИЖА

Сүзбоши	3
Сиздан айрилсам	5
Ибодатга қайтар мени!	6
Мехр тиладим	7
Санъатим	8
Эртага не бұлар	8
Дийдор ғанимат	9
Мени йиглаб соғинма	9
Оқ күнгиллар.....	10
Хеч кимса күрмасин фарзанд доғинш	11
Одлоқ бизни құллагайдыр	12
Орзу	13
Ёлгизлик яхшидир, ёлгизлик яхши.....	14
Оддий фалсафа	14
Телефондаги суҳбатдан:	15
Ишқ сурати	15
Таниш рақамлар	16
Телефонга югурап құлым	17
Сабоқ!	17
Хиёнатни кечирмайман.....	18
Замонавий шиор! (Ҳазил)	18
Уни бошқа учратмадим	19
Йигласанг.....	19
Сени эртага ҳам күрармиқипман?	20
Севмайман, деб қандай айтаман	21
Севмаганман сизни ҳеч қаңтоң	22
Яна севармикинман.....	23
Бонқасин севмасмикин?!	23
Сенсиз.....	24
Нима қылай, ахир, уни севаман	25
Ұзғанинг ёрига күнгил қүйібман	26
Сиз фақат меникисиз!	27
Бойник деб...	27
Ёлғызыпам.....	28
Хайхот	28
Мұхаббат қадрини билмаган	29
Бунча маъюссан?	30
Севаман!	31
Едімда бұлсанг, бас...	31

Қирқта ваъда	32
Онам мени дард билан түққан	33
Одамнинг заҳрига даво не бўлар?!..	34
Тескари дунё...	34
Менга фарқи йўқ	35
Эҳ!!!	35
Бир тараф	36
Онам маслаҳати	36
Агар чин юракдан севсанг кимнидир	37
Севгилим, айрилиқ бунчалар ёмон	38
Сизни наноҳида асрасин худо	39
Кўхна ҳақиқат	39
Яна ҳаётга қайтдим..	40
Сизда гуноҳ йўқдир, ўзимдан ўтди	41
Нодон	41
Рухсат беринг	42
Дўст шунлай бўларки...	43
Ҳаммаси яхшийди..	43
Оқ кабутар...	44
Агар аёл хиёнат қиласа	45
Бир ишонр тугилди..	45
Сиздек лўстим бор эди менга	46
Йўллар тузоқ	46
Уни унугмоқиман	47
Мени ёқириардинг	48
Ҳаммадагам кўпроқ севаман сани	49
Нима қизләй баҳтли бўлинининг учун	50
Хойӣ қиз	51
Онам кўрганида ниу кунларимни	52
... Ота-онам умрилай	53
Қизик	53
Барчинийини рўмоли қани?	54
Сизсиз Аҳал хор бўймали	55
Муҳаббатининг сўнгти -- улим..	55
Дардимни сўраманни	56
Худо сизга берсии менини баҳтимни	56
Дунё	57
Дўстларимга хор бўлған куним..	58
Дард бирталай...	58
Баҳор	59
Йиглайман	60

Нега фақат бизни...	61
Түйинг куни севиб қолсанғ бошқанні	62
Гоҳо яхшилар умри қабрдан бошланғайдыр...	62
Мен куттан аёл ...	63
Дүстимга насиҳат ...	63
Севги йүқ, деб сенга ким айтди?	64
Бухородан кета олдым-у...	64
Умринг ўтказма увол ...	65
Отамга хат ...	66
Дардимдир бахтим менинг...	67
Отамнинг дұстлари отамдай азиз ...	68
Яшашни бил ...	69
Қачонгача бундай яшаймиз?	70
Бөшің күлингни оғзингга тиқма ...	71
Қаноат қыл ...	72
Янги ҳәёт кошонаси күттүф келсип!	73
Үзімдан ўтгани...	74
Жуда олисадасан...	74
Түйіб кетдім ...	75
Хұдо урсын, деб қарғаманғ ...	75
Шұкр. оллоҳим ...	76
Бүгун, балки...	77
Сізни жуда яхши күраман...	78
Қајбим сизде яшар...	79
Исемміні тақрорла...	79
Ағылда...	79
Алданған қыз ...	80
(Хазил шеър)	81
Бақтли қыл, тинчгина ётай қабримда!	82
Сөни севаман, денг...	83
Дүстлар борки...	84
Ағылнинг ташвиши эмас бу...	85
Сөни ростдан севиб қолғандым...	86
Нега сендан дарапкайыл...	87
Севги ...	88
Бошқасига уйландым...	89
Сизге үшшаган қызы кимни севади?	90
Уйқум келмаяпти...	91
Бир юракда иккита севги...	93
Иккінчи муҳаббат...	94
Йиғлама дил, у келмайди...	95

Тополмадим	96
Айрилиқ қонунми ишқ қитобида	97
Бизларга нима қипти...	98
Севиб қолгим келяпти...	98
Қачон күришамиз...	100
Мен каби девона йўқ	101
Кулишни истасанг	101
Оҳ юрак, юракжон..	102
Сенсизликда девона бу дил...	103
Камбағал бошини қаерга урсин?	104
Соат тинмай чиқиллар	105
Мабодо...	106
Керак экан қора ҳам демак	107
Софинч бизни соғиниб қолар	108
У менинг қабрим эди...	109
Қизғалдоққа айлансайдим...	110
Душман деб билганим дўст бўлиб чиқди...	110
Дўстим ҳам сен, рақибим ҳам сен.....	111
Аlam бўлди	111
Девонаман..	112
Адо қилдинг	113
Бевафодур..	114
Дилим..	115
Аёлга не керак?..	115
Айттолмадим	116
Севги изҳори! (Монолог)	117
Талпиниб бир-бирин истар кўнглимиз...	118
Қайтадан танишамиз...	119
Ота-она дуоси	120
Онам мени кута-кута зериккан.....	121
Қаранга-а-а...	121
Она	122
Икки ўт ичидя яшашдан тўйдим	123
Ўзимга насиҳат	124
Бу ҳаёт биз учун нима, одамлар...	125
Йўлинг бўлсин	126
Кўнглим	127
Баъзилар	128
Майда ташвишлар...	129
Қадр топмаса	130
Яхшиликка.....	131

Дүст	131
Кимгайдир гул насиб, кимгайдир тикаң!	132
Үтгап аеримизда...	132
Нечун севганимга ишонмайсан, ёр?	133
Нилуфар	134
Шаҳұ үсіб бораверар	134
Эслармикансаң?!	135
Әнг бириңчи севгім ўзинг..	136
Қайтишинг рост-кү...	137
Согинасан	138
Күнглингизга олманғ хатоларимни..	139
Борим шу...	140
Хазил-хазил билан..	141
Душманларим ұрсаның бұлсинг деб	141
Сизни севаман	142
Севги деб...	142
Йигирма йил ўтса ҳам..	143
Үйғонишдан құрқаман	143
Сочларинг савдоси..	144
Севиб қолдым	145
Даври келса..	145
Құймадингиз, құймадингиз-да	146
Бухороча мұҳаббаг	147
Нега йиглайсиз, она..	147
Айтдим қўйдим-да	148
Севги гўзал туйғу...	148
Севсанг севмасанг	149
Мени излагин	150
Боғбон қўпайди (Э.Воҳидовга)	150
Гулираъно	151
Билдим...	151
Нимадир етмаяпти	152
Ёзипман	152
Ўзингга үхшаган синглинг йўқмикин	153
Ойлар.....	153
Оқ либосда. учіб кетдинг, оқкушлек	154
Сөнга уйланолмайман	154
Насибам	155
Тилло узук	156
Ўлган севгимизни қайга кўмаман..	157
Гап бүёқда экан-да	158

Шаббода	159
Бизга ҳали бор экан	160
Ижарада	161
Буни севги лейдилар	162
Юлдузни согиндим	163
Дарвешона	164
Согиниб қайтдим	165
Хатолар суратин құчған азоблар (туркүм) I	166
Хатолар суратин құчған азоблар (туркүм) II	167
Хатолар суратин құчған азоблар (туркүм) III	168
Муножот	169
Бефарзанд аёл	170
Ўзбегимининг тўйи	171
Қадаҳ	172
Тугилған күн	173
Тўйдан кейин	174
Мен каби ёлгизмисан	175
Айтинг-чи, эртага биздан не қолар?	176
Яхши одам	177
Атрофимизда	177
Дўстлар насиҳати	178
Зарсандик	180
Юрибмиз-ку мана, ўлғанимиз йўқ	181
Қиёматда шоҳу гало тенг экан	182
Бугун дунё бошқача	183
Нега ўйламай	184
Ўз ёғимга ўзим қоврилайман	185
Ҳеч кимга куним қолмасин	186
Тинч кўйинг	188
Барча айб ўзингла, эй ожиз банда!	189
Умримизни эҳсон қиласиз...	190
Ҳали биз ҳаммага керак бўламиз	191
Яхшилар, асройлик имонни...	192
Гоҳида душманим дўстимдан марддир..	192
Айбим нимада менинг?	193
Гуноҳларим дарё, дарё	194
Ўзинг менга раҳм қил, худо	195
Менинг ўз йўлим бор...	195
Тўгри йўлга тушмоқ қийин	196
Ёмонга яқин юрма...	197
Дунёнинг ишлари	198

Ёлғиз аёл... (<i>Зулайҳо Бойхоновага</i>)	199
Дўстим, умринг ўтмасин ёлғон	200
Қачонгача бундай яшаймиз?	201
Эй нафс!	202
Юракни қаритманг, азизлар!	203
Ҳеч ким топганини олиб кетмайди	204
Не фойда	205
Учратар	206
Бошинг олиб қайга кетасан?	207
Умринг увол, қадринг арzonдир	208
Бизнинг театр (<i>Баҳодир Йўлдошга</i>)	209
Тарбия	210
Бухоро деб... (<i>Садриддин Салим Бухорийга</i>)	212
Бухоро	213
Яшаса тоабад, Ватан яшасин!	214
Ватан нима	215
Дерларки остоңадан бошланар Ватан	216
Ватанимни соғинаман, Ватанимни	217
Сўнгги кўнғироқ	218
Аввало, инсон бўл	219
Мени сев	221
Агар ўлсам	221
Чиройлигим	222
Қор ҳам ёнар	222
Мактублар	223
Бегим деманг, бегойим	225
Софиниб	226
Агар аёл истаса..	227
Дунёда энг гўзал аёл ким	228
Кизми бу, кийикми бу?	229
Сени ўйлаб!	230
Софиич	230
Бизники юракмасми?	231
Қўзёшлар	231
Ўртамиза битта хато бор	232
Дўстим менга хиёнат қилди	232
Билмайман дейсан	233
Афсус	233
Муносабат	234
Оқибат йўқолди нечун?	235
Ёлғизман!	237

Яхшилик қолар!	238
Яна соғиндим, яна...	240
Кута-кута кўнди кўнгил...	241
Ман, яна ман...	242
Эй дўст!	243
Қадамлар ҳикмати...	244
Оқибат ...	245
Синишимни соғинди кимлар...	245
Кимнидир севганимисан?!	248
Ёлғизлик ...	249
Ҳаёт темириўлмас...	250
Давлат сўра худодан...	251
Тўқчилик фавро экан ...	252
Йигитчиликда ...	253
Душанбадан якшанбагача!	254
Жийда гуллари...	255
Танлаб-танлаб тенгингизни топдйнгизми?!	256
Йиғлама, ўзимнинг фариштагинам...	257
Эй дўстлар ...	258
Додимизни кимга айтамиз?!	259
Она тупроқ!	260
Севгидан кечмайдилар...	261
Сенга дўстлик, қиласмикин у?	262
Сенга она бўлолмайди онангдан бошқа...	263
Бугун ўзбек қизларига, не бўлди?	264
О, Сабоҳат!	265
Кел, кел...	266
Шунақаям бўладими қиз бола?!	267
Устозимга (<i>багишлов</i>) ...	268
Ақли одамлар ...	269
Айтинг, мен не қилай?	270
Эркак кишини ...	272
Эркак йиғламасин ...	274
Эркаксан – эркакнинг ишини қилгин!	278
Отанг қадрига етгин ...	279

ИККИ ДУШМАНИ БОР ЭРКАК КИШИНИ

(иєър ва қўшиқлар гулдастаси)

Масъул муҳаррир: Шукур Жаббор
Муҳаррир: Алишер Нарзулло
Тех. муҳар: Нарғиза Содиқова
Дизайнер: Расул Ташматов
Оператор: Нигора Мухитдинова

Теришга берилди 30.09.2013. Босишга рұхсат этилди
21. 10.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ
гарнитурасида чоп этилди. Шартли босма табоги 18,0.
Нашр босма табоги 18,0. Адади 10 000 нұсха. Буюртма
№126.

Нашриёт лицензияси: А1 №183. 08.12.10.

«Dizayn-Press» МЧЖ нашириёти босмахонасида чоп этилди.
100100. Тошкент шаҳри, Ўббур кўчаси, 22 уй.
Тел.: (8 371) 255-34-28, Dizaynpress@mail.ru